


**М. ТОЖИБОЕВА**

**ЮСУФ САРЁМИЙ ҲАЁТИ  
ВА ИЖОДИ**



**ТОШКЕНТ  
“Мовароуннахр”  
2005**

**Мухаррир:**  
**Олим Тўлабоев**

**Мусахҳих:**  
**Абдуғафур Искандар**

**Техник муҳаррир:**  
**Ихтиёр Саид**

## МУҚАДДИМА

Республикаимиз мустақилликни кўлга киритгач, Президентимиз энг кўп диққатни қаратаётган муаммолардан бири маънавият бўлиб турибди. Бой маданий-адабий меросимизни ўрганиш, англаш ва унга ворислик қилиш эса маънавиятининг ўзак масалаларидандир. Бу ҳақда юртбошимиз Ислом Каримов шундай таъкидлайди: «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди».

Истиқлол шарофати билан юзага келган талаб ва имкониятлар адабиётшунослик фанимиз зиммасига инсоннинг тафаккур қудрати, қалб ва идрок кучи билан яратилган бебаҳо меросимизни кенг кўламда чуқур ўрганиш ҳамда асрлар оша безавол яшаб келган маънавий қадриятларимизни теранроқ кашф этиш масъулиятини юклади. Биз танлаган ва ёритишга уринган мавзу ҳам ана шу масъулиятли йўлдаги ижодий ҳаракатлардандир.

Юсуф Сарёмий шеърятти – инсонни ўз-ўзини чеклайдиган ички куллик, якранглилик, онгни бўғадиган фикрий кишанлардан халос қилишга фаол ҳисса қўшадиган соҳир шеърят. Шоир ижоди ўзига хос фалсафий мушоҳадаларга, теран руҳий кечинмаларга бой. Унинг гўзал ғазаллари, сермаъно рубоийлари, ғоявий-бадий салмоққа эга бўлган мусаддас, мухаммасларида юксак шеърят тимсолларини кўришимиз мумкин. Мавлавий Юсуф Сарёмий ислом динига самимий эътиқод кўйган, тасаввуф маслагига меҳр-муҳаббат боғлаган комил мусулмон шоирдирки, унинг шеърятидан ислом ва тасаввуф дунёқарашининг ҳаётбахш, донишманд заковати уфуриб туради. Ана шу жиҳатдан мумтоз адабиётимиз тарихида шоирнинг ўзига хос мавқеи, муносиб ўрни бор. Унинг шеърятти қанчадан-қанча замондошларига илҳом ва маънавий озиқ берган XX асрнинг бир қатор адабий сиймолари Юсуф Сарёмий ижодидан баҳра олиб, эътиборли шоир ва адиб бўлиб етишган. Шунинг учун бу ўзига хос истеъдод соҳиби ҳаётини жиддий текшириб, ўрганиб, ижодини тадқиқ ва тарғиб қилиш

адабиётшунослигимиз олдида турган кечиктириб бўлмас муҳим вазифалардан биридир.

## **Сўнги яқин ўн йилликларда Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши**

Ўзбек мумтоз адабиётининг энг кейинги даври ҳисобланган XIX асрнинг II ярми XX аср бошларини ўрганиш борасида талай ишлар қилинди. Айниқса, бу давр адабиётининг характерли хусусиятларидан бўлган маърифатчиликни тадқиқ этишда бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Бу борада А.Абдуғафуров, Ш.Юсупов, А.Жалолов каби эътиборли мутахассисларимизнинг тадқиқотлари буни кўрсатиб турибди. Шунингдек, бу давр адабиёти ижтимоий-фуқаролик мотивлари нуқтаи назаридан ҳам кенг текширилди ва текширилмоқда. Бу жиҳатдан профессор Б.Қосимовнинг тадқиқотлари характерли. Муҳими шундаки, XIX асрнинг II ярми XX аср бошлари ўзбек адабиётини тадқиқ этиш жараёнида кўплаб янги-янги номлар ўртага тушмоқда. Б.Қосимов юқорида тилга олинган «Излай-излай топганим» тадқиқотида мазкур даврда яшаб ўтган 70 дан ортиқ ижодкорнинг рўйхатини келтирган эди. Улар, муаллиф айтганидек, ҳаммаси ҳам бир хил мавқеи, бир хил ижодий тақдирга эга эмас, албатта. Лекин диққатга сазовор жойи шундаки, уларнинг аксарияти соҳиби девондирлар. Катта бир қисми эса бевосита даврнинг ижтимоий, сиёсий, маданий воқеаларида фаол иштирок этишган.

Давр ижодкорлари ҳақида гап кетар экан, унинг адабиётшунослик фанимиз аллақачон эътироф этиб асарларини нашр қилган ва тадқиқотлар ёзган Муқимий, Завқий, Фурқат, Аваз каби вакиллари бўлганидек, Бехбудий, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби замона зайли билан кейинги йиллардагина оммалаштирилаётган намояндалари ҳам бор. Истиқлол туфайли улар ижодининг кенг қўламда талқин ва таҳлил этилаётгани табиий ва қонуний ҳолдир. Бугун мустақиллигимиз шарофати билан яна бир туркум ижодкорларимизнинг ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилиб асарлари нашрга тайёрланмоқдаки, улар сирасига биринчи навбатда Зиёвиддин Ҳазиний ва Юсуф Сарёмий кабилар киради.

Замонасининг шоирлари ва шеър мухлислари орасида бениҳоя кадр ва эътибор топган ҳар икки шоир ўзбек диний-тасаввуф адабиётининг XIX асрнинг II ярми XX аср бошларида етишган олиймақом намояндалари эдилар. Агарда Бехбудий, Фитрат, Чўлпон каби ўзбек жаҳид адабиётининг мумтоз вакиллари ўзларининг истиклол ҳақидаги ғоялари билан шўро адабиётшунослиги андозаларига сиғмай ундан четда тутилган бўлсалар, Ҳазиний ва Сарёмий каби ижодкорлар асарларида диний ақидалар, сўфиёна-мистик ғояларга кенг ўрин берилгани туфайли адабиётимиз тарихидан суриб чиқарилган эдилар.

Ниҳоят, адолат тикланиб, ҳақиқат қарор топиб халқимиз мустақилликни қўлга олгач, улар ўз мавқеларига яраша адабиётга қайтарилмоқда.

Мана шундай шарт-шароитларда Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда холис баҳолаш бугунги адабиётшунослик фанимизнинг кун тартибида турган масалаларидандир. Юсуф Сарёмий ҳали ҳаёт вақтидаёқ кенг халқ оммаси орасида танилган ва унинг ижодига бўлган эътибор кучайган эди. Шоир ижодига бўлган муносабатнинг натижаси ўлароқ, унинг асарлари ўша даврда тузилган қўлёзма ва тошбосма баёз-мажмуаларга («Баёз» 1893, «Баёз» (1907), «Армуғони Хислат» (1911), «Баёзи Муҳалло» (1912), «Баёзи гулшани ашъор» (1912), «Баёзи Ҳазиний» (1912)) киритилади. Шу жиҳатдан мазкур баёзларга Сарёмий ижодий меросини тўплаш ва мухлисларга етказишнинг энг аввалги босқичи деб қараш мумкин.

Юсуф Сарёмийнинг ҳаёти, ижодини ўрганишда энг муҳим ва асосий манбалардан бири таниқли таржимон, шарқ мумтоз адабиётининг нуқтадони Муродхўжа домланинг Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг «Тарихи жадидаи Тошканд» китоби қўлёзмаси сўнгги очиқ варақларига киритмаларидир. Бу киритмалар 4 варақ, 8 бетни ташкил қилади. Марҳум шарқшунос, китоб фидоийси Абдулла Носиров (Носихий) Тошкентда етишган маълум ва машҳур зиёлилар ҳақида маълумотларни йиғиб борганлиги маълум. Шулар қаторида Муродхўжа домланинг ҳам юқорида зикр этилган илова киритмасини алоҳида бир дафтарга кўчириб олган. Маълум бўлишича, Муродхўжа домла Юсуф Сарёмий қаторида ўн беш ижодкорнинг (Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли,

Қафол Жоми, Акмалхонтўра, Улфат Собирбек Махдум, Алмай, Дилкаш, Мираҳмадхон, Мискин, Камий, Сидқий Хондайлиқий (Шавкат), Ахтарий, Юнусжон Шиғовул (Ғойиб), Зарифқори, Фурқат, Тажаллий (Дехлавий) номини тилга олади ва улар ҳақда ихчам маълумотлар бериб ўтади. Юсуф Сарёмийнинг оила муҳити, ёшлиги, замондош шоирлар билан муносабати, Кошғар сафари, истеъдоди кирралари, бадихағўйлиги, ҳажвга мойиллиги ҳақида ибратли мисоллар келтиради.

Сарёмий ижодига бўлган эътибор унинг вафоти (1912-13) йиллардан кейин бир мунча ортди. 1914 йилда шоир Тавалло Сарёмий асарларини йиғиб, «Девони Мавлавий Юсуф Сарёмий» деб номланган мажмуа тузди. Бу ҳозиргача шоир ижодий меросини ўрганишда асосий ва ягона манба сифатида хизмат қилмоқда.

Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг айрим асарларини оммалаштириш ишлари қисман собиқ ҳокимияти йилларида амалга оширилди.

Сарёмийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги баъзи маълумотларни тўплаб, уни ўз тазкирасига киритган тадқиқотчи таниқли маърифатпарвар Пўлатжон Қайюмий бўлди.

Кўқонлик бу машҳур адабиёт муҳиби Ю.Сарёмийни ўз даврининг истеъдодли шоирларидан шоири сифатида баҳолади ва унинг ҳаёти ҳамда ижоди ҳақидаги дастлабки маълумотни берди.

1945 йилга келиб Сарёмий асарларини оммага етказиш соҳасида ҳам бир мунча жиддий ишлар амалга оширила бошланди. Чунончи, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Олим Шарафиддинов тузган ва 1945 йилда чоп этилган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»да Сарёмийнинг 4 та ғазали ҳамда 7 та таркиббанди берилади.

Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим манбалардан бири Мўминжон Тошқиннинг «Тошкент шоирлари» тазкирасидир. Тазкира муаллифининг қайд этишича, асар Ойбекнинг таклифи билан ёзилган. Муаллиф ўзи кўрган ва яқиндан билган ўнлаб ижодкорлар ҳақида хотираларини ёзган ва уларнинг асарларидан намуналар келтирган. Юсуф Сарёмий тошкентлик бўлмагани учун у ҳақда махсус фасл йўқ. Лекин Сарёмий ўз даврининг хос

шоири эди. Тошкентда тез-тез бўлиб турарди. Биргина Тошкент эмас, умуман Туркистон адабий-маданий ҳаётида катта мавқега эди. Қолаверса, Сарёмийнинг тошкентлик таниқли шоирлар Камий, Музтариб, Алмай кабилар билан яқин алоқаси бор эди. Машҳур Тавалло унинг бевосита шогирди эди. Унинг тахаллусни ҳам Сарёмийнинг ўзи қўйиб берган эди. Юсуф Сарёмий ҳақидаги маълумотлар мазкур шоирларнинг биографияларига оид саҳифаларда тез-тез учрайди. Мўминжон Тошқин умуман олганда, Юсуф Сарёмийни шоир сифатида чуқур ҳурмат қилган ва ўзининг бошқа асарларида ҳам унинг номини тилга олиб ўтишга ҳаракат қилган. Масалан, «Турмуш уринишлари» асарида ёшлик йилларини эслар экан, Юсуф Сарёмий номини тез-тез тилга олади.

60-йиллар маданий адабий меросни ўрганишда маълум даражада олдинга силжиш йиллари бўлди. Бадиий ижодда А.Орипов, Э.Воҳидов, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев кабилар номи билан характерланган ёш ижодкорлар пайдо бўлганидек, адабиётшуносликда ҳам, жадиличлик даврини ўрганиш, диний-тасаввуфий йўлда ижод этган шоирларни тадқиқ этиш кўзга ташлана бошланди. Энг муҳими, кўп асрлик ўзбек адабиётини «бой-камбағал» адабиётига бўлмайд, яхлит ўрганишга уриниш тамойили кўзга ташлана бошланди. ЎзФА ташаббуси билан амалга оширилган тўрт жилди, етти китобдан иборат «Ўзбек адабиёти» антологияси бунинг яққол далилидир. Синчков ва ғайратли олим А.Абдуғафуровнинг Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижоди ҳақида умумий маълумот бериб, шоирнинг еттита ғазал, учта мухаммас, еттита таркиббанд ва девонга кирмаган учта қитъасини мажмуага киритганлиги Сарёмий ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим босқич бўлди.

80-йиллардан кейин Юсуф Сарёмий ижодини илмий асосда ўрганиш бироз йўлга қўйилгандай бўлди. Бу борада адабиётшунослар С.Зуфаров, Э.Шодиев, Б.Валиевларнинг шоир ҳаёти ва ижоди тўғрисида умумий маълумот берувчи мақолалари эълон қилинди.

Шу йилларда «Хурофотга ёв шеърият» деб номланган шеърий тўплам нашрдан чиқди. Тўпламга Сарёмий ғазалларидан айрим намуналар

киритилганлиги шоир ижодини оммалаштириш борасидаги фойдали ишлардан бўлди.

90-йилларга келиб Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ўзига хос янгича тус олди, анча ривож топди. Бу ўринда профессор Б.Қосимовнинг маълум хизматларини қайд этмоқ лозим. Унинг шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ айрим масалаларни ўртага қўйиши ва адиб биографиясига аниқликлар киритишга уриниши, Сарёмий асарларини оммалаштириш соҳасидаги хизматлари Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишда, тарғиб этишда кейинги янгиликлардан бўлди.

Шоирнинг 150 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказилган тадбирга тайёргарлик даврида Сайрамда ҳам ўз юртдошлари ижодини ўрганиш ва сайрамликлар орасида кенг ёйиш борасида анча ишлар қилинди. Айниқса, М.Мирхолдоровнинг «Юсуф Сарёмий» китобчасининг босилиб чиққанлиги бу борадаги кўзга кўринарли ишлардан бўлди. Мираҳмад Мирхолдоровнинг мазкур рисоласи 27 саҳифали бўлиб, муаллиф шоирнинг ҳаёт йўли ҳақида қисқача маълумот беради ва 18 та шеърни эълон қилади. Сўз боши мақолада шоирнинг ҳаёт йўли, ижодининг умумий хусусиятлари ҳақида фикр билдирган. Шеърларидан ҳам яхшигина бир гулдаста танлаб илова қилинган. Тўғри, рисоланинг камчиликлари жуда кўп. Аввало, мақола ҳам илмий, ҳам ифода жиҳатидан жуда ночор ёзилган, илова қилинган шеърлар матн жиҳатидан анча ғализ. Шуларга қарамасдан, мазкур рисола шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги дастлабки уриниш деб қаралмоғи керак. У Юсуф Сарёмий ҳақидаги биринчи китобдир. Шу фактнинг ўзиёқ унга айрича аҳамият юклайди. Юсуф Сарёмийнинг ижодий меросини текшириш, илмий асосда чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, кенг таҳлил қилиш ишлари профессор А.Абдуғафуровнинг кейинги илмий асарларида яна ўз тажассумини топди. Хусусан, муаллифнинг «Буюк бешлик сабоқлари» китобига кирган «Топилмаган ғазаллар» мақоласида Юсуф Сарёмийнинг «Бир неча гул барги қабо, яли-яли» мисраси билан ҳамда «Азалда ҳақ сани анвори зотинг айлади фош» мисралари билан бошланувчи мухаммас-тахмислари муносабати билан шундай фикр билдиради: «XIX аср



иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ижод этган йирик шоирлардан Юсуф Сарёмий ҳам «Хазойин ул-маоний» девонида учрамайдиган икки ғазални Навоийнинг асарлари сифатида бизга тавсия этади. Гап 1914 йилда шоирнинг шогирдларидан Тавалло томонидан чоп этилган «Девони Мавлавий Юсуф Сарёмий» таркибидаги икки тахмис устида бормоқда.

Юсуф Сарёмий девонидаги ҳар иккала мухаммаснинг тепасига «Амир Навоий ғазалига мухаммас» деб аниқ ва махсус қайд этилганки, бу жуда муҳимдир. Гап шундаки, чиндан ҳам «Навоий тахаллусли бир неча ижодкор бўлган, аммо уларнинг бирортаси ҳам «Амир Навоий» бўлмаган».

Кўрилганидек, Сарёмий мухаммаслари Навоийнинг икки ғазалини кашф этишга ёрдам бермоқда. Ўйлаймизки, Юсуф Сарёмий шеърятти ўзбек адабиётининг бундан бошқа ҳам факт ва материалларини аниқлашда ёрдам бера олади.

Профессор А.Абдуғафуров мазкур мухаммасга асос бўлган «яли-яли» радибли ғазални ким томонидан яратилганлиги ҳақидаги мунозарани 60-йилларда ёзилган «Яли-яли кимники?» деб номланган мақолаларида ўртага ташлаган эдилар. Олим ушбу мақолада «мухаммасга қўйилган сарлавҳанинг ўзиёқ ғазалнинг Навоийга мансуб эканлигига ишора» эканлигини таъкидлайди ҳамда ҳали Сарёмий номи кўпчиликка маълум бўлмаган ва унинг ижодига паст назар билан қаралаётган бир пайтда шоир ижодига алоҳида эътибор бериб, унга биринчилардан бўлиб «XIX асрнинг II ярми XX аср бошларидаги ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири» дея баҳолайди ва шоир ижодига ўқувчилар диққатини тортади: «Одатда бирор шоир томонидан ўзга бир шоир ғазалига боғланган мухаммас шу мухаммас боғловчининг оригинал асари сифатида қаралади. Худди шунинг учун ҳам мазкур мухаммас Юсуф Сарёмийнинг оригинал асари деб ҳисобланиши керак. Қўшиқ китобларида нашр этилган, радио орқали эшиттириладиган қўшиқ тексти ҳам ана шу мухаммаснинг – Юсуф Сарёмий мухаммасининг худди ўзидир».

Мавжуд қилинган ишлар Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижодини ўрганишда дастлабки қадамлардир. Таассуфли жойи шундаки, Сарёмий ижоди шу пайтга қадар махсус ўрганилган эмас.

Хуллас, Юсуф Сарёмий биографиясига оид маълумотлар, асосан, учта манба (П.Қаюмийнинг «Тазкираи Қаюмий», М.Солиххўжа ўғлининг «Тарихи жадидаи Тошканд»га ёзган тақриз ва илова, М.Тошқиннинг «Тошкент шоирлари»)да сақланиб қолган. «Тазкираи Қаюмий» муаллифи Сарёмий таржимаи ҳоли билан боғлиқ далилларни келтирган. Ижодий мероси хусусида эса унинг «Девон»ини тузиш тафсилотини баён қилиш билан кифояланган. Муродхўжа домла шоир талабалигининг илк даври, унинг «Бекларбеги» мадрасасида таълим олиши ва Тошкент адабий муҳитида тутган ўрни ҳақида маълумот беради.

Уларнинг барчаси даража ва кўлаמידан қатъий назар шоир таржимаи ҳолини тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

### **ТАРЖИМАИ ҲОЛИ**

Шоирнинг исми Юсуф (халқ орасида «Мамаюсуф», «Маюсуф»), отасининг оти Абдишукур, Сарёмий эса тахаллуси нисбадир. Бутун ҳаёти Туркистоннинг қадим қасабаларидан Сайрамда кечган. Даврнинг эътиборли тазкираларидан Пўлатжон Қаюмийнинг «Тазкираи Қаюмий»да у туғилиб ўсган манзил ҳақида шундай маълумотга дуч келамиз: «Бу шоир асли туркистонли ўзбеклардан бўлиб атроф қасабаларидан Сайрамда туғулуб, Тошканд шаҳарида ўқимиш буюк фозиллардан... Юсуф Сарёмий деб машҳурдур. Ўз исмини тахаллус этмишдур». Маълум бўлишича, шоир ҳам «Юсуф» ҳам «Сарёмий» тахаллусларини ишлатган. Шеърларини кузатганимизда «Юсуфий» номи билан ҳам ижод этгани маълум бўлади.

«Тошкент шоирлари» муаллифи Юсуф Сарёмийни ўз кўзи билан кўрган, бир неча бор унинг хизматида бўлган Мўминжон Муҳаммаджонов ҳам шоирнинг тахаллуси билан боғлиқ ушбу маълумотларни тасдиқлайди.

Юсуф Сарёмийнинг туғилган йили ҳақида «Тазкираи Қаюмийда» ҳам Мўминжон Муҳаммаджоновнинг «Тошкент шоирлари» тазкирасида ҳам маълумот учратмадик. Кўпгина адабиётларда эса бу сана 1840 йил деб

кўрсатилади. афсски, уларнинг ҳеч бирида ушбу сананинг олинган манбаи кўрсатилган эмас. Шоир девонига киритилган айрим шеърлар, жумладан, замондошлари томонидан ёзилган таърихлар Юсуф Сарёмийнинг туғилган йили ҳақида бироз бошқачароқ маълумотни ҳам ўртага қўйиш имконини беради.

Масалан, Тошкентнинг эътиборли шоирларидан Каримбек Шарифбек ўғли Камий ёзади:

Ўтуб кетти афсус даврони Юсуф,  
 Тутуб мотамин қолди ахвони Юсуф.  
 Етушганда етмишга умри азиз,  
 Ажал охири тутти домони Юсуф.

Кўринадики, Камий унинг 70 га кириб вафот этганини қайд этипти. Шоирнинг 1332 ҳижрий (1912-1913 мелодий)да вафот этгани аниқ. (Барча марсияларда шу сана берилган).

Демак, Камийнинг келтиришича, Юсуф Сарёмий етмишга етишганда «ажал домонини» тутган бўлса, 1262 ҳижрийда туғилган бўлиб чиқади. 1262 ҳижрий эса 1845-46 мелодийга тўғри келади. Шунга кўра шоирнинг туғилган йилини 1840 эмас, 1845-46 деб белгиламоқ керак бўлади.

Бўлажак шоирнинг илк таълим, тарбияси ҳақида Муродхўжа домланинг «Тарихи жадидаи Тошканд»га ёзган тақриз-илова киритмасида шундай маълумотни учратамиз: «Ибтидоий маълумот ва сўнгги маълумотин Сарём ва Чимкентлардан олган».

Шоирнинг замондошлари унинг Сайрамдаги «Қози Байзо» маҳалласида ўсиб вояга етганини хабар берадилар. Шоирнинг қабри ҳам худди шу ерда бўлиши бежиз бўлмаса керак. Бу маълумот «Тазкираи Қаюмий»да ҳам қайд қилинган.

Ҳамонки, шоирнинг ёшлиги «Қози Байзо» маҳалласида кечган экан, унинг дастлабки таълим олган ўқиш жойи ҳам шу маҳалладаги мактаб бўлиши керак. Юқори мадраса таҳсили ҳақида айрим олимларимиз баъзи маълумотларни келтириб ўтадилар. Чунончи, профессор А.Абдуғафуров «Юсуф Чимкент ва Бухоро шаҳарларида ўқиган»лигини қайд этади. Афсуски, бу маълумотлар қаердан олинганлиги кўрсатилмаган.

Манбалар ёш Юсуфнинг мактаб йилларидаёқ шеърга, ижодга кўнгил қўйганини маълум қиладилар. Жумладан, бўлажак шоирнинг кошғарлик Тажаллийга алоҳида меҳру муҳаббати бўлган экан. Ва унинг тажаллий билан учрашиш иштиёқи кутилмаган саргузаштлар билан боғланиб кетганлиги ҳақида Муродхўжа домла шундай ёзади: «Ёш чоғиндаёқ (Ю.Сарёмий-М.Т.) шеър айта бошлаган. Шеърлари Сарёму Чимкенту Тошкандда ҳар бир кимсалар орқали тарала бошлагон. Ёш йигитлик вақтида Кошғарга Тажаллий соҳибнинг балоғат ва фасоҳат ва шеърдаги иқтидорин эшитиб ўқумоқ ғаразинда бормокни ният қилиб, йўлга чиқиб, Кошғар довонига яқин ерда унга кароқчилар тегиб талонилғонлигин, қўлида бўлган бир мунча замондин бери машқ қилгон шеър тўпламлари ҳам олинганлигин манга зиёда афсусин баён айлар эди. Бу ҳозирги девондаги сўнгги тўплагон шеърлигин баён қилар эрди».

Бу вақтларда Чимкентнинг ўзида ҳам бир неча мадраса бўлган. Бухорода эса бундан юз йил олдин 185 мадраса бўлган. Бинобарин, Юсуф Сарёмийнинг бу мадрасалардан қайси бирида ва қачон маълумот олганлиги ҳақида қўлимизда аниқ ҳужжат йўқ. Бу ўринда яна бир фактни ҳисобга олиш керак бўлади.

Сайрам Юсуф 17 ёшга тўлганида руслар томонидан забт қилинган эди. Тадқиқотчилардан бири шундай ёзади: «1862 йили ўрис босқини натижасида аҳолининг қирилиши ва катта бир қисмининг Қўқон хонлигининг ичкари қисмига кўчиши (асосан, Тошкент шаҳрига) оқибатида Сайрам катта қишлоққа айланди».

Ҳар қандай ҳолда ҳам шубҳа йўқки, у дастлабки саводни Сайрамда олган.

Сайрамлик М.Мирхолдоров ёзишича, 1864 йилда Сайрам аҳолиси шу ерда жойлашган ўрис отрядига ҳужум қилган ва унинг эвазига шаҳар аҳолиси қатлиом этилган.

Ҳолбуки, шу даврда шаҳарда 50 дан ортиқ мадраса ва 56 та мачит бўлган экан.

Сўнграқ шоир Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухоро шаҳарларига тез-тез бориб тургани маълум. Бу саёҳатлар давомида ушбу шаҳарлардаги олимлар, шоирлар билан танишади. Айни пайтда садоқатли дўстлар орттиради.

Назаримизда бу сафарлардан илмий адабий мақсадлар билан бир қаторда рус босқини давридаги Қўқон хонлиги сарҳадига кўчирилган сайрамлик қариндошларни ҳам кўришни кўзда тутган бўлса ажаб эмас. Хуллас, Мўминжон Тошқин шоирнинг бу сафарлари ҳақида шундай ёзади:

«Ҳар йили Юсуф Сарёмий Сарёмда от билан келиб шу Қосимхонтўра-Музтарибнинг меҳмонхонасига тушиб, 2-3 кун меҳмон бўлганидан кейин, отини шу тўраникига ташлаб, ўзи Бухоро, Самарқанд ҳам Фарғона шаҳарларига адабиётшунос ва ихлосманд одамларни кўриб кетар эди. Шоир Музтариб от боқар хизматкорига буюриб, Юсуфийнинг отини боқтириб семиртирар, келишига яна совутиб тайёрлатиб кўёр эди».

Албатта, бу саёҳатлар ёш шоирнинг фикрий жиҳатдан бойиши, ижодининг ғоявий-бадий юксалиши учун жуда катта таъсир кўрсатади.

Айниқса, Юсуф Сарёмийнинг Тошкентга қилган саёҳатлари унинг ҳаёти ва ижоди учун катта аҳамиятга эга бўлди. Шоир ижодининг Тошкентга юзланиши оддий тасодифий ҳол эмас эди, албатта.

Чунки, тарих саҳифаларидан маълумки, ўтган асрнинг 80-90-йилларига келиб Тошкентнинг ўша даврда ўлка ҳаётида тутган мавқеи баланд бўлган, яъни Тошкент сиёсий, иқтисодий, маданий марказга айланган эди. Кўп шоир ва зиёлилар каби Сарёмийнинг ҳам Тошкентга тез-тез келишидан мақсад, рўй бераётган янгиликлар, янги маданий, маънавий ҳаётни кўриш, идрок этиш иштиёқида, қолаверса, ўзининг ички маънавий талабларини қондириш эди.

Сарёмий Тошкент даври ҳаётида худди шу каби Тошкентдаги ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, маданият ва маориф ўчоқлари бўлган мадрасалар билан манфаатдор шахс сифатида синчковлик ҳамда қизиқиш билан танишади, уларнинг кўпчилиги ҳақида васфий асарлар ёзиб, халқ орасида тарғиб этадики, бу эса шоир ҳаётининг Тошкент билан боғлиқ бўлган ўринлари ҳақидаги фикримизнинг далили бўла олади.

Шоирнинг Тошкентга тез-тез келиб турган вақтлари унинг ижоди балоғатга етган даври эди. Шунинг учун ҳам Сарёмий бу ерда ўз даврасини жуда тез топди, жуда кўп ёру-дўстлар орттирди. Тошкент сафарлари уни шу юрт билан

ундаги илғор шахслар – Камий, Хислат, Шавкат, Музтариб, Тавалло, Муродхўжа Солиххўжа ўғли, М.Тошқин каби шоиру илми фозиллар билан жиддий ва бир умрга боғлади. Юсуф Сарёмийнинг Муқимий билан танишуви ва дўстлашуви ҳам шу сафарлар оралиғида кечади. Тошкент бу икки юртнинг икки шуҳратли шоирини бир-бири учун кашф этади. Чамаси, Муқимий билан Сарёмий илк бора шоир Хилватий уйида учрашадилар. Бу давр адабий ҳаётини чуқур ва атрофлича ўрганган Собир Абдулла «Мавлоно Муқимий» деб номлаган бадиий лавҳаларида бу икки шоирнинг учрашувларини шундай тасвирлайди: «Шоир Каримжон Камий Муқимий билан ҳар доим бирга бўлиб ҳол-жонига қўймай уни Тошкентнинг ажойиб кишилари билан таништиради. Муқимий билан Камий ғиштин зина билан чиқиладиган Кўкалдошга кўтарилдилар ва жиловхонада кутиб ўтирган бир йигитга дуч келдилар. Бу йигит шоир Хилватийнинг ўғли Азко эди. Хужрага киргач, бир қоғоз чиқариб тутди: унда шоир Хилватий Муқимийни уйига таклиф қилиб, Сайрамдан Юсуф Сарёмий келганлиги, у киши Муқимий билан танишишга иштиёқманд эканлиги, эртага кеч ташриф буюрилишини илтимос қилган эди. Муқимий номани кўздан кечиргач, табассум билан Камийга узатди:

-Мулла Каримжон бугун ўнг ёнимиз билан турган кунимиз экан, хурсандчилик! Ҳурматли Юсуф Сарёмий билан кўришишга бугун муяссар бўлсак, яна ҳам улуғ иш бўлган бўларми эди!

- У кишини бугунга таклиф қилган эдик, бу кеч матбаа ношири Ғулом поччанинг уйларига мукаллаф эканликларини айтиб, эртанинг ваъдасини бердилар.

Азкодан бу сўзни эшитгач, иккалалари баб-баравар кулиб юбордилар. Камий Муқимийнинг елкасига қоқиб, яна ҳам қаттиқроқ кулди:

- Ўша улуғ иш бўладиган бўлди, Сарёмий билан ҳам эрта, ҳам бугун тўйиб суҳбатлашишимиз мумкин».

Бу ерда машҳур кишилардан ёш Тўйчи Ҳофиз Шобарот, Шожалил, Солих Ҳожи ва бошқалар ҳам бўлганлар. Шожалил, Шобаротларнинг хурматли Юсуф

Сарёмий ғазалига айтган ушшоқлари, айниқса, Сарёмийнинг ўзи бу суҳбатга ҳол бўлиб тушганлиги Муқимийни ҳаяжонга солмай қўймас эди.

Албатта, дўстлар суҳбати, шеър баҳси, ашула, куй шукуҳи турли хил масалаларга оид фикр олишувлар билан алмашилиб борарди.

Самимий ва шоирона пок муносабатларга асосланган сайрамлик Сарёмий, қўқонлик Муқимий, тошкентлик Камийлар ўртасидаги бундай мустаҳкам дўстлик ҳамда ўзаро ҳурмат ва эътиқод уларнинг маслак ва мақсадларидаги, орзу интилишларидаги умумийликни кучайтиради. Шоирларнинг фикрий қарашларидаги ғоявий яқинлик эса, улар ижодида муштарак фикрларни, ҳамоҳанг сатрларни туғдиради. Бу сатрлар эса, бизга бу уч шоир ўртасидаги ҳамкорликни кўрсатувчи ва исботловчи асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Чунончи, Муқимий, Камий, Сарёмийлар доимо адабий ҳамкорликни сақлаб, кўп ҳолларда бир хил мавзуда қалам тебратишган (айниқса, сатира ва юморда) бир-бирларининг ғазалларига мухаммаслар боғлашиб назиралар битишган.

Каримбек Камийнинг «Мастона кўзларингдин кимга қилай шикоят» мисраси билан бошланувчи ғазалига Сарёмий боғлаган мухаммас бунга мисол бўла олади. Айниқса, XIX аср мумтоз адабиётимизда «Офарин» радифли шеър машҳур бўлган. Бу шеър биринчи галда ким томонидан қандай шаклда ёзилганини айтиш қийин. Лекин шуниси маълумки, турли шоирлар бир-бирларига назира қилиб, бир-бирларига жавобан ғазал, мухаммас ва бошқа шаклларда бир неча «Офарин»лар ёздилар. Булардан айниқса, Муқимий, Сарёмий, Шавқий, Нодим Намангоний ижодидаги «Офарин»лар характерлидир.

Бу шеър Муқимийда мухаммас формасида келади:

Минган саманди тез хиромингга офарин,  
 Майли қилурға қатл, маромингга офарин,  
 Тинмас ҳануз навбати жомингга офарин,  
 Эй сарви ноз, лутфи каломингга офарин,  
 Пинҳон рамуз бирла саломингга офарин...

Шоиримиз Юсуф Сарёмий ҳам юқоридаги адабий ҳамкорликдаги дўстлари билан маслак бирлиги ва янги ижодий принцип учун олиб борилган курашни

кўрсатиш жиҳатидан мумтоз шеърятимизда мумтоз ўрин тутганлигини биргина «Офарин» радифли ғазалида ҳам кўриш мумкин. Ўз ижодида у иккита «Офарин» радифли ғазал ёзгани маълум. Лекин бизгача етиб келган ва шоир девонига киритилганини қуйида матлаъ ва мақтаини келтирамиз:

Ул сарви қадди нозни кўрганлар айтур офарин!

Шамшод юз таҳсин қилиб, бўстонлар айтур офарин!

Ул меҳри йўқ бебок учун, чун субҳ бағри чок учун

Юсуф юзи ғамнок учун, гирёнлар айтур офарин!

Кўринганидек, Тошкентдаги адабий муҳит ва кенг ижодкорлар давраси Сарёмийга ҳар жиҳатдан катта таъсир кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, Сарёмийнинг Тошкентда кечган ҳаёти уни фикрий жиҳатдан бойитади, ижодий тажрибада янада чиниқтиради. Шоир умрининг охиригача Тошкент билан алоқасини узмайди, кейинги юқори таҳсилни шу юртда давом эттиради.

Бу даврда илм ва адабиёт аҳли Тошкентдаги Кўкалдош, Бекларбеги, Бароқхон мадрасалари ва талабалари атрофида уюшган эди. Муқимийнинг 1899, Фурқатнинг 1890 йилларда Кўкалдош мадрасасида бўлганликлари, Мискин (1880-1937), Музтариб (1858-1944), Хислат (1880-1945), Шоҳмурод котиб Тиғбанди (1850-1922) кабиларнинг бу даргоҳда таҳсил олганликлари ушбу мадрасанинг баланд мавқеига далолатдир.

Кўкалдошдан кейинги энг машҳур мадраса «Бекларбеги» эди.

Афсуски, бу мадраса 30-йилларда бузиб юборилган. 1901-йилда бу даргоҳга ўқишга келган Мўминжон Тошқин хотирлашича, у эски Жўвада жойлашган. Ҳозирги маҳсидўзлик кўчасидан юқори кўтарилиб майдонга чиқиш билан унинг шимолдан жанубгача чўзилиб кетган 2 қаватлик биноси кўзга ташланар экан. Мадрасанинг катта дарвозаси кунботарга қараган бўлиб, унинг олдида текис катта саҳн бўлган. мадрасада тез-тез бедилхонлик бўлиб, унда ўз даврининг машҳур бедилхонлари: Исо Муҳаммад Имом Муҳаммад ўғли Гулшан (1840-1908), Роғибий (1835-1898), Мирий (1833-1916), Камий (1865--1922), Алмаий (1854-1892| 93), Азко (1870-1936), Хислат (1882-1945), Фунуний (1861-1932) кабилар фаол иштирок этардилар.



«Бекларбеги»да машхур бедилхон Шомахмуд Охунд (1903 йилда вафот этган, унинг ўрнига Баходирхон бош мударрис бўлиб тайинланган), Абдумалик Ҳожи каби мударрислар дарс берганлар. Замонасининг истеъдодли ижодкорлари Хатмий (1835-1908), Рамзий (1861-1943), Котиб (1858-1933), Камий (1865-1922), Ахтарий (Афандихон Махзум) (1870-1946), Хайёмий (1971-?), Тавалло (1882-1939), М.Тошқин (1883- ), Мирмуҳсин Шермухаммедов (1895-1929)лар шу ерда ўқиб чиққан эдилар. Шоир Камий, таржимон Муродхўжа ушбу мадраса хужраларида истикомат қилганлар. Замонасининг машхур олими ва шоири «Калила ва Димна»нинг таржимони Қори Фазлуллоҳ Алмаий ҳам бу ердаги илмий адабий давраларда тез-тез иштирок қилиб турган.

Закий шеърпараст Юсуфий, профессор Б.Қосимов қайд этганидек, айниқса, Тошкентда қадр-иззат топди. Тошкентдаги «Бекларбеги» мадрасаси шоир ҳаёти ва ижодида муҳим роль ўйнади. Сарёмийнинг адабий маданий ҳаёт қайнаган «Бекларбеги» мадрасасига ихлоси баланд эди, шунинг учун бўлса керак, шоир кейинги таҳсилини ана шу мадрасада давом эттирди. Мадрасада шоир Юсуф ўз даврасини топди. Адабиётшунос олим А.Жалолов тўғри таъкидлаганидек, бу даврдаги тошкентлик илғор фикрли шоирлар Туркистоннинг бошқа шаҳарларида яшаб ижод этган қалам аҳллари билан жуда яқин адабий алоқада бўлганлар ва уларнинг ўртасидаги ижодий ҳамкорлик жуда самимий кечган. Жумладан, тошкентлик Каримбек Камийнинг мадрасадаги мўъжазгина хужрасига Сайрамдан Сарёмий, Қўқондан Муқимий, Самарқанддан Саидахмад Васлий, Хўжанддан Асирий каби шеър муҳиблари тез-тез келиб туриши билан бу кичкинагина хужра катта адабий мушоира-мусоҳаба уйига айланган эди.

Ю.Сарёмий, Муқимий, Камий, Асирий, Хислат каби шоирлар ижодида камол топиб, ривожланган ғоявий бирлик, даврнинг баъзи масалаларига муносабатдаги яқинлик, дунёқарашларидаги баъзи умумийлик томонлари худди ана шундай адабий суҳбат ва адабий кечаларда шаклланган бўлса, ажабмас. Айниқса, бу даргоҳда тез-тез бедилхонлик, навоийхонлик бўлиб туриши давра ижодкорлари қаторида Юсуфда ҳам бадиий маҳоратни такомилга етказиш, ўтмиш устозлар меросидан ўрганиш мактаби вазифасини ўтаган. Мадрасадаги ана шундай

адабий мажлис ва ижодий мушоиралар ҳақида Мўминжон Тошқин ўзининг «Тошкент шоирларининг таржимаи ҳоллари» кўлёма асарида шундай ёзади: «...Булар (калам аҳллари-М.Т.) Бедил билан бирга Навоийнинг «Хамса»си, «Чор девон»и Умархон ва унинг даври шоирларининг девон ва пароканда шеърларини ўқишиб адабий дарслар олар ва адабий-илмий савияларини оширар эдилар».

Сарёмийнинг Навоий, Фузулий, Амирий ва бошқа устоз шоирларнинг ғазалларига тахмисларининг кўпчилиги шу йилларда ёзилган деб тахмин қилиш мумкин. Чунки бу адабий суҳбатлар, адабий мажлислар ҳар бир ижодкор учун яхши самара бериши табиий, албатта.

Дарҳақиқат, «Бекларбеги» мадрасаси ва у ердаги адабий муҳит Юсуф Сарёмийнинг ижодий камолотга эришувида айрича аҳамият касб этди. Шоир Сарёмий ўткир хотираси билан, шеър айтувга бўлган иқтидори ва бадеҳагўйлиги билан адабий мажлисларни жонлантирар ва мажлис аҳллари ҳайратга солар эди. Мадраса таҳсили кезларида Сарёмийни кўрган ва кўп бора суҳбатлашган Муродхўжа домла шунга алоқадор бўлган бир воқеани шундай ҳикоя қилади: «Мажлисида (Сарёмий-М.Т.) бадеҳатан айтарди. Ва хотири жуда тез эрди. Бир кун баҳор айёмида фақирнинг хужрасинда мадрасаи Бекда бир қанча шоирлар билан ўлтурушга намзуда Юсуф домла гоҳ ота мазорига саёҳат ва зиёрат билан бормоқимизни ташвиқ айлаб сўради. Мунча ул тарафга жўнадук. Йўлда чархчи кўчада ҳовлиси бор фақирнинг хешларидин бўлмиш Саидакбархон навжувонни чақириб бирга боришимизни фақирдан сўради. Фақир унинг ҳовлисин чақириб кўрсам ҳовлисидин бир бола чиқиб «Акам чафалакка кетганлар» деди. Шулар онда Мавлоно Юсуф бадеҳатан шеър:

Биз келсак экан, кетган эканлар чафалакка,  
Раҳм айламайин бир неча биздек кафалакка.

Ушбу радиф ва баҳрда кўчада йўлда бир ғазал айтиб тамомлади. йўлдаги ҳамроҳлар Камий, Зилолий ва Олимий деган шоирлар Мавлононинг иқтидорига ҳайрон қолдилар».

Юсуф сарёмийнинг шеърлари орасида ана шу «Бекларбеги» мадрасаси ҳақидаги шундай ғазали учрайди:

Рашки равоқи жаннат гар бўлса ёр манзар,  
 Азбаски дилкушодир фасли баҳор манзар.  
 Кўрсам юзи қуёшлар, ўйнар кўзимда ёшлар,  
 Сайри чаманға бошлар ул гулузор манзар.

Кўлда китоби нози, юз шамъи жон гудози,

Ўлтурмак анга бози рахлолазор манзар...(47-б.)

Шеър шу тахлит давом этади. Шоир мадраса ва унинг мужтахид талабаларини анъанавий рангин сербўёқ чизади. Ундаги илмий-ижодий муҳитга илоҳий тус беради.

1903 йилда «Бекларбеги»нинг машҳур бош мударриси саксондан ошган «Ҳазрати домла» Шомахмуд охунд вафот этади. Шундан кейин унинг ўрнига кадубод (ҳозирги Қорасарой) маҳалласидаги Баҳодирхон махзум «биринчи мударрис» бўлиб келади. Уни «Бухоронинг ярим илмини олиб келган» дер эдилар. Ўз илми билан машҳур бўлган Баҳодирхон «Бекларбегига» келгач, мадрасада «ўқувчи-муллабаччалар» кўпайиб кетганлиги, ҳатто шоир Камийга жой етмасдан зах хужралардан бирида қолиб кетганлиги маълум.

Баҳодирхон «Бекларбеги»да 7 йил бош мударрислик қилади. 1327 хижрий йилда (1910 йилда) у вафот этади. Юсуф Сарёмий унга бағишлаб марсия ёзади. Ушбу марсия шоирнинг девонида «Тарих барои фавтиин марсия ҳазрат Баҳодирхон Махдум Тошкандий мударриси Бекларбеги» сарлавҳаси остида берилади. Шоир эътиқодича, «муфассиру муҳаддису мударрис» Баҳодирхон Махдум илмнинг чироғи, фалакнинг қуёши эди:

Баҳодирхони махдуми мударрис,

Чароғи илму хуршиди фалакрой.

Аторуд хомаи дониш сурайё

Шуои илму фазлу чархи фарсой...

«Вужуди шамъ», «Жисми олами фазл» бўлган бундай «маъдани илм»нинг «қазодин туфроқ аро жой» бўлганлиги, айниқса, толиблар учун оғир бўлади:

Бу ҳасрат бирла толиблар кўзидин

Тўкулган ёшидин олам бўлиб лой...

Юсуф Сарёмий ҳақида замондошлари камоли эҳтиром билан ёзишларига қараганда, (шоирлар адади саналганда кўпинча унинг номи билан бошлайдилар) у фақат шеърятдагина эмас, илм, фанда ҳам ўз даврида катта эътиборга эга бўлган. Тахмин қилиш мумкинки, у биргина мадраса таҳсили билан чекланиб қолмаган, мунтазам хусусий мутолаа билан шуғулланган. Навоийхонликлар, бедилхонликлар унинг учун мадраса таҳсидан кейинги таҳсил эди.

Юсуф Сарёмийнинг қачондан бошлаб бадиий ижод билан шуғулланганлиги ҳақида бир нарса дейиш қийин. У ҳеч қачон ўзига шоирликни касб қилиб олган эмас. Ҳар қандай чинакам ижодкор сингари бирор воқеа-ҳодиса таъсир қилганида бу муносабат кўпинча шеър ҳолида юзага чиққан. Шоирнинг жуда кўп шеърлари мумтоз адабиётимизнинг маълум ва машҳур намояндаларидан таъсирланиш, илҳом олиш, жавоб қилиш зарурати билан туғилган. Айни пайтда туорли ҳодисалар, масалан, яқин кишиларининг ёки бирор масжид, мадраса, меҳмонхона каби қурилишлар ҳақида ҳам таърихлар, марсиялар ёзган.

Юсуф Сарёмийнинг моддий турмуш шароити тўғрисида тўхталсак, у гарчи «расмий вазифаларда ишламаган», «доимий даромад»га эга бўлмаган бўлса-да, узлуксиз меҳнат билан кун кечирди, унинг маълум даромад манбалари бор эди. Шоирнинг тирикчилик манбалари ҳақида сўзлаганда, биринчи навбатда, унинг хаттотлик-котиблик ҳунарини эгаллаганини тилга олиш керак, албатта. Санъат даражасига кўтарилган бу ҳунар Сарёмий замонасида-матбаачилик ишлари йўлга қўйилмаган бир даврда шу касб эгасига тирикчилик манбаи сифатида хизмат қилган. Шунингдек, Муҳаммад Юсуф учун ҳам хаттотлик асосий касб ва тирикчилик йўлидаги асосий даромад манбаи эди. Юсуф Сарёмий бу касбни пухта эгаллайди, хатто бу даврда «Юсуф хаттот» деб ном чиқаради.

Хаттотликдан ташқари Сарёмий оила тебратиш йўлида косибчилик, муҳрдорлик касби билан ҳам шуғулланар эди. Чунки хаттотликдан келадиган даромад, хатто фақирона тирикчилик ҳаражатларини ҳам қопламас эди.

У ҳар бир ҳунарини ўзига хос моҳирона усталик билан ижро этарди. Шоирни ўз кўзи билан кўрган замондошларидан машҳур ўқитувчи ўспиринлик кезларида бир неча бор учрашган, асарларини оққа кўчиришга ёрдам берган Икромжон ота

Ҳасанжонов шундай хотирлайди: «Дўкандорлардан бирортаси кўйиб берган курсига ўтирганча мўъжаз болқачаси билан кун бўйи ҳожатмандлар исмини тахта тагликка нозик асбобларда ўйиб муҳр ясаб берар эди. У кезларда Сайрамда саводхонлар кам учрар эди. Хатто кўл кўйишни билмайдиган кишилар шахсий муҳр буюришар эди. Юсуф Сарёмий ҳажвгўй, ҳозиржавоб бўлганлиги учун ҳажв бўлмаслик ҳушомадида одатда, зикна бой савдогарзодалар отдан тушиб шоир кўлини олиб ўтишарди. Уларни ёқтирмайдиган Сарёмий «кўл олишлар» безорижон қилганида ишдан чарчаган панжаларини ёзиб киноя қилиб: «Бу кўл бир панжшоха. Уни олиб қийналма. Ундан кўра дўкандор офтобасига бир танга ташла, тирикчилик қозони қайнасин!» дея жавоб қилар эди.

Икромжон ота фикрини давом эттириб, шоирнинг шаклу шамойили, шахсияти ҳақида шундай тўхталади:

«Юсуф Сарёмий баланд бўйли, қорамағиз, юзи ўртача тўлаликдаги, ҳозиржавоб, нозиктаъб, ним жилмайиб сўзловчи сиймо эди. Маюсуф домла жуда одамохун киши бўлганлар. Унинг суҳбатига ҳамма муштоқ бўларди. У иштирок этган чойхона суҳбатида қатнашишга кўплаб интиқ бўларди, суҳбат қизиб одамлар тўлиб кетарди. Кенг яғринли, гавдали, қоракўз, қорақош, қизилмағиз юзли, кенг пешонали домлага ихчамгина салласи жуда ярашиб турарди».

Мулла Икромжон домла Ю.Сарёмийнинг хаттотлик санъатини мақтаб: «Устознинг дастхати жуда чиройли эди» деб кўшиб кўяди. Шоирнинг шахсий ҳаёти ҳақида айрим маълумотлар тадқиқотчи Сафо Зуфаровнинг «Шоир ва тарихчи» мақоласида учрайди. Маълум бўлишича, Юсуф Сарёмий уч ўғил кўрган: Маъди махсум, Маъдазим махсум, Фазлуллоҳ. Лекин кўрганимиздек, Абдулла Маъдиев ушбу шажарада Юсуф Сарёмийнинг кичик ўғли Фазлуллоҳнинг номини Саъдулла деб келтиради. Шоир девонида эса унинг ўз ўғли вафотига бағишланган «Марсияи писар Фазлуллоҳ ном» («Фазлуллоҳ номли ўғил марсияси») деган шеър бор. Шунга қараганда, ўғилларидан бирининг – кенжасининг исми Фазлуллоҳ эканлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

Фазлуллоҳ 1909 йилда оғир касалликка чалиниб эрта оламдан ўтади. Албатта, бу оғир жудолик Сарёмийга жуда қаттиқ таъсир қилади. Отанинг фарзанд доғида куйиб ўртанишлари марсияда кенг ва атрофлича ўз ифодасини топган. Шеър ҳажман катта. 40 мисрани ташкил этади. Тубанда парча келтирамиз:

Баҳор умри хазон бўлди, оҳ қани писарим,

Узилди нахли ҳаётимни шохидин самарим.

Қарифонимда бу баргларни мотамдин

Нетай, қадим букулуб синди дўстлар камарим...

Илоҳо, Юсуфийга раҳматинг қапусини оч,

Атоу лутфу карам бирла, эй ғафуру раҳим.

Бўлди таърихи фавти Фазлуллоҳ:

Сайри боғи жинон бепоён.

1327 ҳижрий (1909 мелодий) Қатор яқин кишилардан бирин-кетин айрилиб, (шу йилда (1909) мударрис Баходирхоннинг вафот этиши) маънавий, рухий азобларда яшаганлиги унинг асарларида турли даража ва шаклларда ўз шамойилини топади. Бу эса адибнинг таржимаи ҳолини тиклашда, ижодкор сифатида унинг шахсиятини, дунёқарашини белгилашда катта аҳамият касб этади. Масалан, шоирнинг куйидаги мисраларига эътибор беринг:

Керак сабр айламак гар етса даврон аҳлидин кулфат,

Ҳаётинг шод ё ғамлик магар билғил улуғ неъмат,

Вафо оmez, меҳрангез бўлғил, бўлма бадтийнат,

Санга оғу ичирганларга бергил шахддин шарбат,

Жаҳон аҳлини қаддин бор миннат бирла хам қилма...

Бундай мунгли оҳанглар акс этган асарларда шоирнинг шахсий қиёфаси, фикр-ўйлари намоён бўлади. Қарангки, «бошига кулфат, ғам қушлари ошён» тутган, моддий ва маънавий жиҳатдан кўп «ситам»ларга учраган шоир, айни пайтда «кўнгул кўп нола қилма, дам-бадам оҳинг алам қилма» дея шахсий омадсизлигидан нолиш даражасидан юқорига кўтарила олади, инчунин, у «оғу ичирганларга шахддин шарбат» бериб, вафосизларни вафо, меҳрсизларни меҳр, бадфеълларни чиройли ахлоқ билан енгиш кераклиги ҳақидаги ғояларини

илгари суради. Шоирнинг мана шундай характерли шеърлари девонда кўп учрайди. Бу эса, шоирнинг оғир турмушини, характеридаги баъзи бир томонларни, қолаверса, исломий талаб ва кўрсатмаларга сидқидилдан риоя қилган баркамол мусулмон инсон бўлганлигини кўрсатувчи ишончли бир ҳужжат, дейишимиз мумкин.

Шоир Сарёмий 1332 ҳижрий – 1912 мелодий йилда ўз қишлоғида вафот этди. Қабри Қози Байзовий мақбарасининг шимол томонида.

Пўлатжон Қаюмий шоирни 1913 йилда вафот этган деб кўрсатади: «... Мавлоно Юсуф Сарёмий Сайрам қасабасинда нашъу намо этиб, қасабанинг маъруф жойи бўлмиш, «Қози Байзо» номли мазор маҳаллада, шул мазоргоҳ ёнида яшаб ва шунда 1913 йилда вафот этиб, шул мазор қабристонига дафн этилмишдур...»

Мўминжон Тошқин эса «Тошкент шоирлари» қўлёзма асарида 1912 йилнинг ёзида (июнь ойида) Чимкент, Сайрам, Авлиё отадаги улуғ авлиёларни зиёрат қилиш ва Юсуф Сарёмий руҳига фотиҳа ўқиш учун Каримбек Камий билан биргаликда Авлиё отага саёҳат қилганлигини шундай хотирлайди: «Шу йил (1912 йил, июнь ойи) машҳур шоир Юсуф Сарёмий вафот қилган эди. Шунга фотиҳа қилмоқ учун 23 июнда Сайрамга бориб шоир Камийнинг поччаси Мирмақсудбойникида меҳмон бўлдик. Эртасига Юсуф Сарёмийнинг уйига бориб унинг руҳига фотиҳа қилдик. (Бизни-М.Т.) У кишининг фақир ҳолдагикосиб ўғли кутиб олди. Шоирнинг катта бир девонини кўрсатди. Сарёмий русча, ҳам ўзбекча муҳр ўяр экан, кўргач билдик. Сарёмда ҳам бизни бир неча кишилар меҳмон қилиб чопон кийгизишди».

М.Тошқиннинг мазкур хотираси масалага аниқлик киритишга ёрдам беради ва шоир 1912 йилнинг биринчи ярмида вафот этганлигига ашъвий далил бўлиб хизмат қилади.

Адабиётимиз тарихининг кемтик жойларини тўлдириш учун доим ҳаракат қилган, ҳар қандай пайтда ҳам унинг жонкуяри ва тарғиботчиси бўлган машҳур шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг 1965 йил апрель ойида Сайрамга қилган сафари ҳамда сайрамликлар билан бўлган учрашувда Сарёмий ҳақида айтган

сўзлари жуда аҳамиятлидир: «Мен узок чўзилган шеър тўйида сахнада ўтириб, гўё яна бир шоир бу ерда биз билан мажлисда катнашаётганлигини сезгандай бўлдим. Бу ўтган асрнинг ўрталарида туғилиб, асримизнинг бошларида вафот этган ажойиб шоир ва ҳаким, ўзининг фузулиёна ғазаллари билан ўзбек шеърятига буюк хисса қўшган Юсуф Абдишукур ўғли Сарёмий эди. Сайрамликларнинг шеърга шунчалик ихлосманд бўлганликларини кўрганимда ва шеърини сўзнинг улуғвор қудратига шоҳид бўлиб ўтирганимда мен раҳматли шоирнинг сўз қудрати ҳақидаги шу байтларини ўзимда ёддан зикр этиб турардим:

Фикр боғида гули рашки гулистон келди сўз,

Равнақ афзойи риёзи гулшани жон келди сўз.

Эл аро гавҳар атаб бир тошни дер қадрли

Нуктадон доно қошида дурри ғалтон келди сўз...

1989 йилда шоир қабри қайта тикланди ва унга рамзий китоб шаклидаги мрамар тош ўрнатилди. Қабрга қўйилган мрамар тошга қуйидаги сўзлар ёзилган: Юсуф Абдишукур ўғли Сарёмий 1840-1912.

1990 йилда эса Юсуф Сарёмий таваллудининг 150 йиллиги кенг нишонланди. Ушбу юбилей Чимкент вилоятининг Сайрам туманидаги ўзбек маданияти маркази ташаббуси билан тантанали ўтди. Юбилейга атаб «Юсуф Сарёмий» китобчаси чиқарилди. Унда Сайрам туманидаги ўзбек маданияти маркази ҳаётининг аъзоси М.Мирхолдоровнинг сўзбошиси ва шоир ижодидан намуналар берилган. Бу профессор Б.Қосимов тўғри таъкидлаганидек, шоирнинг кейинги 73 йил ичида чиққан илк тўпламидир.

Юсуф Сарёмийнинг ҳаёт йўли эндигина ўрганилмоқда. Юқорилардан маълум бўлганидек, унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ кўпгина фактларни аниқлаш олдинда турибди. Лекин, ўйлаймизки, ҳозирча, маълум бўлган маълумотлар ҳам унинг қизгин ва мураккаб, айна пайтда самарали ҳаёт йўлини тасаввур этишимизга ёрдам бера олади. Юқоридаги тарихий ва илмий асарлар, замондошлари ва яқин қариндошларининг хотираларига асосланган ҳолда Юсуф Сарёмийнинг илмий биографияси ҳақида шундай хулосага келиш мумкин:



Юсуф Сарёмий Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидаги Сайрам шаҳрида туғилган. Унинг ёшлик йиллари шу шаҳарнинг «Қози Байзо» маҳалласида кечган. Дастлабки таълимни Сайрам ва Чимкент шаҳарларида олган. Шу даврларда шеър ёза бошлаган.

Сарёмийнинг таниқли шоир бўлиб етишувида ҳаётининг Тошкент даври муҳим аҳамият касб этади. У «Бекларбеги» мадрасасида таҳсил олиш билан бир қаторда Тошкент адабий муҳитининг етакчи вакиллари – Камий, Хислат, Шавкат, Музтариб кабилар билан ижодий ҳамкорлик қилди. Ҳатто Таваллодек истеъдодли шогирдлар ҳам етиштирди.

Манбаларда шоирнинг Бухоро, Самарқанд, Фарғона шаҳарларига саёҳат қилгани, у жойлардаги адабиёт муҳиблари билан алоқада бўлгани ҳақида мухтасар айтилса-да, бу ҳақда кенгрок маълумот олиш мумкин бўлган манбаларни ҳали учратмадик. Бироқ, Сарёмий Қўқон адабий муҳитида юксак мавқега эга бўлган шоир Муқимий билан Тошкентда учрашиб, адабий ҳамкорлик қилгани маълум.

Сарёмийнинг уч ўғли бўлиб, (умр йўлдоши ва ўзи билан бирга), шоир беш жондан иборат оиласини хаттотлик, муҳрдорлик, косиблик ҳунарлари билан моддий жиҳатдан таъмин этиб турган.

Бизгача эълон қилинган мақолаларда Сарёмийнинг туғилган йили 1840 тарзида кўрсатиб келинган. Биз айрим манбаларга таяниб, хусусан, уни яхши билган Каримбек Камийнинг шоир вафотига бағишланган «таърихи»даги ишорага асосланиб, Сарёмий ҳаёти саналарини 1845-1912 деб белгиладик.

## Адабий меросининг манбалари ва жанрлари

### 1. “Девони мавлавий Юсуф Сарёмий”

Юсуф Сарёмий ҳаёт вақтида унинг асарлари бирор мажмуага тўпланган эмас. М.Муҳаммаджоно «Турмуш уринишлари» китобида ёзади:

«Туркистоннинг атоғон ва донғи кетган шоирларидан Юсуфий Сарёмийнинг бундан биров бурун вафот топғонини эшитиб, (шоирнинг-М.Т.) уйига бориб Қуръон ўқудук. Шоирнинг 40 ёшларга борган бир ямоқчи ўғли отасининг алифбо тартиби билан йиққан қўлёзма «Шеър мажмуа»сини олиб чиқиб бизга кўрсатди. Шоирнинг кулғи (ҳажвий) шеърлари кўб бўлур эди. Бунда ул кулгилардан оз топтик. Кўби ҳамд, наът ҳам ошиқона ғазаллар эди. Ўғлининг гапига қараганда:

-Бу шеър мажмуасини бизга 50-60 сўмга сотинг, биз бостириб таркатайлик,- деб юрган бойлардан бор эмиш. Унда биров гаплашиб ўтириб қайтиб келдик». Муродхўжа домланинг Сарёмий ёш йигитлик чоғида Кошғарий Тажаллий деган соҳибнинг шеърдаги иқтидорини эшитиб, ўқиш ниятида йўлга чиққанлиги ва Кошғар довонига етганда қароқчилар унга тажовуз қилганлиги, бу вақтда ёш шоирнинг кўлида бир неча йилдан буён машқ қилган шеърлар тўплами бўлганлиги ҳақидаги қайдини хотирласак, масала янада равшанлашади.

Юқоридаги маълумотларга қараганда, шоир ҳаётлик чоғида асарларини мажмуа ҳолига келтириш ниятида бўлган. Бироқ, баъзи сабабларга кўра бу иш амалга ошмаган. Қолаверса, унинг бир неча асарлари изсиз йўқолган. Шундан кейинги асарлари шоир Мирзо Тўлаган Тавалло девон тузиб, устозининг ашъорларини бир мукова остига тўплаган. Бу мўътабар куллиёт Ю.Сарёмий меросини ўрганишда бугунги кунда асосий ва ягона манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз собиқ Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг нодир китоблар фондидаги олиб борилган кузатишларимизда ушбу девоннинг қўлёзма нусхасини учратмадик. Бироқ, табиийки, унинг кўплаб тошбосма нусхаларини учратишга

тўғри келди. Шу жумладан, ЎзРФА Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида 3641, 3768, 3931, 4172 инвентарь рақамли тошбосма ва Шарқшунослик институтидаги № 117, 118, 119, 120, 6028, 9072 тошбосма нусхалари сақланаётганлигини кўрдик. Бундан ташқари Андижон шаҳар Адабиёт ва санъат музейининг «Қалъа қўлёзмалар ўрганиш ва тадқиқот қилиш маркази»да ҳам №1720, 2185, 2720, 728, 799 рақамли Юсуф Сарёмий девонини учратдик.

Гарчи тошбосма нусхаларни тавсифлаш расм бўлмаса-да, девоннинг муқоваси қалин, яшил рангда эканлигини, титул варағининг атрофлари нақшинкор қилиб безатилган бўлиб, ундаги ёзувлар зар югуртирилган сиёҳда ёзилганлигини қайд этишни истардик.

Титул варағининг энг бошида «Ва инна минаш-шуъурил ҳикуматун ва инна минал баён ул-сухран», яъни «Албатта, шеърда ҳикмат бор ва албатта сўзда сеҳр бор» деган ҳадиси шариф келтирилган. Ундан сўнг ноширнинг қуйидаги сўзлари келади:

«Лиллаҳ ил-ҳамд бу айёми фархандаи фаржомда муҳиббуш шуаро вал фузало Мирзо Тўлаган мулаққаб ба Тавалло эҳтимом ва ғайратлари илан маъдани фасоҳату ва балоғати мусамма ба девону Мавлавий Юсуф Сарёмий Тошканд балдасинда Пурсўф матбаасинда таъб ўлунди, токи сабаби дуо ва ёд овари аҳиббо бўлуб, ҳар кўрғучи шавқ аҳли ва сайр қилғучи завқ хайлилари баҳра олғайлар. Гар қабул ўлса зиҳи иззу шараф».

Бу маълумотлардан девоннинг шоиру фузало Тавалло ғайрати билан тузилгани ҳамда Тошкентдаги О.А.Порсев литографиясида босилиб чиқиб «Мавлавий Юсуф Сарёмий» деб номланиши маълум бўлади. Девоннинг саҳифалари бир хил, матнлар ва сарлавҳалар қора сиёҳда ёзилган. Бу ўқувчига анча қулайлик туғдиради. Умумий ҳажми-160 бет. 158-бетида ушбу девон ҳижрий 1332 йилда (мелодий 1912 й.) тузилгани ҳақида Мулла Тўлаган Ҳўжамиёр ўғли Таваллонинг китобати бор:

«Эдим бу соҳиби девона шогирд,  
Этардим хизматини аз дилу жон.

Отамнинг номи Хўжамёр эрди,  
 Баним отим эди Мирзо Тўлагон  
 Тавалло деб тахаллус лақаб бирлон  
 Жаноби устозим манго қўйгон.  
 Эшитгач рихлатин ул устозим,  
 Оқуздим кўзларимдин ёш чандон.  
 Ажал ондин асарлар қолдурубон,  
 Ўзин қилди қаро туфроқға пинҳон.  
 Очилди рўйи бирлан бу Тавалло  
 Деди таъриhini: «бир ғунча девон».

«Бир ғунча девон». Калимасини абжод ҳисоби билан қиммати қўйилганда, девоннинг ҳижрий 1332 йилда, мелодий 1912-1913 йилларда китобат этилганлиги келиб чиқади ва ушбу мажмуанинг тасниф этилган йили янада аниқлашади.

Мирзо Тўлагон бу «ғунча девон»ни устозининг руҳи покларини шод қилмоқ ва шеърият ихлосмандларин дуосин олмоқ ниятида тузадикки, бу ҳақда шоирнинг ўзи девоннинг сўнгги саҳифаларида шундай ёзиб қолдиради:

«Мухтарам аҳбобларға маълум ўлғайки, ушбу девоннинг чоп қилмоғим боиси, соҳиб девон жаноб Юсуф Сарёмий устодимнинг руҳларин хушнуд қилмоқдур. Ва ҳам олиб ўқуғучи зотларнинг дуоларин умидида аз Тавалло».

Девоннинг котиби ҳақида эса, 154-бетда шундай маълумот бор: «Намақухул музнибу Мулла Ўтаб ибни Расул Муҳаммад Шоший салламҳул ғани анал хафий вал жалий», яъни «Кўчирди уни гуноҳкор Расул Муҳаммад Шоший ўғли Мулла Ўтаб хаттотлик қилгани маълум бўлади.

Бундан ташқари девон ҳақида эътиборли ва эъзозли шоирлардан Каримбек Камий, Васлий Самарқандийлар таърих битганлар ва ўз таърихларида девонни чоп қилдирган ношири «жувонмард ихлосманд Тавалло» ва «хати хўб» бўлган котиби Мулла Ўтабнинг саъйи ҳаракатларини олқишлайдилар. Юқорида Каримбек Камийнинг девон ҳақида таърих битиб, унинг муаллифини баланд

пардаларда олқишлаганини кўриб ўтган эдик. Унга хамоханг сатрларни бошқаларда ҳам учратамиз.

Чунончи, Васлий Афанди Самарқандий ўз таърихида Сарёмий ижодидан бахраманд ва девон тузилганидан хурсандлигини шундай ифода этади:

Юсуфки, шеъри дошт хўб дар зиндаги чун дарба суфт,  
 Асрори наҳзи ишқро дар мағзи ашъораш нахуфт.  
 Асрори дилро маҳрами ў аз шоирони Сайрам у,  
 Бинаму аз дунё раму бохуру ғилмон гашт жўфт.  
 То ў ба жаннат хоб шуд, девони хўбаш чоб шуд,  
 Васлий надида рўйи доғи, ашъор Юсуф хўб гуфт. (155-б.)

Мазмуни: «Юсуфни тириклигида ёзган хўб яхши шеърлари бор эдики, ишқ сирларини ҳақиқатини ўз шеърларида берганди. Сайрамлик бу шоир дил сирларига маҳрамдур. Дунёни йиғиштириб хуру ғилмон билан кетди. Юсуфни шеърлари хўб эди, то жаннатга боргунча девонини чоп этди. Васлий юзида доғ кўрмади».

Мазкур таърихда Васлий Самарқандий Юсуфни тириклигида ёзган «хўб» яхши шеърларини мадҳ этар экан, «дил сирларига маҳрам» бўлган сайрамлик бу шоирнинг девони чоп этилганидан унинг кўнгли тўлади.

Ёки девоннинг охирги саҳифаларида Сидқий Ҳондайлиқийнинг икки тилда битилган таърихини ўқисак, шоир «дилга ёқимли бўлган бу янги девон» чоп қилинганидан шод бўлиб, ўз тарихини «Наюшайдин мужда эй дўстон» (яъни, бу хушхабарни эшитинглар, эй дўстлар) деб бошланади. Байтлар давомида Сидқий «жаҳоннинг харидор бўлишига» лойиқ бу китобни «ҳар кимки лутфи хушлик билан ўқиса, ундан шакару сутнинг лаззатини топади» дея кўз-кўз қилади. Таърих давомида «кўп ақча сарф этуб бу ҳимматли ишни рўёбга чиқаргани қандаям яхши бўлди» деб Таваллони мадҳ этади.

Таърихда девонга тегишли шундай туркий тилда битилган мисралар бор:

Қилиб зинда Юсуфни ўлғон отин,  
 Жаҳон аҳлиға айлади шухра гир.  
 Дуо бирла Сидқий қилиб сўзни бас,

Таваллони мадҳида чекғил нафир.  
 Тавалло йил яшотиб, худоё анинг,  
 Жаҳон аҳлига номини қил шаҳир.  
 Мунинг котибин сўрсаларки, отин  
 Эрур Мулла Ўтаб хатти беназир.

Шоир мисраларидан девон котиби Мулла Ўтабнинг хати, ёзуви жуда чиройли бўлганлиги аён бўлади, зеро хуснихатнинг гўзаллиги ҳам бир санъат.

Булардан ташқари шоир Хислатнинг девон ҳақидаги битган мисраларида ҳам девоннинг тузилган йилига ишора бор:

Деди девони Юсуф соли таъбин,  
 Хираддин то савол этганда Хислат.  
 Миёни боғу гул юз ила таърих:  
 Эрур бу «гулшани аҳли муҳаббат».

Юқорида келтирилган таърихлар девоннинг тузилган йили, котиби, ношири ҳақида маълум маънода муҳим маълумот олишимизга имкон беради.

«Девони Мавлавий Юсуф Сарёмий» деб номланган ушбу девонда шеърлар анъанавий девон тузиш қоидаларига асосланган ҳолда жойлаштирилган бўлиб, ғазал жанри асосий ўринни эгаллайди ва тўпلامда алифбонинг деярли ҳамма ҳарфлари билан тугалланадиган ғазаллар бор. Ғазалларнинг жами 130 та бўлиб, шундан 115 таси ўзбек тилидадир.

Шарқ поэзиясининг ғазал, рубоий, қитъа, мухаммас, мусаддас, марсия, фард, қасида, таърих каби хилма-хил шеърий шакллардаги асарларининг девонда жамлангани 4860 мисрани ташкил этади. Қуйидаги жадвалга эътибор беринг:

№	Жанрлар тури	ўзбек тилида		форс-тожик тилида		Жами	
		сони	Мисра	сони	мисра	сони	мисра
1	Ғазаллар	115	2386	16	320	131	2706

2	Қитъа	3	14	2	10	5	24
3	Рубоий	8	32	2	8	10	40
4	Фард	13	26	10	20	23	46
5	Мухаммас	19	820	6	245	25	1065
6	Таржиъбанд	1	84	-	-	1	84
7	Марсия таржибанд	1	108	-	-	1	108
8	Таърих	5	118	-	-	5	118
9	Марсия	5	265	1	22	6	287
10	Мусаддас	2	84	1	38	3	122
11	Муножот	1	45	-	-	1	45
12	Қасида	-	-	1	42	1	42

Кўринадикки, бошқа лирик шоирлар каби Сарёмий девонининг ҳам асосий қисмини ғазал ташкил этади. Сарёмий ғазал жанрини мазмунан бойитди, уни янги воситалар, оригинал ибора, радиф ва қофиялар билан безади:

Бўлса бу кеча ҳамдами доно, бир, икки, уч,  
 Аҳбоби хўб талъати танҳо бир, икки, уч.  
 Бўлганда жоми бодаи гулфом ила сабу,  
 Соқии соқу музакко бир, икки, уч. (32-б.)

Сарёмийнинг истеъдодли шоир бўлиб етишувига ижобий таъсир этган омиллардан бири форс-тожик классик адабиёти бўлганлигини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Шоирнинг форс тилида ҳам шеърлар битгани бежиз эмас. Профессор Э.Шодиев тўғри таъкидлаганидек, шарқ адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири зуллисонайнликдир<sup>1</sup>. Форс-тожик мумтоз шеърини сабоқларини ўзлаштириш Сарёмийга бадий маҳорат қозонишдан ташқари зуллисонайнлик санъатини эгаллашга ҳам имконият яратди. Сарёмий форс-тожик тилида яхшигина ғазал, рубоий, мухаммаслар ёзган. Унинг форс тилидаги ижодига ортиқ даражада юқори баҳо беришга эҳтиёж йўқ. Девонга 16 та форсча шеъри киритилган. Шоирнинг:

Расиди мавсуми гул, соқий, шароб биёр,

Ба базми соз тарабу нағмаи рубоб биёр.

Зи тоби бода гули ман ҳануз хоб олуд,

Зи ашки дидаи ман шабнаму гулоб биёр. (51-б.)

Мазмуни:

Гул мавсуми келди, соқий шароб келтир,

Сен базмга тайёр бўл, нағмаю рубоб келтир.

Бода тобидин гулим ҳали ҳам уйқу масти,

Кўзларимнинг ашкидин шабнаму гулоб келтир

Деб бошланувчи ғазали Ҳофиз Шерозийнинг:

Соқие мояи шабоб биёр

Як ду соғар шароби ноб биёр...

матлаъли ғазалини эслатади.

Умумадабий меросининг ажралмас қисми бўлган ўзбек ва форс-тожик тилида битилган бу асарларда ҳам Сарёмий дунёқарашининг ижобий ва чекланган томонлари ўз ифодасини топган; уларда дунёвий мазмун, реал ҳаёт мотивлари қаторида диний, тасаввуфий талқинларни ҳам кузатиш мумкин.

Шоир девонида Шарқ халқлари адабиётининг энг кўхна шеърини жанри ҳисобланган қитъага ҳам алоҳида эътибор берилган.

<sup>1</sup> Шодиев Э. Юсуф Сарёмий зуллисонайн шоир. Адабий мерос. 1982-№6.



Қитъа турли –туман ҳаётий масалалар, кундалик турмуш билан боғлиқ маъноларни тасвирлашга имкон берадиган жанр экан, адибимиз бу имкониятдан оқилона фойдаланади:

Келса меҳмон билан келур баракат,  
 Хурмати мақдами бало кетгай.  
 Қанча турса шарофат, раҳмат,  
 Кетса меҳнатларинг оло кетгай. (139-140-б.)

Кўринадики, ғазал жанридан фарқли ўлароқ, унинг мақтаъ қисми тушуб қолган бўлади. Халқнинг оғзаки нутқиға нисбатан фавқулודда яқин, яъни меҳмон келиши билан уйингизга барака келади, уларнинг қадами ҳар қандай балоларни ҳайдади, улар турган сари уйингизга «шарофат», «раҳмат» ёғилади, кетганларида «оло», яъни «неъмат кетади» деган умумий маъно ётади.

Хуллас, адабий истилоҳда ўзининг мустақил поэтик белгиларига эга бўлган, маъно йўналиши аниқ чегараланмаган қитъаларида фалсафий, ахлоқий, таълимий масалалар ифодаланган.

Сарёмий лирик асарлари ичида шеърятнинг «довруғдор» шакли бўлган рубоийлари ҳам мавжуд.

Нотавонлик кишини роҳатидур,  
 Роҳати гўшаи қаноатидур.  
 Бир масал бор, эл аро машҳур:  
 Чумолини қаноти офатидур. (138-б.)

Бу ерда яна бир нарсани ҳисобга олиш керак. Асрлар давомида рубоий фақатгина арузнинг ҳазаж баҳридаги ахрам ва ахраб шажарасида ёзилган. Илми аруз назариётчилари ва амалиётчилари рубоийнинг фақатгина шу вазнда ёзилиши лозимлигини махсус таъкидлаганлар. Ушбу рубоийнинг вазни эса фоилотун-мафойилун-фаилун, бинобарин, у хафифи мусаддаси махбун вазнидадир. Бу ҳол анъанавий шеър назариясига ўзгариш киритади ва уни қайта кўришни тақозо этади.

Шоир рубоийларидаги мазмун ва мавзуга келадиган бўлсак, уларнинг гоят ҳаётий ва табиий асосга қурилганини таъкидламоқчимиз. Юқоридаги рубоийда

фалсафий кашфиёт йўқ, шоир тамоман айтилмаган фикрни биринчи бўлиб айтаётгани йўқ, лекин ундаги «нотавонлиғ»нинг «роҳат» эканлиги ҳақидаги фикр мажозий ва сермаъно бўлиб, фикрнинг оригиналлигига далолатдир.

Худди шундай фикрни унинг фардлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Юқорида кўрсатилганидек, Юсуф Сарёмий ушбу қиска, ихчам жанрдаги бу туркум шеърларида муҳим фалсафий қарашларни илгари суради. Девоннинг 141-142 бетидан ўрин олган тубандаги мисралар бу фикримизни асослайди, деб ўйлаймиз:

Киши бу даҳр аро қолса кўб маҳал,  
Балодур қариб бўлса ҳам камбағал.

Бу ўринда шоир «Ҳақ жамолига етмоқлик бу фоний дунё «бало»ларидан соқит бўлмоқдир» деган фикрни билдиради, зеро бу алдамчи дунёда камбағал, яъни энг ҳалим олийжаноб бандалар ҳам «бу даҳр аро кўб маҳал» қолишлик билан ўз гуноҳларини орттириши мумкин.

Сарёмий асарларида ана шундай шафқатли бўлишга даъват этгувчи мисралар ҳам тез-тез учраб туради. Инчунин, форсий тилда ёзилган тубандаги фардида ҳам шафқатли бўлмоқликка ишора қилади:

Шафқат нимаи зи иймон аст,  
Шафқат одати мусулмон аст.

Мазмуни:

Шафқат иймоннинг бир жузъидир,  
Шафқат мусулмонларнинг одатидир.

Кўринадик, мазкур жанрда битилган асарлар ўзларининг тематикаси ва ғоялари жиҳатидан шоирнинг ғазаллари билан ҳамоҳанг.

Сарёмий девонида ғазалдан сўнг кўпроқ ўрин олган шеърий шакл мухаммасдир. Шоир мажмуасидаги 25 мухаммаснинг 6 таси Фузулий ғазалларига, 3 таси Навоий ғазалларига боғланган.

Шунингдек, қолганлари Ҳофиз Шерозий, Озарий, Соиб Боқий Афанди, Амирий, Нажиб Ҳинду, Камий, Андалиб каби шоирларнинг ғазалларига ёзилган тахмислардан иборат.

Сарёмий ўз устозлари ғазалларига тахмис боғлар экан, улар илгари сурган ғоявий мазмунни ривожлантиради. Шоир тахмислари ўз асоси бўлган ғазаллар билан ғоявий-бадий жихатдан бирикиб кетган ва тугал асарларга айланган тахмислардир.

Сарёмийнинг мустақил ёзган мухаммасларида шахсий таассуротлари лирик тарзда ифодаланади. Шоирнинг «Манга бир нозанин олма берди васл боғиндин» мисраси билан бошланадиган мухаммасида инсоннинг энг мураккаб рухий ҳолатлари, унинг ички ҳиссиётлари, шодлик ва азоблари ҳақида гап кетади.

Сарёмий ишқни тараннум қилар экан, унинг камолотидаги асосий восита маъшуқа, ёр эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шу ёр туфайли инсонда ишқ пайдо бўлади, ишқ эса инсонни камолотга етказди, уни маънавий жихатдан улуғлайди.

Шоир мухаммасда ўз маъшуқаси билан бўлган висол айёмини ва унинг тафсилотларини чизади:

Манга бир нозанин олма берди васл боғиндин,  
 Яна сармаст қилди май тутиб гулгун аёғиндин  
 Кўзимни қилди равшан партави хусни чароғиндин,  
 Томоша айладим, ул моҳирўни ҳар қаёғиндин,  
 Латофатда кўринур эрди сув ичса тамоғиндин. (73-б.)

Ғазалга нисбатан ҳажман катта ва мураккаб бўлган мухаммасларда ҳам Сарёмий ўзлигини тўла намоиш эта билди. Юсуф Сарёмий таржиъбанд жанрида ҳам қалам тебратди. Шоир девонида 7 та таржебанд (84 мисра) ҳамда 9 та марсия таржиъбанд (108 мисра) бор бўлиб, улардаги бандлар ва байтларнинг сони бир хил –12 мисрадан иборат. Девондаги биринчи таржиъбанд шундай бошланади:

Мани, ғам, мунча ҳам таклифи саҳройи жунун этма,  
 Фироқи ҳажр, афғонимни кун-кундин фузун этма,  
 Фалакдек, доғи ҳасрат, жоми айшим сарнигун этма,  
 Ҳазин кўнглумни вайрон айлама, ҳолим забун этма.

Таржиъбанд шу тарзда давом этади. Мисраларда шоир рухий ҳолатининг ифода этилиши асарнинг таъсир кучини оширади.

Сарёмийнинг адабий мероси тўғрисида сўз борганида, унинг таърихлари ҳақида ҳам алоҳида тўхташ зарурати бор. Шоирнинг таърих формасида ёзган асарларидан девонда 5 та намунасини учратдик. Девоннинг 92-бетида «Тарихи айвони Акмалбой дар шаҳри Сарём» деб номланувчи 14 мисрадан иборат таърихи келтирилган. Ушбу таърих ҳижрий 1324 (мелодий 1906) йилда ёзилган бўлиб, унда сайрамлик Акмалбой деган бир муҳандис ўтганлиги ва унинг чиройли уйлар қурганлиги ҳақида гап боради.

Тошканддаги масжид ҳақида «Тарихи масжиди дар Тошканд» (ҳижрий 1325 й.) деб номланган таъриҳида Орифжон номли кишини Тошканд шаҳрида масжид қуриб хайрли иш қилганлигини қайд этади.

Хайржў, некхоҳ Орифжон

Сидқу ихлос ила дилу жондин.

Айлади масжиди рафиъ матин

Сарф этуб нақдлар фаровондин. (118-б)

Шеърнинг таърих формасида ёзилган юқоридаги байтлардан кўринишича, Сарёмийни кўпроқ мадраса қурилишлари қизиқтирган. Шоир бундай қурилишдан хурсанд бўлганидан

Кимки масжид қилур барои худой,

Ҳақ берур бўстони ризвондин

Дея хайр иши қилувчиларни рағбатлантиради. Бундан ташқари яна турли қурилишлар тарихи ва тавсифи ҳамда улар ҳақидаги маълумотлар шоирнинг «Фит тарихи манзар», «Тарихи меҳмонхона дар Тошканд» (117-119 бетларда) каби таърихларда ўз ифодасини топади. Жумладан, Тошканддаги машҳур меҳмонхоналардан бирининг Ҳожи Абдулматлаб деган киши томонидан жуда гўзал ва зийнатли қилиб таъмир этилиш воқеалари «Таърихи меҳмонхона дар Тошканд» шеърда кенг ва батафсил ифодаланган. Масалан, унинг ёғоч усталлиги ҳақида шундай тўхталиб ўтган эди:

Чўпқорида ончунон тардаст,

Етар ондин куруқ ёғочга жон.

Девондан яна Тошкентдаги «Бекларбеги» мадрасасининг бош мударрис Баходирхон ҳақидаги «Тарих барои фавт ин марсия хазрати Баходирхон махдум Тошкандий мударрис Бекларбеги» (1327) сарлавҳаси остида битилган 40 мисралик таърих-марсияси «илм чироғи» бўлган «муфассиру мухаддиси мударрис» Баходирхоннинг вафоти ва у билан боғлиқ изтиробларини ифодалайди:

Фигон дастингдин, эй дунёи фоний,

Ҳама тўйинг аза, эй мотаморой.

Мунингдек маъдани илму фазойил,

Қазодин бўлдилар туфроғ аро жой. (125-126-б.)

Таърихларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларда кўпроқ Тошкент шаҳри учун характерли бўлган воқеалар акс этади, улар кўпинча тошкентлик бирор илму дониш эгаси, ёхуд танилган ҳунарманд меъмор ё бўлмаса ўзининг ҳайру саховати, эзгу ишлари билан танилган бирор амалдорга бағишланади. Бу эса шоирнинг Тошкент ҳаётини анча яхши билганидан дарак беради.

Сарёмий ижоди ўзбек адабиёти тарихидаги марсия жанрини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам ниҳоятда характерлидир. Девонга шоирнинг 5 та марсияси киритилган. Улар «Марсия дар манқабат Ҳазрат Султон Хўжа Аҳмад Яссавий Нуруллоҳ марқад», «Марсия таърих вафоти жаноб Тожихон Эшон Афанди», «Дар манқабат Ҳазрат Шайхованд Тахур Нуруллоҳ марқад» (форсий тилда), «Босмачилар қўлида шаҳид бўлгон тошкентлик Саййид Ғулом Хўжа Нуруллоҳ марқад» кабилардан иборат.

Сарёмий марсияларидаги афсус-надомат, ҳасратлар реал инсоний кечинмаларга асосланган. Чунончи, тошкентлик Саййид Ғулом хўжанинг фожиали вафоти муносабати билан ёзилган марсияси:

Эй хазон илкида ўлмоқдин баҳор ўлгон шаҳид,

Қатра-қатра қонидин юз лолазор ўлгон шаҳид

деб бошланиб, мисралар давомида фалақдан шикоят қилиш кайфияти сезилади. Сарёмий марсияларининг оригиналлиги шундаки, янги сўз, янгича

маъно берадиган ҳаётий, оригинал образлар ихчам ва мазмунли иборалар билан иш кўради. Шоир ўз марсияларида айрилик туйғуларини «Эй найи хомим наво соз эт, наволар йиғласун» каби ажойиб таъсирли иборалар билан ифодалайди. Шунингдек, шоир марсияларни ёзишдан мақсад қилиб вафот этган кишини хотирда сақлаб қолиш билан бирга даврнинг иллатларини фош қилиб, ўз норозилигини кенг халқ оммасига етказишни олади. Бу билан марсиянинг бадиий қиммати янада ортади.

Кўринадики, Сарёмий девонида анъанавий ғазал ва рубоийлар, мухаммас ва фардлар ўша жанрларнинг ранг-баранглигини таъминлабгина қолмасдан, айрим тарихий воқеа ва саналарни тиклашда, уларнинг содир бўлган даврини аниқлашда ва бошқа хил нуқтаи назаридан ҳам китобхон тасаввурини тўлдиради ва уни Сарёмий яшаган XIX аср охири ва XX аср бошларидаги адабий муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини англашга ёрдам беради.

Шоир «Девон»и устидаги изланишларимиздан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

Юсуф Сарёмий тириклик чоғида девон тузмаган. Унинг вафотидан кейин шогирди Тавалло томонидан шоирнинг тарқоқ ҳолдаги шеърлари «Девон» шаклига келтирилган. Котиби Мулла Ўтаб Шошийдир. Девоннинг тузилишига бағишлаб Камий, Хислат, Васлий каби шоирлар таърих шеърлар битганлар.

«Девон»дан шоирнинг 12 адабий жанрда ёзилган шеърлари жой олган. Девоннинг асосий қисмини ғазал, мухаммас ва фард жанрларида ёзилган асарлар ташкил қилади.

Сарёмий «Девон»ининг қўлёзма нусхасини учратмадик, тошбосма нашрлари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, собиқ Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида ҳамда Андижон шаҳар Адабиёт ва санъат музейида сақланади.

## 2. Баёз ва мажмуалар

Юсуф Сарёмийнинг асарлари XX аср бошларида тузилган ва чоп этилган куйидаги қўлёзма ва босма баёзлардан ҳам ўрин олган.

1. «Гулшани ашъор» баёзи.

Мазкур баёзда Ўрта Осиё территориясида яшаб ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод этган Фирдавсий, Атоий, Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Камий, Сарёмий, Хислат, Охундий, Хилолий каби 50 дан ортиқ шоир ҳақида маълумот берилади. Мажмуа матнини Мулла Шох Ислон деган киши тайёрлаган.

Баёзга шоирнинг 7 ғазали, 1 рубоий, 4 мухаммас ва 1 таърихи киритилган. Ғазаллар матнларининг мақталари куйидагилар:

1. Жон димоғига келур, ҳар дам гулрухсор иси,  
Булбули шўриға етган каби, гулзор иси;
2. Ман нега маҳви орази раъноси бўлмайин,  
Масти хароб, наргиси шаҳлоси бўлмайин;
3. Кеча тебранди сабодин, эй суманбар кокулинг,  
Гул юзинг атрофида чун сунбули тар кокулинг;
4. Рашки равоқи жаннат, гар бўлса ёр манзар,  
Азбаски, дилкушодур вақти баҳор манзар;
5. Новакондози қазоя нигоҳи тир верар,  
Соид фитная абрўлари шамшир верар;
6. Зулфи савдосин тиларсенким, ўзинг девона қил,  
Сўнма илкинг сочина, дасту дуодин шона қил;
7. Қаро кўзингни асири мудом сурмаи ноз,  
Замона кўрмади, бир сан каби бути танноз.

Мухаммаснинг 3 таси Фузулий ғазалларига боғланган, 1 таси мустақил мухаммасдир. Уларнинг ҳаммаси девонга киритилган. Чунончи, баёздаги «Ёраб бежоҳ курси арши аъло ҳақи», «Юрдинг масту ғофил бўлмайин ҳушёр, етмазми», «Сандин мудом жуд айла меҳру вафо банга» мисралари билан бошланувчи мухаммасларнинг нусхаси билан девондаги нусхасида матнларида

ўзгариш йўқ. Фақат баёзда келтирилган «Мухаммаси Мавлавий Юсуф Сарёмий» сарлавҳали мухаммаснинг биринчи мисрасида:

«Мани ғам мунча ҳам овораи дашти алам қилма»

девонда эса:

«Мани кўб мунча ҳам овораи дашти алам қилма»

тарзида учрайди. Баёздаги мухотаб «ғам» шаклида конкрет кўрсатилмоқда. девонда эса бу бошқачароқ ҳал қилинган.

Бундан ташқари ушбу баёзда шоирнинг «Ҳазрати Султон Хўжа Аҳмад Яссавий марқад»ига ёзган мусаддаси ҳам берилган.

Мажмуага киритилган қуйидаги рубоий ҳам бор:

Лутф ила шаби уммидими рўз айла,  
Иқболими тавфиқ ила феруз айла,  
Лайли каби лафзими дилафрўз айла,  
Мажнун каби назмими жигарсўз айла.

«Гулшани ашъор»да «Тарихи меҳмонхона аз Мавлавий Юсуф» деб номланган таърих ҳам ўрин олган. Шарқона меҳмоннавозликни кўтаринки бир руҳда тасвир этувчи ушбу шеър шундай сатрлар билан бошланади:

Айла, меҳмон кудуми гардинин,  
Дилға, ё раб, суруру дийдаға нур.

2. Баёзда Мутриб, Жомий, Фазлий, Муҳйи, Адо, Ҳувайдо, Маҳзуна, Сарёмий, Камий сингари 60 дан зиёд шоирнинг ўзбек ва форс тилидаги ғазалларидан намуналар ўрин олган.

Баёзда шоирнинг янги шеърларини учратмадик. Мажмуанинг 36-37-саҳифаларида девоннинг 85-бетидан ўрин олган «Зулфи савдосин тиларсенким, ўзинг девона қил» мисраси билан бошланувчи ғазали берилган. «Мухаммаси Юсуфий» сарлавҳаси билан «Айларда азми гулшан, эй шўх сарви қомат» деб бошланувчи Камий ғазалига боғлаган мухаммаси ҳам киритилган (160-162-бетлар). Ушбу асар девонда «Мухаммаси бар ғазали Мавлоно Камий» сарлавҳаси билан 146-бетдан жой олган. Баёзда шоирнинг мана шу икки асаринигина учратдик.



### 3. Баёзи Ҳазиний.

Баёзга Ҳазиний, Хислат, Комил Хоразмий, Камий, Фузулий, Амирий, Муқимийлар асарлари, Сарёмийнинг ҳам шеърлари киритилган.

Баёзнинг ношири Мирзо Аҳмад бин Махдум Карим, котиби Сирожиддин Махдум мулла Мирзо Охунд Сидкий Хондайликий. Тошкентдаги Ҳ.Орифжонов матбаасида чоп этилган. Муқоваси кўк, қизил ҳошияли картондан ишланган.

Ю.Сарёмийнинг битта Фузулийга боғлаган «Ёраб, бежоҳ курсиу арши аъло ҳақи» деб бошланувчи мухаммаси ва битта ғазали учрайди. Бу

Етушса номаларингиз, не ҳирзи жон этамиз,

Ўқуб чу кўзга суриб, жон аро ниҳон этамиз

матлаъли ғазал бўлиб, девонда учрамайди. Бундан ташқари ушбу баёзда шоирнинг «Кўрдум юзини даврида олийжаноб хат» ва «Рашки равоқи жаннат гар бўлса ёр манзар» мисралари билан бошланувчи ғазаллари такрор учрайди. Баёзнинг 220-бетида Сарёмийнинг қуйидаги фарди бор:

Бултур эдинг суманбар ваҳ сиймин бадан нигор,

Бу йил кўзумға бир вадаванг эски мардикор.

Мазкур баёз мавжуд баёзлар ичида тўлалиги, котиби, ношири аниқ бўлганлиги сабабли ишончли мажмуа сифатида аҳамиятлидир.

4. Баёзнинг котиби, ношири, матбаа ва йили номаълум. Титул варағи 1, 2, 3, 4 ҳамда 21, 26, 33, 40 саҳифалари йўқ.

Мазкур баёзда Жомий, Адо, Камий, Сарёмий, Гулшан каби 20 дан ортиқ шоирнинг шеърларидан намуналар бор. Сарёмий асарларига ажратилган саҳифалар, ғазалларнинг жойланиш тартиби юқорида шарҳлаб ўтилган 170 инв. рақамли «Гулшани ашъор»га кўп жиҳатдан яқин, деярли бир хил. Шу сабабли уларни такрорлаб ўтиришга ҳожат сезмадик.

5. Маълум ва машҳур «Армуғони Хислат» баёзида Хислат, Мискин Тошкандий, Акмалхон, Зокирий, Пиримқори Андижоний, Сарёмий каби 30 га яқин шоирнинг асарлари берилган. Баёз машҳур хонанда Мулла Тўйчи Ҳофиз илтимосига биноан Мулла Саййид Ҳайбатуллоҳ Хўжа Хислат тузиб савти ва мақом номини ёзиб, тартиб билан нашрга тайёрлаган. Китобга Сирожиддин

Махдум Сидқий Хондайлиқий котиблик қилган. Мажмуа Тошкентдаги Ғ.Орифжонов матбаасида ҳижрий 1329 (мелодий 1911) йилда тузилган.

«Армуғони Хислат»нинг 205-210-варақларида Сарёмийнинг «Дар марсияи эчку Юсуф Сарёмий» сарлавҳали ҳажвияси жой олган. 20 банд (100 мисра)ни ташкил этувчи ушбу ҳажвий асар девонга киритилмаган.

Ушбу баёз котиби, ношири, битилган йили аниқ бўлганлиги ҳамда шоирнинг бизга маълум бўлмаган катта ҳажмдаги асар матни тўлиқ берилганлиги билан диққатга сазовордир.

6. Баёз ҳижрий 1332 йил, мелодий 1914 йилда О.А.Порцев матбаасида чоп этилган.

Баёзда Сарёмийнинг «Шўринг курсун!» радибли ҳажвий асари берилган. Бу ҳажвия девонда йўқ. 125 мисрани ташкил қилувчи ушбу ҳажвия мазкур баёз босмадан чиққач, сўнгги 4 вараққа қўлда ёзиб киритилган. Санаси йўқ. У шундай бошланади:

Фигон бу хол, нечук ошно шўринг курсун!

Ки ҳосил ўлмади бу муддао шўринг курсун!

Улус кўзига бўлуб порсо шўринг курсун!

Аммома бошда, бўюнда ридо шўринг курсун!

Фироқ элини қилурға дуо шўринг курсун!

Баёзда шоирнинг ушбу ҳажвиясини учратдик, холос. Унинг каттагина ҳажмга эгалиги бошқа баёзларда ҳамда шоирнинг девонида учрамаслиги ушбу мажмуанинг қимматини оширади.

Юқорида собиқ Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида сақланаётган баёзларни кузатдик. Қуйида эса Ўз Р ФА қошидаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти нодир китоблар фондида сақланаётган баёзлар тавсифи билан танишамиз.

II. 7. Баёз муқоваси қалин, яшил рангда. Титул варағида тадқиқотчилар томонидан қаламда битилган шундай ёзув бор: Алмаий, Муҳйи, Муқимий, Фурқат, Сипандий, Камий, Котиб Тошкандий.

Абдулкарим Карим қалами ила ёзилган. Китоб ҳажми 472 бет. Саҳифалари ҳар хил рангда. Матнлар қора сиёҳда, сарлавҳалар эса асосан қизилда ёзилган. Китобнинг 471-бетида ушбу баёз ҳижрий 1311 (1893) йилда Абдулкарим Камий томонидан китобат этилгани ҳақида маълумот берилади. Баёз иккинчи бетдаги Жомий ғазаллари билан бошланган. Шунингдек, Хожа Исмат, Мушфиқий, Саййидо, Амирий, Адо, Ҳусайний, Тажаллий, Мухйи, Муқимий, Фурқат, Сарёмий каби 50 дан зиёд замондош ва ўтмишдош шорларнинг шеърларидан намуналар берилган.

Баёзнинг 314-317-варақларида Юсуф Сарёмийнинг «Қора кўзингни асири мудом сурмаи ноз» деб бошланувчи ғазали ҳамда «Сани эй ҳусн шоҳи эл кўра ҳайрон саф-саф» мисраси билан бошланган мухаммас – тахмиси жой олган. Мазкур тахмис бошқа манбаларда ҳам учрайди.

8. Китоб муқоваси қалин, қизил рангдаги картон қоғоздан ясалган. Ҳажми 337 бет.

Нуқсони: дастлабки 24 варағида ҳеч нарса ёзилмаган. Китобнинг кўчирилган йили, котиби кўрсатилмаган. Аммо, китоб муқоваси ва ёзувига қараб XIX аср маҳсули деб тахмин қилиш мумкин.

Баёзга Жомий, Фузулий, Ҳофиз, Мунис, Бедил, Камий, Амирий, Сарёмий сингари 60 дан зиёд шоирнинг форсий ва туркийда ёзган шеърлари жамланган.

Баёзда Сарёмийнинг «Зулфи савдосин тиларсенким, ўзинг девона қил» мисраси билан бошланувчи ғазали ҳамда девонда ва бошқа баёзларда учрамаган қуйидаги форс-тожик тилида битган фарди берилган:

Дуруд бежон мушт туро тиб дард нест,

Ранги тўро муомил боранг зард нест.

9. Баёз муқоваси қалин сариқ рангли картон қоғоздан ишланган. Ҳажми 288 бет. Ношири Муҳаммад Носих Али Муҳаммад домла ўғли (1868-1918) бўлиб, ушбу баёзнинг охирида ноширнинг сурати ҳам берилган.

Баёз Г.Яковлев матбаасида чоп этилган. Босилган йили кўрсатилмаган.

Титул варагида ношир хақида унинг ўғли Абдулла Носиров томонидан қисқача маълумот бор. Баёзда Сарёмий, Мухйи, Тажаллий, Муқимий, Камий, Акмал, Фазлий каби бир неча шоирларнинг асарлари берилган.

Мазкур баёзда Сарёмийнинг «Рашки равоқ жаннат», «Новак андоз қазое», «Зулфи савдосин тиларсенким», «Ман неча маҳви ораз» деб бошланувчи 4 та ғазали ҳамда Амирий, Фузулий ғазалларига боғлаган «Умрлардурким биёбони алам пўёниман», «Ёраб, бежоҳ курсию арши аъло хақи», «Мани кўб мунча ҳам оворау дашти алам қилма» мисралари билан бошланган тахмислари берилган.

Булардан ташқари «Дар марқад ҳазрат Султон ал Орифин нуруллоҳ марқад» деб номланган А.Яссавийга бағишланган марсияси, «Тарихи меҳмонхона аз Мавлавий Юсуф» сарлавҳали таърихи такрор учрайди. баёздан шоирнинг девонга кирмаган битта мураббаъ ва битта мувашшаҳи ўрин олган.

Юқорида биз кўриб ўтган 170 сақланиш рақамли баёзда учраган «Лутф ила шаб умидими рўз айла» рубоийси мазкур баёздан ҳам ўрин олган.

Баёзнинг 16-саҳифасида девонга ва бошқа баёзларга киритилмаган қуйидаги рубоий бор:

Қилма пинҳон мардуми дийдами жоно бир даме,  
 Рўзгоридур қаро, холинг била ҳамхона қил.  
 Умрлар онинг тиларман токи ул ой дермукин:  
 Юсуфий, сен ҳам итим ёнида кел, кошона қил.

Кўринадики, ушбу баёзда Сарёмий ижодига кенг ўрин берилган.

10. Баёзи Муҳалло 144 саҳифадан иборат бўлиб, муқоваси қалин, тўқ рангда. Ҳар бир саҳифага сариқ зар юритилиб чиройли безаклар берилган.

Ғулом Ҳасан Орифжонов матаасида, ҳижрий 1330 йилда чоп этилган. Котиби- Мулла Махдум бинни шоҳ Юнус марҳум.

Ушбу мажмуада шоирнинг «Новак андоз қазоя», «Рашки равоқ жаннат», «Кўрдим юзини даврида» деб бошланувчи ғазаллари такрор учрайди. шу билан бир қаторда шоирнинг «Ман нега маҳви ораз раъноси бўлмаин» ғазалининг фақат матлаъ ва мақтаъсигина берилган. Шоирнинг Амирий ғазалига боғлаган мухаммаси «Умрлардурким биёбон олами пўёниман» деб бошланиб, бу

баёзнинг 36-бетида такрор келади. Ушбу мухаммаснинг кетидан шоирнинг «Мухаммаси Юсуф Сарёмий бар ғазали Озарий» деган сарлавҳа остида форсий тилда ёзилган

Он рўзки гулки санъа ажаб дилрабо,  
Тавқиъ гарду оразат, эй маҳлиқо, нўшаст

Мисралари билан бошланувчи мухаммаси келадики, бу ҳам мустақил шеърий асар сифатида шоир ижодини бойитади.

Китобнинг охирги саҳифасида шоир Шавкат Искандарийнинг Сарёмийни «Кокулинг» радибли ғазалига боғлаган мухаммаси «Мухаммаси Шавкат Искандарий бар ғазали Юсуф Сарёмий» номи билан берилади.

11. Босма баёзнинг муқоваси қалин, қизил рангли картон қоғоздан ишланган. Китоб ҳажми 238 бет.

Нуқсон: Баёзнинг дастлабки 70 varaғи йўқ. 71-бетдан Мавлоно Тажаллий ғазали билан бошланади.

Мажмуада Муқимий, Камий, Озарий, Тажаллий, Сарёмий, Ноқис, Роғиб каби 20 дан зиёд шоирнинг асарларидан намуна берилган.

Мазкур баёзда Сарёмийнинг Камий ғазалига бағлаган «Айларда ғам гулшан, эй шўх, сарви қомат» мисраси билан бошланувчи тахмис ҳамда «манга бир нозанин олма берди васл боғиндан» деб бошланган мухаммаси ўрин олган.

Ушбу баёз-китоб яхши сақланмаган. Титул varaғи, сўнгги бетлари йўқ. Шунинг учун китобнинг котиби, кўчирилган йили ҳақида бирор аниқ гап айтиб бўлмайди.

12. Мазкур баёз 238 бет, муқоваси қалин, қора чармли, varaқлари ҳар хил рангда, матнлар қора сиёҳда.

Китоб Мулла Ўтаб Расул Муҳаммад ўғлининг эҳтимоми билан Тошканд шаҳрида Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида чоп этилган. Баёзга Жомий, Муҳйи, Камий, Тажаллий, Сарёмий, Амир Хўқандий каби 30 дан зиёд шоир асарларидан намуна киритилган. Сарёмийнинг «Зулфи савдосин тиларсенким, ўзинг девона қил» мисраси билан бошланувчи ғазали киритилган.

Юқоридаги кўздан кечирилган кўлёма ва босма баёзлардан шундай хулосалар чиқариш мумкин:

1. Юсуф Сарёмий ўз даврининг эътироф этилган шоирлардан бири сифатида ҳақли суратда XX аср бошида тузилган мажмуа-баёзлардан ўрин олган.

2. Шоирнинг мазкур баёзларга киритилган асарлари унинг адабий мероси кўламини кенгайтиради. Муаллифнинг хилма-хил анъанавий жанрлардан самарали фойдаланганлигини кўрсатади.

3. Юсуф Сарёмийнинг девонидан ташқарида чоп этилган шеърлари шоир истеъдодининг ҳажвиётга ҳам мойиллигини далиллайди.

## **ЮСУФ САРЁМИЙ ШЕЪРИЯТИ**

### **1. Ғоя ва образ**

Лирик асар асосида шоирнинг ҳаётдан олган таассуроти ётади. Шоир ўз шахсини биринчи ўринда тутган ҳолда, ҳаётдаги бирор ҳодисани ўзининг ички кечинмалари орқали ифода этади. Ана шу ҳодиса туфайли шоир қалбида кечган туйғулар ва уларнинг таъсир кудрати намоён бўлади.

Сарёмий ижодида мавзулар кўлами кенг. Бизга қолдирган меросида ватан, дўстлик мавзусидаги ғазаллар, одоб-ахлоқни ёритувчи сўзонли сатрлар талайгина. Бироқ, у мисраларнинг замирида тасаввуфий руҳ ва сўфиёна мазмун барқ уриб туради.

Мавлавий Сарёмий лирикаси моҳият эътибори ва образлар оламига кўра бадиияти, мазмун, ғоя ва руҳий таъсир кучи жиҳатидан «Шарқ халқлари тафаккури тарихида чуқур илдиз отган тасаввуф таълимотининг» (Н.Комилов) тараққиётида салмоқли ҳиссаларини қўшган Лутфий, Гадоий, Навоий, Бобур сингари шоирларимиз ғазалиётига яқиндир. Шу боис, биз бу шоирлар қаторида Юсуф Сарёмийнинг ижодий тажрибалари тасаввуфий маслакдан бутунлай ажралмаганлигини эътироф этамиз.

Тўғри, Сарёмийдаги тасаввуф Машраб, Ҳувайдо асарларидаги сингари бўртиб турмайди. Ундаги тасаввуф талқини анча жўн. Бу жиҳатдан шоир Сўфи Оллоёрга, ундан ҳам кўра Яссавийга яқин туради. Сарёмий ижодидаги тасаввуф

унсурлари ҳақида гап кетганда буни ҳисобга олмоқ керак. Зеро, тасаввуфий шеърият – инсоннинг илоҳий-руҳий ҳаётини, нафсни қоралаш ва уни енгиш йўлидаги мураккаб ҳолатларини, Ҳақ сари талпиниш ва руҳоний юксалиш машаққатларини чуқур тадқиқ қилган шеърият.

Биз тасаввуф таълимотини яхши билмай туриб, Атоий, Гадоий, Навоий, Бобур каби Сарёмий дунёкараши ва адабий меросини ҳам барча мураккабликлари, фалсафий теранлиги билан тўлиқ ҳолда тўғри, ҳаққоний ёритиб беришимиз мушкул. Е.Э.Бертельс ҳам мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилиш учун тасаввуф адабиётини чуқур тадқиқ этиш зарурлигини таъкидлайди.

Тасаввуфшунос олимлар уни тўрт асос – ҳусни мутлақни таниш, унинг сифат ва афъолини билиш, нафс ва унинг сифатларини тўлиқ идрок қилиш ва дунё макрларидан огоҳ, васвасаларидан фориғ бўлишдан таркиб топган деб биладилар.

Нақл қилинишича, бир зот Ҳазрати Муҳаммад пайғамбар ёнига келиб, «Эй Аллоҳнинг расули, дин нимадур?»- дея сўраганда, пайғамбар «Дин гўзал ахлоқдур»- дея жавоб берибдилар. Савол берган киши пайғамбарнинг ўнг ёнига ўтиб яна «Эй Аллоҳнинг расули, Дин недур?»- деб сўрабди. Пайғамбар эса: «Дин гўзал ахлоқдур»,- дебдилар. Сўнг ҳалиги киши пайғамбарнинг орқасига ўтиб, «Эй Аллоҳнинг расули, дин нимадур?»- деганда пайғамбар: «Англамасмусан, дин ғазабланмасликдур»,-деган эканлар.

Айни шунга монанд нуқтаи назар, яъни тасаввуфни комил ахлоқ деб, нафсни унинг душмани деб билиш кўп тариқат вакиллари ўртасида, шунингдек, нақшбанд тариқатида ҳам тармоқ отган ахлоқий сифатлардан.

«Тасаввуф нима?» деган саволга айтадилар: «Тасаввуф – нафс лаззатларидан воз кечишдир, тасаввуф-русум ҳам эмас, умум тарзи ҳам эмас, балки яхши ахлоқдир». Ёки Шайх сафий алишоҳ жавоби бундай: Тасаввуф – нафс манзилларини босиб ўтишдир». Ушбу улуғ шайхларнинг «тасаввуф» тушунчасига берган таъриф ва изоҳлари юқоридаги сингари умумий

қарашларни аниқлаштиради ва яхши ахлоқ асосини Аллоҳдан ризолик сифатида тушунишга ёрдам беради.

Сарёмий шеърятдан ҳам юқоридаги алломалар таърифлаганидек, ислом ва тасаввуф дунёқарашининг ҳаётбахш, донишманд заковати уфуриб туради. Бироқ, Сарёмийнинг тасаввуфга муносабати, унинг шеърятдаги тасаввуфий мазмун, тимсоллар анча мўътадил.

Албатта, у ёки бу шоирнинг шеърларидаги илоҳий-фалсафий маъноларни таҳлил қилмоқ учун биринчи галда, ўша шоирнинг тасаввуфга ички яқинлигини аниқлаш керак. Шу ўринда «Юсуф Сарёмий тасаввуфнинг қайси бир тариқатига эътиқод қўйган ёки ўзини мансуб билган?» деган ҳақли савол туғилади.

Шоир девонидаги ғазалларнинг аксарияти адибнинг нақшбандия тариқатига ихлос-эътиқоди кучли бўлганлигини тасдиқловчи асосий далилдир.

Сарёмий шеърятда тасаввуфнинг асосида турган пир ва мурид, солиқ ва сулу одоби, тавба ва сидқ, нафс ва нафсни енгмоқ, дарвеш ва ғариб сингари бир қанча тушунчалар ўз талқинини топгандир.

Юсуф Сарёмийнинг айрим байтлари Аҳмад Яссавийни эсга туширади, бу яқинлик илк турк мутасаввифи билан боғланишда қуйидаги уч масалада яққол кўринади:

1. «Пири Туркистон» сифатида алоҳида ихлос билан қарайди.
2. Яссавий сингари меҳнат қилиб кун кечиришни юксак ахлоқ деб ҳисоблайди.
3. Сўфийликни, дин ва ахлоқни халққа сингдиришда восита деб билади.

Сарёмий девонидаги аксарият ғазаллар шундан далолат берадики, шоир тасаввуфга муносабатда илк тариқат талаби бўлган жаҳрия доирасида қолиб кетмаган. Нақшбанд тариқатидаги асосий манзиллар ватанда мусофирлик, анжуманда сукут, босган ҳар қадамга орифона назар ташламоқлик, ҳар дамни хуш ўтказмоқлик каби ботиний жараёнлар ҳам девонда ўзига хос ички талқинлар билан акс этган. Ғазалларида дунёнинг яратувчиси – Аллоҳнинг куч-қудрати, маърифати ва сифатлари таъриф этилган. Пайғамбарнинг шаъни-



шарафи улуғловчи сатрлар тизилган. Дин ва шариат қоидаларининг баёни берилган.

«Девон»нинг таъсир даражасини ундаги панд ва насиҳат оҳангларисиз тасаввур этиш қийин. Бу оҳанглардаги самимият, фикрий жозиба такрорланмасдир.

Боғлама дунёга кўнгил, мулки моли фонидур,  
 Ким кўнгил боғлар анга нодонлар нодонидур.  
 Ҳар баҳор айёми очилғон гул ила лолалар,  
 Ерга кирган гулжабинлар чехраи хандонидур.  
 Соҳили мақсудга етмай жумлаи пиру жувон,  
 Дасти ҳасрат бошида ғарқи фано тўфонидур.  
 Абринайсон демагил гулшанда гул аҳволига,  
 Қатраи борон эмасдур, дийдаи гирёнидур.  
 Ранги роҳатдин бори рухсораи золи фалак,  
 Рўзгори йўқ ғаму андуху меҳнат конидур.  
 Ким хабарсиз бўлса ўздин нафстанпарвар бўлиб,  
 Бу қаро ер остида қолғон балоға жонидур.  
 Бир муаммодир тириклик, ўзлукунгдин урма дам,  
 Бир жаҳон ойинадек асрорининг ҳайронидур.  
 Ким бўлиб мағрур дунё аҳли дилни оғритур,

Ўз замонининг ўшал Фиръавн ила Ҳомонидур. (53-б.)

Мазкур ғазалнинг мухтасар шарҳидан шундай ҳақиқат аён бўлади: бу дунёнинг ўткинчилигига юракдан ишониш, илоҳий қудрат нималигини бир қадар англаб етиш, одамни иймону эътиқоддан айириб, худбинликни, яъни ўзим бўлай фалсафасини туғдирувчи нафс балосидан қутулиш зарурлигини зухур этади. Равшанки, тасаввуфнинг бош мақсади Инсонни комиллик даражасига етказиш ва шу даражада Васлга восил қилмоқдир. Бунинг учун албатта, Аллоҳни, Аллоҳга бўлган эътиқодни устивор қўйиш шарт.

Сарёмий олдинга сурган бош ғоя, у амал қилган етакчи тамойилнинг асоси Исломдир. Яшашдан мақсад охират ҳаётига тайёргарлик кўришдан иборат.

кимки ўзлигини унутса, охират неъматидан бенасиб қолади. Бу инсон учун энг катта бахтсизликдир. Бахтсизликнинг сабабчиси эса, нафстанпарварликдир:

Ким хабарсиз бўлса ўздин нафстанпарвар бўлиб,  
Бу қаро ер остида қолган балога жонидур.

Тириклик ҳақида шоирлар кўп ёзганлар. Айниқса, мажозий дунёни мадҳ этган Ғарб шеърлятида тириклик қувонч манбаи сифатида кўкларга кўтарилади. XX аср бўсағасида турган Сарёмий эса, ҳаётни инсон маънавий дунёси учун бир муаммо деб талқин этади.

Тасаввуф таълимотининг негизи реал ҳаёт сурури билан эмас, балки руҳоний дунё билан суғорилади. Сарёмий қарашларининг, унинг зариф байтларининг умумий замирида ҳдди ана шу тарбия, ана шу ғоя ётади. Шунинг учун ҳам Сарёмий ғазаллари ўқувчи иймонини нурлантира оладиган манзумадир, зиёдир. Бу зиё мустақил ва орифона тушунчага эга собит эътиқодли одам учун янада фикрий мустақиллик ва ўз-ўзига ишонч имкониятларини очади. Бу ишонч юракдан ғалаён кўзғатади, ботиний кураш учун далда беради. бу курашнинг сири шундаки, нафс билан боғлиқ гуноҳ ва гумроҳликларга қарши ички жангни ифодалайди ва шунга даъват этади. Нақшбанд тариқатида акс этган ботинийлик жанги худпарастлик, бешафқатлик, дилозорлик, ақлий маҳдудлик каби кусур ва иллатлардан тамоман покланишни шарт қилиб қўяди. Шоир бу ўринда шундай дейди:

Ридоу ҳарқа майдин айла рангин субҳа торин уз,  
Кўрарсан бу санамлардин ўзинг бошдин мусулмон эт.  
Келиб андин сўғун пири харобот илгидин ўпгил,  
Ўзунгдин ўзлугингни ташлабон такмили иймон эт.(23-б.)

Бундай фикрлар инсоннинг «Аллоҳ» олдида кучсиз ва ожиз эканлигини ҳаққоний англашдан туғилади. Ва улар фанолик шавқида ёнган комил Руҳнинг «ҳоки даргоҳингга йўл топмоқ хаёли бирла дил» дея абадиятга интилишини ҳам акс эттиради.

Бу интилиш орқага, яъни кечган умрга назар солиш, уни дин ва иймон мезони билан сарҳисоб қилишни мустасно этмайди. Аксинча, ўтган умрнинг зиддиятли қатламларини очади:

Хайфким, кетти қўлингдин навжувонлиғ фурсати,  
 Пир бўлдинг билмай умри бевафодин нола қил.  
 Билмадинг, қадри замонинг кечдуруб ғафлат била,  
 Ёқа чок эт, айлагон саҳву хатодин нола қил.  
 Боиси ғафлат экан, асбобидин саргарм эдинг,

Нафс комин истаган завқи сафодин нола қил.(89-б.)

Шу ўринда шарқшунос олим Н.Комиловнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишимиз ўринлидир: «Ҳикмат аҳли ва тасаввуф фикрига кўра инсонга фаолият учун инон-ихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб, комиллик касб этиши, ниятларига этиши мумкин (муайян чегарагача). Шайх Азизиддин Насафий «Зубдат ул-хақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи») номли рисоласида ёзади: «Одамларнинг сўзлари ва фаолияти учун олдиндан белгиланган ўлчовлар йўқ. билим ва бойликка эга бўлиш одамнинг ҳаракатига боғлиқ: Одам қанча кўп ғайрат қилса, шунча билими ва мол-мулки ортади».

Юсуф Сарёмий ижодининг ғоявий йўналиши ҳам худди шундай қарашлар асосига қурилган. Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўринадик, Сарёмий инсонни ўзига хос усул билан тарбиялайди ва унга ўз таъсирини етказди. У «навжувонлик фурсати»ни беҳуда ўтказмай, изланишлар йўлидан бориб, ўз ҳилқати, ўз моҳияти ҳақида ўйланишга, Ўзлигини таниб, оламни ва илоҳни севишга ўргатади ва таълим беради.

Юз қуёшдин келди афзун зарраи атвори ишқ,  
 Етти гардун қоматин ҳам айлагандур бори ишқ.  
 Аршу курси бирла бор ўлғон жамъи мумкинот,  
 Бир тарашшуҳ абри раҳматдин келиб осори ишқ.  
 «Ускуну» амри билан жаннат фазосида туруб,

Англабон «ла тақрабони» бўлдилар бемори ишқ... (77-б.)

Нақшбанд тариқатидагилар ислом оламининг жуда илғор ва ўрнак кишилари бўлганлиги маълум. Нақшбанд тариқатидагилар учун энг асосий бош масала – Рухоният ва пок иймон, ишқ ва ахлоқ эди. Улар нафсларини покламоқ йўлида ибодат қилиб сажда этганлар, хилватга чекиниб чилла ўтирганлар, шавк шаробидан қониб кўз ёш тўкканлар. Улар мол-дунё, шуҳрат ва мартаба бандалари эмас, Аллоҳ йўлига кирган озод йўлчилар бўлишган. Маъно ва ғояда ҳар бир мутасаввуф нияти ҳусни мутлақ билан қовушмоқ бўлганлиги учун ҳам Юсуф Сарёмий девонда ана шундай илоҳий ишқ дарди билан ўртанган мутасаввуфлар ҳаёти, тарихи ва тақдирига дахлдор ибратли хикоятларни сўзонли мисраларда ўзгача ларзали оҳангда тараннум этади:

Англади жон пардасидинким навойи иштиёқ,  
 Бу сабабдин чолдилар Довуд мусиқори ишқ.  
 Чун «аналҳақ» барқи сўзониға жонин куйдуруб,  
 Гўй айлаб бошини Мансур осилғон дори ишқ.  
 Етти шаҳри ишқ кезган кўхкў девонавор,  
 Орифи биллоҳ Фаридуддин эрур Аттори ишқ.  
 Шоҳи Муҳйиддин ки, Жийлони тожи Авлиё,  
 Ғавсул Аъзам мири оламдўз аламбардор ишқ.  
 Пири Туркистон ўшал Султон Аҳмад Яссавий,  
 Ўлмаи ўлуб ерга кирдилар бўлубон ёри ишқ.  
 Махзани асрори ҳақ, яъни Жалолиддин Рум,

Шамси Табризий қўлидин топтилар тумори ишқ.

Хожаи Мир Баҳовуддини шоҳи Нақшбанд,

Юрдилар кўйи муҳаббатда қаландарвори ишқ...(78-79-б.)

Шоир мажоз ва ҳақиқат уйғунлиги мунаққаш этилган шоҳбайтларида номлари зикр этилган тасаввуф тарихидаги энг кучли авлиёлар, мумтоз ва амалий санъат аҳли, орифу алломалар, фузалою умаролар қаторида инсоний фазлу камолга, илмий ва бадий тафаккурда зоҳирий ва ботиний уйғунликка эришмоқликни мақсад қилади. Мана шу нуқтада Сарёмий англаб етадики, улут шайхларнинг руҳи тажаллий топади, салафлар халафларга ҳидоят айлайди.

Қолаверса, ҳар қандай одамга эмас, балки фақат бахтли соликка, сўфийлик йўлига кирган чинакам инсонларгагина шундай тарбия муносиб кўрилади. 47 байд, 94 мисрани ташкил қилувчи ушбу манзуманинг мухтасар шарҳидан ана шундай ҳақиқат аён бўлади.

Шоирнинг тасаввуфона ғазалларида ўзи мансуб нақшбандийлик тариқати талаб ва шартларини ҳам эътибордан соқит қилмаганлигини унутмаслик зарур, албатта. Чунки, нақшбанддаги асосий тамойиллардан бири тавбадир. Аллоҳ таъқиқлаган ҳар қандай нарсадан узоқ бўлиш, манманлик (нафсдан) туйғусидан пайдо бўладиган ҳар турли ҳаракатлардан сақланиш, пок ҳулқларни ҳаётга жорий қилиш, ҳалол луқмага эришиш, туну кун Аллоҳга муҳтожлик туйғуси билан нафас олиш, таваккул ва ризо – булар нақшбандия тариқатининг бошланғич шартларидир.

Мухтасар қилиб айтганда, Сарёмий ихлос кўйган Нақшбандия таълимоти «нақш банд бар дил банд», яъни кўнглингда Аллоҳ таоло зикрини нақш айла демақдир.

Маълумки, Сарёмийни реакцион-феодал тоифанинг дунёқарашини ифодалаган, дин ниқобида бадбинлик, таркидунёчиликни тарғиб этган, мазлум оммани золимларга тобе бўлишга чақирган тариқатнинг вакиллари билан бири сифатида танқид этиб келинди. Сарёмий ислом динини шунчаки қабул қилиб, бадбинлик йўлида тарғиб этган эмас. Булар мутлақо асоссиз фикрлар.

Мавлавий Сарёмий ислом динига, Коинотнинг ягона соҳибига чексиз муҳаббати бўлган, тасаввуф маслагига меҳр боғлаган мусулмон шоирдирки, буни девондаги ислом дини арконлари, пайғамбару, саҳобалар, Ҳадиси Шариф ва шариат тўғрисида талай шеър у тимсоллар асослайди:

Водийи зулмат, жаҳлу куфрдин сўйи нажот,

Топмади йўлким қуёшдек бўлмайин раҳбар ҳадис.

Ё расуллулоҳ, сўзунгизни фидоси жисму жон,

Қилмади умматга сиздек ҳеч пайғамбар ҳадис. (30-б.)

Сарёмий эътиқод хасталиги ва имон шикасталиги учун чора ва шифони исломий маърифатдан, ишқи илоҳийдан ахтаради. Иймон бутун бўлмоғи учун

Аллоҳга, пайғамбарларга, муқаддас китобларга, охират кунига, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ томонидан бўлажасига ишонади. Ўлгандан сўнг эса қайта тирилмоқ, ихлос қилмоқ, унга тил билан иқрор бўлиб қалб билан тасдиқ этмоқ даркорлигини таъкидлайди. Зеро, ихлос ҳамма амалларнинг боши эканлиги, чин ихлос билан қилинмаган ҳеч бир амал Аллоҳ хузурида қабул бўлмаслиги ҳақидаги фалсафий, ахлоқий қарашлари шоирнинг тубандаги мисраларида ёрқин ифодасини топган:

Кимики бўлса неку эътиқод бо ихлос,

Бўлур тариқи худо сори раҳнамо ихлос...

Кишини бўлмаса ихлоси доимо мункир,

Қабул эмас аъмоли бўлмагунча то ихлос.

Ҳама амал боши ихлос эрур, мазиди шараф,

Ўзингдин айлама, жоно, даме жудо ихлос...(72-б.)

Тасаввуфий тушунчалар ёритилган асарларда одатда аввал нафс тўғрисида фикр юритилиб, сўнг бошқа масалаларга ўтилади. бу борада адабиётшунос олим И.Ҳаққулов шундай фикр билдиради: «Тасаввуф-худосеварлик, Худо ишқи ва ҳаёлидан бўлак бошқа ҳар қандай хорижий фикр ва тушунчалардан фориг бўлмоқ демак. Тасаввуфда ахлоқ-одоб комиллиги қанчалик муҳим бўлса, тахлия-тасаввуф салоҳияти ҳам ниҳоятда муҳим. Тасаввуф илоҳий шавқ ва файз сирларини очаркан, инсонга аввало нафсни хор этиш усулларини ўргатади».

Ҳақиқатда, нафсни мағлуб қилмагунча Ҳақ йўлида асосий мақсадга эришиб бўлмайди. «Назм ул-жавоҳир»даги бир қанча рубоийларда («Ҳирс ўтидин бўлма дардпарвар охир», «Ҳирс офатини нафс ҳавоси билғил») дея нафсни таслим этмоқнинг «чора» ва «усул»ларини кўрсатади.

Шунингдек, Сарёмий ҳам асосий диққатни тасаввуф адабиётида кенг талқин қилинган нафс масаласига қаратади.

Инсоннинг яратувчиси тангри таоло экан, унинг ғам-қайғулари, меҳнат-машаққатлари нима ва нималардалигини билгувчи ҳам ўша сарвари коинотдир. Аллоҳ бандасига ҳар ким ва ҳар нарсадан яқин Қуръоннинг бир неча оятларида (Мўминлар 11, Рум 11, Юнус 15) таъкидлаганидек, инсон алалоқибат яна

Тангрига қайтажак. Ана шунинг учун ҳам у нафснинг эмас, рухнинг талаб ва истаклари бўйича кун кечиришга масъул. Сарёмий ғазалларидаги асосий ғоя мана шулар тўғрисида мушоҳадага чорлайди.

Қуръонда Юсуф алайҳиссалом тилидан шундай дейилган: «Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс – агар парвардигорим ўзи раҳм қилмаса, албатта барча ёмонликларга буюргувчидир (Юсуф сураси, 53-оят)». Инчунин, тасаввуф аҳли етти турли нафс мавжудлигини эътироф қилганлар: нафси аммора – одамни ёмонлик, риёкорлик, дунёпарастликка завқини оширувчи нафс; нафси лаввома – ёмон ишлардан пушаймон қилувчи, ахлоқ ва одобда маълум бир меъёрларга риоя қилувчи нафс, нафси мулҳама-илоҳий йўл-йўриқлар ва жозобага илҳомлантирувчи нафс; нафси мутмаинна – иймон хотиржамлигини таъминлайдиган ва хатоликлардан асрай оладиган нафс; нафси розия – Аллоҳдан рози наф; нафси марзия – Аллоҳ ризосини қозонган ва унга мақбул бўла оладиган нафс; нафси софия - қусру иллатлардан тамоман покланган нафс. Сарёмий нафс ва рух хусусиятларини очишда юқорида зикр этилган моҳиятларга тўла асосланиб фикр юритади. Шоир нафс деганда, одамни риёкорлик, дунёпарастликка ҳирсини оширувчи, инсондаги шаҳват, ғазаб қувватларини жамловчи тарафларини кўзда тутиб, нафсни аксарият ҳолда айни шу маънода, яъни нафснинг биринчи турига кўра фикр юритган.

Шоир талқинида, инсоннинг инсонийлик ва ҳақсеварлик моҳиятини муҳофаза этгувчи мусаффо куч бу – Рух. Бироқ, азалдан Инсон ожиз қилиб яратилгандир. (Нисо сураси, 27-оят) Шунинг учун унинг вужудида кўпинча нафс ғолиблик қилади.

Шунингдек, шоир ўзининг пурмаъно мисраларида тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга чорловчи ҳирсларни нафсга нисбат беради:

Ҳиммати дун сифла, атвори хасосатпешалар,  
 Нафс учун ҳар анжуманда ошу нон айлар талош.  
 Беҳабар ким бўлса кори дину, илму шаръидин,  
 Ул ривожи миллату динни қачон айлар талош.  
 Бу замони келди ошуби қиёматдин илм,

Барча нафсин комини истарда жон айлар талош.  
 Гарчи Юсуф нотавону ожизу, афтодадур,  
 Дин ривожин ошкорау ниҳон айлар талош.(69-б.)

Қуръоннинг Зумар сурасида шундай дейилган: «Қачон инсонни бирор зиён ушласа, у Парвардигорига тавба-тазарру қилган ҳолида дуо-илтижо қилур. Сўнгра қачон (Аллоҳ) Ўз томонидан унга бирон неъмат ато этса (инсон), илгари (Аллоҳга) қилган дуо-илтижоларини унутиб қўюр ва (ўзгаларни ҳам) Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун у зотга «тенг»ларни (ўйлаб) топур» (Зумар сураси, 8-оят). Буларнинг ҳаммаси нафси золимнинг қабоҳатларидир. Демак, нафсининг ботиний зулмлари чексиз. Улуғ аллома Аҳмад Яссавий нафсга золим сифатини берганда минг бора ҳақ.

Сарёмий ҳам нафси инсондаги бутунликни синдирувчи, маънавий осойишталикка барҳам берувчи ички душман сифатида талқин этиб, биридан пурмаъно жозиб илоҳий байтларида инсон ва илоҳ, фано ва бақо бирлигини буюк шоирларга хос комил иймон-эътиқод, эзгу хаёлга мос мўъжаз шеърӣ санъат йўғириб ифодалайди:

Сен гумон этма бақо бор деб жаҳон айвонида,  
 Бил яқин, аввалда фоний эрди, охир фони(й)дур.  
 Бас кўриб, алданмағил оройиши дунё учун  
 Бу ҳавои наф ҳохишлар бари шайтонидур.

Кўринадики, «нафс» зикр қилинган мана шундай сўзонли мисраларда ҳақиқат ақидаси уйғунлашади. Ҳақни танимаслик, шайтонсифатлик, беғамлик, мол-дунёга ўчлик. Такаббурлик, нодонлик- буларнинг ҳаммаси Сарёмий талқинларида чиркин «нафсининг ҳохишидур». Мавзуга алоқадор бир байт:

Нафсу ҳаво кўлида ҳама бўлдилар хароб,  
 Мақсад тамоми зийнат ўлиб қасди хурди хоб.

Нафс ҳаммани «хароб» қилади, ёмон йўлга бошлади. Шоирнинг мақсади эса ана шу нафсининг ёмонлигини англаш – ўзлигини таниш, демакки, илоҳийликни, эзгуликни англашидир.



Тасаввуф аҳли наздида нафс тушунчаси кенгайиб, чуқурлашиб молу мулк, тожу тахт масалаларига бориб боғланади. Юқоридаги мисраларда шоир худди шу масалани кўзда тутди. Байтлар давомида «Қаттиғ ушламағил молу жоҳни», «Махлуқсанки холиқинг истагил мудом», «бандаликни билғил», «ғайри худо (ликни) унут» дея қайта-қайта уқтиради. Шундай, энг катта қаҳрамонлик, жасорат – бу нафсни енгмоқлик, «Ҳақдин бўлакни» унутмоқлик. Шу сабаб тожу тахтни, молу жоҳни тарк этиб, дарвешлик жандасини кийган Иброҳим Адҳамни сўфий шоирлар «мардлар марди» деб алқайдилар.

Нақшбандийлик силсиласининг асосий тариқларидан ҳисобланган «фақр» Сарёмий ижодида ҳам етакчи масалалардандир.

«Фақр- тарки дунё қилиб ҳаётга қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклаш» экан, шоир Юсуфийнинг «Боғлама дунёга кўнгил мулки моли фонидур», «Ким мунда санга айласа, жабру жафо, унут», «Кел, эй дил, айлама ҳаргиз тазоеъи авқот» мисралари билан бошланувчи ғазалларининг бошидан охиригача фақр мақомининг талаб ва шартлари ўз ифодасини топади.

Шарқнинг машҳур алломаси Ҳусайн Воиз Кошифий фақрликнинг йўлдоши сидқ ва эътиқод, унинг асоси эса, дарвешлар муҳаббати ҳамда фақрликнинг ниҳояси яхши ҳулқ эканлигини таърифлаган. Мавзуга алоқадор байт:

Ким қанот ганжида дам урмаса беёди ҳақ,  
Фақр мулкида муҳаббат кишварини хонидур.

Қаноат – бу Нақшбандий мазҳабининг зарур шартларидан бўлиб, бу сифат фақат яхши ҳулқлиларгагина хос. Фақрлик мулкига эга бўлишда энг катта тўсиқ - бу қаноатсизлик, чунки қаноатсизликдан баднафслик, ўткинчи дунёнинг ҳирсу ҳавасларига ружу қўймоқлик, иззатсизлик, умуман, барча ёмон ҳулқлар келиб чиқади. Шундай экан, кимки бу тўсиқни енга олсагина фақр камолига эришади, ҳам ботиний, ҳам зоҳирий покланади, қалбида ички ҳурлик тантана қилади. Шоирнинг кўзлаган мақсади ва самимий даъвати ана шу.

Адабиётшунос олим А.Абдуқодиров фақрнинг ғанилик (давлатмандлик)дан афзаллигини таъкидлаб, шундай ёзади: «Ғаниликка интилиш инсонни фисқ, кибр, разолат, жаҳолат ва риё ботқоғига ботирса, фақр эса уни ўзликка мансуб

шу иллатлардан тозалаб, пок рухга восил қилади». Шунингдек, шоир ўз шеърларида фақр фаносига етишдаги яна бир тўсиқ ўзлик эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Истарам бу дайр аро бир жом ваҳдат хумидин,  
Ўзлугум бунёдини йикса етиб фақру фано. (1-2-б.)

«Нақшбандийликда зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан шиори амал қилар, шу сабабли нақшбандийларда ташқи жиҳатдан маломатийлик намоён бўлса-да, ички фаолиятда фақрга риоя собит эди». Сарёмий ижодида ҳам шу ҳолат ўз талқинини топган бўлиб, шоир шеърлари ташқи томондан маломатия оқимининг ғоя ва одоб йўлларини ўзида сингдирган. Айниқса, Вақтга муносабат масаласи Сарёмий эътиборини чуқур жалб этган. Вақт деганда ўтган муддат ёки эндиги келажак замон эмас, балки айни нафас олиб турган, ҳозир кечаётган, ардоқлаб қадрлаш мумкин ҳам шарт бўлган вақтдир. Улар вақтни нечоғлик қадр-қимматга эгаллигини назарда тутиб, яшашнинг туб мазмуни бўлган дамни бой бермаслик, ҳар лаҳзаю ҳар соатни ҳушнудлик билан ўтказишда деб билганлар. Унинг:

Умрингни зое айлама бедардлар билан,  
Нақди шариф сарфи харубор қилмагил.  
Бе шамъи ишқ кирма бу зулмат саройиға,  
Гумроҳлиғ ила саъингни бекор қилмагил. (87-б.)

Байтлари ифодаланган ҳамда «Суюн эй дил, яна етушти баҳор», «Кори дунёи бемадор абас» мисралари билан бошланадиган ғазаллари ушбу даъвонинг характерли мисоли бўлиши мумкин.

Шунингдек, маломатчи – ўзгаларнинг айбини эмас, ўзининг айб нуқсонларини кўрувчидир. Бу тушунчалар ҳам Сарёмий шеърларида ўзининг образли ифодаларини топган:

Нақди умрим хато била кечти,  
Жазм этуб бешуморман, ё раб.  
Кечуруб бас тамом ғафлат ила,  
Ҳама лайду наҳорман, ё раб.

Ўтди умри азиз бе ҳосил

Юсуфи шармисорман, ё раб. (16-б.)

Ёки:

Ҳирсу ҳаво муродида йўқтур қаноатим,

Нафсим кўлида банда бўлиб паст ҳимматим.

Йўқ лойиқи ризои худо ҳеч тоатим,

Шармандаликда дам бадам ортар хижолатим. (1-8-б.)

Кўринадики, шоир Нақшбанд тариқатининг қоидаларига бўйсунган ҳолда ташқи томондан маломатия тариқатининг муҳиби бўлиб кўринса-да, ички фаолиятида фақр талабларига риоя қилади, яъни фақрнинг яна бир улуғ сифати – кўнгилда пушаймонликни ҳис этади. Ҳусайн Воиз Кошифий буни фақрнинг улуғ сифати деб билади. Худди шунингдек, юқоридаги байтларда ҳам ўз айб нуқсонларидан афсусланиш, хижолат чекиш ва пушаймон бўлиш ҳолатлари кўринади.

Нақшбандий тариқида «Сафар дар ватан» талаби борки, унда Ватанда мусофир бўлмоқлик фалсафаси илгари сурилади, бу эса кишини тириклик ҳақидаги турғун фикрлардан, ўткинчи дунёнинг баландпарвоз даъволаридан мутлоқ халос этади. Ҳаётда унутилиши лозим бўлган нарсаларнинг барчаси унутилади. Хотирада фақат унутилмас мавжудлик қолади. Бу Ишқ ва ошиқликнинг юқори босқичидир.

Сарёмий ғазалларидан бирида бу ҳақда шундай ёзади:

Ки мунда санга айласа жабру жафо, унут,

Сан ҳам кимиға меҳр ила қилсанг вафо, унут.

Қолгай бориси ҳар на йиғиб, сан жафо чекуб,

Бу бевафода ҳар на эрур бевафо, унут.

Иқболу кирудор жаҳонни саботи йўқ,

Кечгай нафасда мисли насиму сабо унут.

Роҳат қаерда бўлса, бу кулфат саройи даҳр,

Бору йўқи баробар ранжу ано, унут.

Ўлмасча қаттиқ ушламағил молу жоҳни,

Умринг етушса мингга бўлурсан фано, унут.  
 На ному, на нишону, қани хоки турбати  
 Бўлди тамом шоҳу, ғанию, гадо унут.  
 Мулки адамда санга на ном эрди, на нишон,  
 Қандоқ қилибсан они сан, эй беҳаё, унут.  
 Маҳлуқсанки холиқингни истагил мудом  
 Сан бандаликни билгилу, ғайри худо унут.  
 Раънои боғи даҳр кўриб емагил фириб,  
 Сандек ҳазор тозагул этмиш адо, унут.  
 На етса айла шукру қаноатки бандалик,  
 Қуллуқ шудурки, бўлмаса сабру ризо унут.  
 Ҳақдин бўлакни бориси бегона Юсуфий,  
 Онсиз на ким тутар ўзини ошно унут. (18-б.)

Маълумки, Инсонни комиллик босқичига етказиш тасаввуфнинг бош масалаларидандир. Бу даражага етиш учун эса хайрли ишларни қилмоқлик, хайрли сўзларни сўзламоқлик, яхши ҳулқни ўзида касб эттирмоқлик лозимдурки, буларнинг барчасининг асл моҳиятини юрак-юракдан ҳис эта олсагина унинг қалби покланади. Тасаввуфона тарбиявий жараённинг ибтидоси ана шундан бошланади. Шундагина Коинотнинг ягона соҳибига, Ҳолиқига чин муҳаббат пайдо бўлади. Албатта бундай кўнгил кўймоқлик, аввало, инсоний хуружлардан батамом покланишни, молу мулкка ҳавасмандликни сўндиришни тақозо қилади. Шу боис Шайх Абусаид Абулхайр тасаввуф таълимотининг таърифини шундай келтиради: «Бошингда не бўлса чиқариб ташлаш, қўлингда неки бор қўлдан бериш ва бошқалардан сенга нима келса ранжимаслик».

Шунингдек, Сарёмийнинг юқоридаги ғазали матлаъдан то мақтагача улуг шайхнинг фикрларига ҳамоҳанг, вобаста. Мазкур ғазалда «унут» сўзининг радиф сифатида қўлланиши, шеърда якоҳанглиликни вужудга келтиради ҳамда байтлар давомида айтилмоқчи бўлган фикрни, мақсад ва ғояни мантиқан тадрижий давом этишини таъминлайди. Иккинчи ва учинчи байтларда шоир тахлия ва тасфия йўлини тутмоқликка ундайди, яъни тахлия – ҳоли бўлмоқлик,

қалбини бўшатмоқлик, тасфия – руҳни ағёр бегонадан тозаламоқлик. Кўринадики, шоир ҳақиқий комил инсон бўлиш учун ўзи билан боғлиқ ҳамма нарсани унутмоқ, ўзлигидан бутунлай кечмоқ даркорлигини назмга солади. Фақру фанога эришиш шу қадар шахсиятдан кечиб ўзни унутишки, солиқда ўзлигидан заррача нарса қолмаслиги керак, акс ҳолда, бу Аллоҳни англаш йўлида парда, тўсиқ. Ана шу орадаги пардани кўтариш, тўсиқни олиш учун эса солиқ ўзи билан бирга ҳар нарсани – кимгадир меҳр кўрсатган бўлса ҳам, кимдандир жабр кўрса ҳам, «жафо чекуб» йиққан молу жоҳни ҳам «бу бевафода ҳар на эрур» ҳаммасини унутиш керак. Баҳоуддин Нақшбанд ўз тариқатида «Хуш дар дам» манзилида ҳар дамни, олаётган ҳар бир нафасини ғафлат билан ўтказмай, Аллоҳни ёд этиб, фикру хаёлларини жилолвлаб, Ёлғиз Сарвари Коинотга қаратиш фикрини илгари суради. Бу ҳақда Садриддин Салим Бухорийнинг «Дил ба ёр» китобида шундай дейилган: «Ҳазрат Баҳоуддин деганларки, бу йўлда нафас ҳал этувчи омилдир. Яъни, нафас олаётганда хаёл на ўтмиш, на келажакка банд, балки хаёл ўтмиш ва келажак воқеаларидан озод бўлиши керак». Сарёмий сатрларида ҳам ҳар дам, ҳар нафасни беҳуда сарфламай, хаёлни беҳуда нарсалардан озод қилиб, ҳар нафасда ҳам ботинан, ҳам зоҳиран қалбини Аллоҳ ёди иблан ёд айлаш лозимлигини таъкидлайди.

Шоир талқинида Холиқнинг ибодатига даъват сезилади. Сарёмий ислом дини ғояларини ғазалда татбиқ этиб, Қуръондаги оятлар орқали ички кечинмаларини, фикр ва мақсадини теран ифодалайди. Чунончи, Қуръонда шундай ёзилади: «Албатта ҳар бир оғирлик, машаққат билан бирга енгиллик ҳам бордир» (Шарҳ сураси. 5-6-оятлар). Ғазалнинг навбатдаги тўртинчи байтидаги асосий ғоя ана шу асосга қурилган. Яъни мазкур сурада таъкидланганидек, инсоннинг бошига бирон қийинчилик тушса ҳаргиз бундан ранжимаслиги, аксинча, «ранжу аъно»ларни унутиб, буларга сабр-тоқат қилиш кераклиги, зеро, бу машаққатларни енгиб, уларни унута олса, мангу енгиллик, абадий саодатга етажагини уқтиради.

Шоир бешинчи байтда илгари сурган ғояни янада чуқурлаштиради. Байтга «фано» калимасининг киритилиши ўқувчи кўзи олдида жисмоний ўлимни

гавдалантириши мумкин. Йўқ, асло. Шоир бу ўринда уни назарда тутгани йўқ. Гап «фано» калимасининг тариқатдаги асл маъноси устида кетаётир. Тасаввуф аҳли яхши сифатларни, яъни раҳм-шафқат, карам, садоқат, вафо, ҳаёларни «ахлоқи маҳмуда» деб, аксинча, хирсу ҳавасга берилишни англатувчи зулм, нодонлик, манманлик каби ёмон хулқларни «ахлоқи мазмума» деб аташган. Тасаввуфда «фано» деганда, ана шу «ахлоқи мазмума»дан қутулишни назарда тутадилар. Шоир юқоридаги байтлардаги ўз фикрини қувватлаш мақсадида «фано» тушунчасига алоҳида урғу беради. Унингча мазмума сифатлар инсонни маънавий камолотга эришувида тўсиқ пайдо қилади, чунки у нафснинг чиркин ҳоҳиши туфайли шаклланган, нафс эса футувват ва саҳоватни четга суриб, молу мулкка хирсу ҳавасни орттиради. Бас, шундай экан, фано сўзи билан «молу жоҳни қаттиқ ушламоқлик» каби мазмума сифатлардан қутулиш ва бундай «ахлоқ»ни батамом унутиш лозим демоқчи бўлади.

Кейинги 6-7-байтларда ғоявий мазмун тадрижий янада такомиллаштирилади. Маълумки, Иброҳим Адҳам дунё тожини тарк этди, аммо Аллоҳ уни охират тожу тахтига ўтқазди. Бундай юксак даражага Коинотнинг ягона Холиқиға чин муҳаббати туфайли эришди. Аллоҳ йўлида дунё тожу тахтини тарк эта олди, уларни унутишни уддалади. Дарҳақиқат, шоир Аллоҳ йўлида ана шундай йўл тутмоқлик зарурлигини уқтиради.

Навбатдаги байтлар Сарёмий санъаткорлиги ва маҳоратининг авж нуқтасидан далолат беради. шоир фақат Холиқни иташ, бандалиқни билиб, худодан бошқа нарсаларни унутиш, Аллоҳга шукр келтириб сабру қаноат билан яшамоқликнинг жозибасини бетакрор қиёсларда чизиб беради. Зеро, сабр-барча мақсадларга элтувчи йўлнинг боши, қаноат эса ор, ҳаё, номус деб аталган инсон қадриятини қўриқловчи улуғ сифат. Сарёмий инсон сабру қаноатни ихтиёр этсагина юқорида кўрсатилган барча мазмума сифатларни унута олади, маҳмуда сифатларни ўзида шакллантиради, Ҳақдан бўлақни ўзига бегона деб билади, ана шундагина орадаги парда кўтарилиб, Аллоҳга «ошно» тутинади, унинг даргоҳига йўл очилади деган назмий хулосага келади.

Сарёмий бундай жиддий хулосага даб-дурустдан келмайди. Бунинг учун у мумтоз шоирларимиз хаёти ва уларнинг меросини чуқур ўрганади, ғазаллари мағзини чақади ва мушоҳада қилади. Жумладан, мавзу танлаш ва уни ёритишдаги, фикр мушоҳадаларнинг бадий талқинини беришдаги яқинлик, чуқур мазмунни содда тилда ифодалай олишдаги ўхшашлик Сарёмийнинг кўпроқ Навоий ва Фузулий сарчашмаларидан баҳраманд бўлганлигини кўрсатади. Чунончи, шоир юқоридаги ғазални яратишда Фузулийнинг «Баҳри ишқа душдинг, эй дил, завқи дунёни унут» деб бошланувчи «унут» радифли ғазали ҳамда Навоийнинг «Гар ошиқ эсанг зебу такаллуфни унут» мисраси билан бошланган таронаи рубоийсидан таъсирланган. Шоир Юсуф бу билан ҳам чекланмайди. Фузулийнинг мазкур ғазалига мухаммас-тахмис яратиб, фалсафий фикру қарашларини давом эттириб, уни янада чуқурлаштиради:

Меҳнати обод жаҳона роҳати жони унут,  
 Чих бу дайри кўхнадин афсурда маъвони унут.  
 Айши боқийни диларсан, ҳар наким фоний, унут,  
 Баҳри ишқа душдинг, эй дил, завқи дунёни унут,  
 Болиғ ўлдунг кел раҳмдин ичдигинг қони унут. (24-25-б.)

Демак, мисоллар Сарёмий улуғ шоирларимиз ижодидан баҳраманд бўлганлигини, асарларини чуқур ўрганиб, улардан илҳомланганлигини исботловчи ишончли ҳужжат бўла олади.

Сарёмий шеъриятида ҳам бошқа шоирлар каби ишқу муҳаббатни куйлаш асосий мавзу саналади.

Ишқ - жуда кенг тушунча. Ҳаётда фақат ўз жуфти ҳалолига кўнгил боғлаб шу ишқ билан яшаш керак деб ўйламоқлик, пок ишқдан беҳабар бўлмоқлик – авомликдан бошқа нарса эмас. Бу борадаги машҳур нақлни эслайлик: Арастунинг шогирдлари орасида илмий анжуманларда Афлотун билан ҳам баҳслаша оладиган зўр бир йигит бор эди. Шу йигит бир маҳлиқога ошиқ бўлиб қолди-ю ҳамма нарсани унутди. Шунда устоз бир чора излаб топди, дори ичириб, қизнинг ҳусну жамолини танадан ажратиб олди ва суyoқ бир нарсани

«сен илмдек муқаддас нарсага алмаштирганингни, ма ол!» деб йигитнинг қўлига тутқазди.

Бу ўринда инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати рад этилаётгани йўқ, албатта. Дунёда фақат мажозий ишққагина ўралашиб қолиш хато эканлиги, мажозий ишқ ва илоҳий ҳақиқий ишқ бир-бирларини тўлдиришлари лозимлиги уқтирилмоқда.

Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг «Ишқ зикрида» бобида шундай пурҳикмат фикрларни ёзади: «Сўзким дард чошнисидин (таъмидан) ҳарорати бўлмағай ва назмким ишқ ҳароратидин хирқати (куйдириши) бўлмағай, нурсиз шам бил ва сарварсиз (бошлиқсиз)» жамъ (жамоа) гумон қил».

Равшанки, ҳар қандай сўзда ва ҳар қандай шеърда ишқ ҳарорати бўлиши шарт экан. Сарёмий ижодидаги йўналиш гўё устод Навоий фикру қарашларини тасдиқлаётгандай. Зеро, Мавлавий Сарёмий наздида ҳам ҳар қандай сўз - ишқ сўзидир.

Сарёмий ғазалларининг қат-қатига кириб борсак, шоир ижодида ҳам мажоз, яъни инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати рамзий маънодадир. Шоир Юсуф назмининг тубида унинг ҳақиқий пок ишқ, яъни вужуди мутлаққа, Яратганга муҳаббат туйғулари яширинган.

Ҳар фусунгардин даво йўқ, ҳар табибедин илож,  
Истамангларким, чақибдур ҳар жигарни мори ишқ.  
Эй, баҳаққи хурмати иззу жалоли ишқи пок,  
Лутф этиб, ёраб, Юсуфни қил хушёри ишқ.

Сарёмийнинг ишққа фалсафий муносабати қатъий ва барқарор нуқтаи назари Алишер Навоий дунёқарашига мос тушади. Сарёмий ҳам худди Навоийлардек мажозий ишқ ва ҳақиқий ишқ тушунчаларини алоҳида ажратишни мақсад қилмайди ёхуд инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатини ҳақиқий ишққа қарама-қарши қўйиб уни тамоман рад этаётгани йўқ.

Сарёмий Навоий айтганидек, бу икки ишқни бирдай олиб боради. Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ишқни турларга ажратиб, ана шундай икки ишқни бирдай олиб борганлар ҳақида шундай дейди: «Ва мутааххиридин



(охиргилардан) икки оламини (ҳам бу дунё, ҳам у дунё ишқини) бир дов (юриш) била ўйнаган мукаммир (қиморбоз) шевалар покбози ва ишқ дайри фаносида ҳақиқат бодасидин маст риндлар (майхўрлар) ҳамрози шамс ул-миллати ва-д-дин Хожа Ҳофиз Шерозийдур». Навоий ўз фикрларини давом эттириб, устоз Абдурахмон Жомийни ҳам «дунё ва охиратни бир оҳ ила ўртаган пок ошиқлар имоми» деб таърифлаб, ана шу икки ишқни бирдай кўрганлар қаторига қўшади.

Навоийнинг ўзи иккала ишқни - инсоннинг инсонга ҳамда инсоннинг худога ишқини қўшиб қуйлаган шоир. Шунинг учун ҳам устознинг Шерозий, Жомийлар ишқига меҳри чексиз. Мавзуга алоқадор тубандаги сўзонли сатрларни ўқийлик:

Қани билса ҳолими бир марди ишқ,  
Кўп чекибдурман азоби дарди ишқ.  
Ким ўкуса ишқдин бир ҳарф агар,  
Дийдаи жонга тилар ул гарди ишқ. (80-б.)

Аён бўладики, Сарёмий «ишқ» дея биз тушунган оддий севгини эмас, аксинча, маънавий, яъни кенг маънодаги ишқни, янада аниқроғи, Ҳаққа – тангрига бўлган ишқни кўзда тутди. Сарёмий фалсафасига кўра ишқнинг ҳақиқийси – Аллоҳга муҳаббат эканини унинг асарлари асослайди.

Ҳеч шубҳасизки, пок, илоҳий ишқ қуйланган ғазалларнинг лирик қаҳрамонлари – Ёр ва Ошиқ. Тасаввуфда Ёр – ҳусни мутлақ, яъни Аллоҳ, Ошиқ - илоҳий ишқ орқали Ҳақни ахтарувчи ва Ҳақнинг висолига эришувдан тўла умидвор инсони комилдир. Тасаввуфнинг туб моҳиятини очишда бу икки образнинг мавқеи ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг роли ниҳоятда катта.

Мумтоз шеърятимиздаги ошиқ образи анъанавий образ саналса ҳам, ҳар бир ижодкорда ўзига хос тарзда ифода этилади. Шунингдек, бу образ билан боғлиқ ҳолат ва кайфиятлар шоир ғазалларининг асосини ташкил қилар экан, Сарёмий бни ўзига хос кўринишда намоён қилади.

Шоирнинг лирик қаҳрамони чинакам ошиқлик даъвогари. Бироқ ошиқ фақат даъво қилибгина қолмайди. Аксинча, ҳақиқий ишққа эришиш йўлида шамдек қуйиб, парвонавор ўртанмоқликка интилади:

Ҳар тун чу шам ёндим изхори хол этарға,  
 Бир шоҳиди муродим ялғуз дучор топмай.  
 Ул мулки ҳусн шоҳи кўйига кеча бордум,  
 Ҳасратда зор ёндим, кўрмакка бор топмай. (134-б.)

Ёки:

Шама рухсорина тмаклик тиларсан, эй кўнгул,  
 Шарт буким, аввало, жону дилинг парвона қил. (85-б.)

Тасаввуфий шеърятда «шамдек ёнмоқ», «парвонавор ўртанмоқ» каби тушунчалар мавжуд бўлиб, тасаввуф илмининг сир-синоатларини чуқур билган Навоий ишқий мавзуни ҳар тмонлама кенг ёритган фалсафий бадиий достони «Лисон ут-тайр»да унинг чиройли тавсифини берган. Асардаги «Парвоналар мажмаи шами ҳақиқий шарҳида» сарлавҳали қисмида парвоналар тўдаси ҳақиқий шам, яъни Аллоҳ васлига восил бўлишдек эзгу мақсад йўлида биринкетин шам ҳузурига қилган парвозлари ҳақида ёзилади. Шеър хосиятини оламга ёиш учун жуда қаттиқ уринадилар, аммо шам шульясини шарҳлашга ожизлик қиладилар. Чунки бу йўлни босиб ўтмасдан уни туб моҳиятини англай олмайди, қалби парвонадек оловда ўртанмай туриб ҳақиқий шам васли моҳиятига етиб бўлмайди. Демак, «шама рухсорига», яъни Ҳақ таоло васлига «етмаклик» учун «жону дилингни парвона қилмоқлик», яъни буткул фидойи ошиқ бўлмоқлик даркор экан. Кўринадики, Сарёмийнинг ишққа, ошиқликка фалсафий муносабати, қатъий ва барқарор нуқтаи назари Навоий дунёқарашига мос келади. Шоир ғазалиётдан шундай ҳақиқат аён бўладики, шоир рубоийларининг лирик қаҳрамони руҳиятида бу ўткинчи дунёнинг ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, шамдек куйиб, парвонадек ўртаниб Тангри жамолига талпиниш тамойили кучли.

Юсуф Сарёмий ижодида анъанавий май образи ҳам учрайди. Н.Комилов май ва майпарастликни «висол беҳудлиги, ҳаёт, табиат зеболиги ҳамда ақл ва тафаккур етмайдиган, аммо кўнгил билан ҳис этиладиган Мутлақ руҳ мўъжизоти жилвасидан баҳрамандлик ва шунга талпиниш сархушлигидир» дея таърифлайди. Шу каби шоирнинг тасаввуфона руҳда ёзилган ғазалларида «май»,

«майхона», «соқий», «соғар», «хум», «қадах» каби киноя-тимсоллар, рамзий маъноли сўзлар учрайдики, сиртдан қараганда шоир шеърияти майни улуғловчи, майхўрликни тарғиб қилувчи бир шеъриятдек туюлади. Зотан, улар зоҳиран шундай бўлса-да, ботинан фалсафий-тасаввуфий қарашлар силсиласига бориб боғланади:

Соқиё, тут дам-бадам соғар манга майдин тўло,  
 Раҳм қил бошимғадур хушёрлиғ қаттиқ бало,  
 Боладек ҳеч бўлмағай даврон ғамини дафъига,  
 Бўлмаса беҳудлуғум ўлдургуси ранжи ано. (1-2-б.)

Бу байтлар заминиди қандай ғоя ётибди? Шоир ичимлик майга шунчалик шайдоми? Йўқ, асло. Сарёмий зикр этган май, Аллоҳга сиғинган, унинг амалларига бўйсунган тақводор ва покдомон кишининг муҳаббатидир. Юқоридаги ғазалда ифодаланаётган майни шоир илоҳий ишқ - маърифат иштиёқининг юқори палласи, ошиқ дилида пайдо бўлган кучли завқу сурурнинг рамзий ифодачиси сифатида тасвирламоқда. Ғазалда ошиқ (ёки толиб) «ирфоний ҳузур тимсоли» бўлган бу нур чашмасидан ҳузурланади. Алҳосил, байтнинг мазмуни қуйидагича: «...файзиёт, маърифат булоғидан менга тўлдириб қуйгинки, мени хушёр этсин, ғамларимни олиб кетсин».

Тасаввуф шеъриятидаги «май» тимсолида «май», «шароб», «бода»га ташналик кўпинча ана шу нурга ташналик мазмунига тенг келади. Шоирнинг ошиқ қаҳрамони ҳам ана шу нур сари талпинади, «маърифат майи»дан қониб ичишни ихтиёр қилади. Ва кўнгил ўзлигини унутадиган, вужуд йўқоладиган, фано бўладиган маскан истайди, ҳикмат ва дониш шаробидан ичиб «бода» зиёси ҳамда «қадах» воситасида у вужуди мутлоқ дийдорига етишувдан умидвордир:

Бода сунса муғбача ўпсам оёғин жон билан  
 Айласам бир ғамзасига йўқу боримни фидо.  
 Истарам бу дайр аро бир жом ваҳдат хумидан,  
 Ўзлугум бунёдини йиқса етиб фақру фано.

Соқий тасаввуф адабиётида маърифат майининг тарқатувчиси тимсолида қўлланилади. Соқий барча мавжудотга фаёз берувчи, сархушлик улашувчи

манба экан, улар орифлар қалбини маъмур айлайди. Сарёмий ғазалларининг бирида:

Сокиё ахмар қадаҳда тут манга байзо шароб,  
Марди афган нашъаси оташ каби аъло шароб

дейди. Зеро, бу шаробнинг қатраси иймонсизга иймон берса, бир қадаҳи билан инсон ҳақиқий ошиққа айланади.

Тасаввуфий шеърятда поэтик образ даражасига кўтарилган «фано» тушунчаси бордирки, у ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Айрим мутасаввуфлар фикрича, «фано»да Ориф ўз маърифат моясига тамоман боғланиб кетади, ўзлигини йўқотади, илоҳий сифатларни ўзида мужассамлаштиради. «Фано» моҳиятига кўра «фақр»нинг давомидир. Лекин гап шундаки, инсон табиий равишда жисмоний ўлимдан устун келишни ўйлайди. Бу ҳол инсоннинг табиатидан келиб чиқади. «Фано»нинг моҳияти эса жисман маҳв бўлишдир ва руҳан ёр (Аллоҳ) висоли билан қовушмоқдир. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Ғаззолий «фано»да «ориф» моддий оламини идрок этиш қобилиятидан ажралиб ҳақиқат оламини идрок қилишга эришади.

Тасаввуф илмининг сир-синоатидан яхшигина хабардор бўлган Юсуф Сарёмий фанога эришиш - бақо йўлидаги мукамаллик даражаси эканлигини қалбдан ҳис этади.

Шоир «фано» ҳамда «фоний»ликка эришишнинг мураккабликларини тасвир экан, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Румий, Баҳоуддин Нақшбандларни (Сарёмий уларни Ҳаққа эришган мўътабар зотлар деб билади). «Илоҳий ишқ» куйчилари сифатида номма-ном санаб булар орқали «фано» сўфийларнинг ҳол-аҳволи билан боғлиқ босқичлардан эканлигини таъкидлайди.

Маҳзани асрори ҳақ, яъни Жалолиддини Рум,  
Айлабон касби фано пайванд қилди тори ишқ.  
Ҳожаи Мир Баҳоуддини шоҳи Нақшбанд,  
Юрдилар кўйи муҳаббатда қаландарвори ишқ.  
Кечтуруб фақру фано ганжида чархи рўзгор,  
Ҳойи хувиятда чун саргаштаи пуркори ишқ.

Юқоридаги пурмаъно байтлар замирида ҳам умрни беҳуда совурмасликка, Илоҳий жамолга етишиш йўлидаги машаққатли синовларга бардош беришга даъват бор. Илоҳий ишқни куйлаб фақру фанони тарғиб қилувчи мазкур манзума инсонда комиллик ва орифлик фазилатларини тарбиялаш йўлида хизмат қилади.

Фанога оид талқинларни янада кўплаб келтириш мумкин. Лекин юқорида келтирилган далилларимиз ҳам маълум тасаввур бера олади.

Кўринадикки, Сарёмий илоҳий ишқни куйлаб зоти мутлакни мадҳ этиб яшамоқ ва ўлмоқни ҳар томонлама чуқур англаб етишни маъқул билади. Шоир ана шундай исломий ва тасаввуфий қарашларни баён этиш билан бирга дунёвий лириканинг ҳам ўзига хос намуналарини яратади. Сарёмий илоҳий ишқни куйлар экан, ҳеч қачон инсоннинг инсонга бўлган ишқини рад этмайди. Муҳаббатнинг инсон тақдиридаги айрича аҳамиятини улуғлайди. Висол айёмию, садоқат сурурини, ҳижрон азобию вафосизлик оғриқларини юрак-юракдан ҳис қилади:

Эй, гули боғи малоҳат, сан сақин ағёрдин,  
 Булбули нозик адоға ёр бўлмас зоғ ҳеч.  
 Бормукин Юсуфга эй жонон, висолнинг базмида  
 Сан билан маст ўлтуруб мастона турмоқ чоғ ҳеч. (32-33-б.)

Дея ёр васлига восил бўлмоқлик онларига етмоқликка ишонч билан умид қилади. Бироқ, ўз маъшуқасининг келмай қолишидан чўчийди, фироқ дардида ўртанади:

Девона хотиримға жуз ёди ёр келмас,  
 Бир йўл сўрарға холим, на ўлди, ёр келмас.  
 Қон бўлди кўзда ашким шаби висоли,  
 Гулгунузур моҳрў, руҳ лолазор келмас. (68-б.)

Шоир шеърларида қаҳрамонларнинг табиий ҳисси ва кечинмаларини очишга алоҳида аҳамият беради. Айниқса, маҳбубанинг ҳусни жамолини таърифлаш, уни кўз-кўз қилиш, бу гўзалликдан мароқланиш, унга мафтун бўлиш каби туйғулар ифодасига жиддий эътибор қилади:

Чаманда сарви қаддингдек латиф эмас шамшод,  
 Юзинг гули каби ризвон гули эмас мумтоз.  
 Юзунгни равзада насрин хаёл айласа кам,  
 Латофатингни Эрам боғида пари десам оз. (63-б.)

Сарёмий сўз соҳири сифатида бу гўзаллик туйғуларини нозик ва чиройли ифодалар экан, гўзаллик билан барча нарсанинг энг майда тафсилотларини латофат ва назокат билан берилишига қаратилади:

Кеча тебранди сабодин, эй суманбар, кокулинг,  
 Гул юзинг атрофида чун сунбули тар кокулинг.  
 Бир тараф торожи дилга саф чекиб мужгонларинг,  
 Бир тарафдин даста-даста чекти лашкар кокулинг. (83-.)

Ёки:

Ё муқаввас қоши ул, мушкин ҳилол икки ийд,  
 Ё икки урён қиличлар, эл ани қурбонидур. (54-б.)

Шоир ҳар иккала мисолда ҳам ёрнинг ҳусни тароватини чиройли ўхшатишларда тасвирлар экан, улар бир-бирини такрорламайди.

Шеърятнинг нозик жиҳати шундаки, шоир ўз тасвирлаган объектининг ўқувчида қандай завқ уйғотиши ва таъсир қилишини назарда тутиши лозим. Сарёмий бу борада ҳам моҳирлигини кўрсатади:

Ул сарви қадди нозни кўрганлар айтур офарин,  
 Шамшод юза таҳсин қилиб бўстонлар айтур офарин.  
 Ул зулфи мушкин ториға чун нофаи тоториға,  
 Сунбул ўзга чирмашиб райҳонлар айтур офарин. (105-б.)

Қуйидаги мисраларга эътибор беринг:

Сарви қоматчагина, баччагина, созгина,  
 Гулжабин шўхгина, маҳваш, таннозгина,  
 Лаб ширинчасидин бизга табассумча қилиб,  
 Қўл солиб бўйниғинамға қиладур нозгина. (123-б.)

Аввало ғазал ўзининг жўшқинлиг, равон ва ўйноқилиги халқ кўшиқлари сингари содда ва самимийлиги билан бошқалардан алоҳида ажралади. Ошиқ ўз

маъшуқаси ташқи гўзаллигини мисралар давомида «нуқтача ҳоллари» «қошининг ёйчалари», «мушкинғинаси», «лаъличаси» каби сўзлар билан эркалатиб тасвирлаши ўқувчига тез таъсир қилади, унга бошқача бадиий завқ беради.

Ошиқ маъшуқанинг гўзаллигини хилма-хил тасвирларда очиб беради. Бирок бутун вужуди билан ёр васлига интилувчи ошиқ жавобсиз муҳаббатдан, хижрон азобидан ўртанади. Шоир мухаммасларининг бирида бу ҳолатни шундай тасвирлайди:

Куйдурди жисму жоним васлингни иштиёки,  
 Ўлдургудек нигоро хирмонингни сиёки,  
 Йўлинг боқиб оқорди, сенсиз кўзим қароқи,  
 Юз йил десам ғамимни қолгай ҳануз боқи.  
 Бўлмас экан фироқинг шарҳига ҳадду ғоят.

Сарёмий ғазал, мухаммас ва таржебандларда маъшуқанинг малоҳатлилигини, аёллик назокати-ю нозу карашмаларини бадиий деталларда очиб берадики, натижада китобхон ошиқнинг маҳбуба фироқида нечоғли ўртанишига, чекаётган изтиробларига ишонади, хатто ошиқ образи муҳаббатни ардоқловчи, ҳаётни севувчи, бу йўлда курашишга чақирувчи қаҳрамонга айланади.

Сарёмий инсоннинг гўзаллиги ва маънавий улуғлигини табиат манзараси гўзалликлари билан боғлаб, уйғунлаштириб яна бир манзара яратади:

Бўлди баҳор, васли чаман топти зебу фарр,  
 Гул мақдамига сочди саҳар шабнам гуҳар.  
 Чун хати ёр сабзаи навхез субҳидам,  
 Боғлаб бинафша хизмати гулшан учун камар. (56-б.)

Адабиётшунос олим С.Рафиддинов таъкидлаганидек: «Табиат манзаралари тасвирини чизиш, улардан поэтик образ сифатида фойдаланиш сифатида бадиий лавҳалар яратиш деярли бутун дунё шоирлари ижоди учун хосдир». Шоир Сарёмий ҳам табиатни севади. Айниқса, баҳор фаслидан завқ олади. Баҳорнинг кириб келишини «тоза ҳаёт» бошланиши деб билади:

Суюн, эй дил, яна етушти баҳор,  
 Лутфи ҳақдин хазойини асрор.  
 Яна эсти насойими сахари,  
 Яна етти шамим мушки тотор.

Сарёмий лирикада инсон ва табиат гўзаллиги билан боғлиқ ҳилол, куёш, тонг, баҳор, гул, булбул, андалиб, райҳон кабилардан поэтик образ сифатида жуда кўп фойдаланади.

Шоирнинг моҳир сўз санъаткорлиги унинг «Эй гули наврас тутибдур бўстонни шуҳратинг» деб бошланувчи мухаммасида ҳам кўринади. Мухаммасда шоир инсоннинг ташқи ҳамда ички гўзаллигини, табиат ва ундаги нарсаларнинг чиройи билан муқояса қилиб ундан устун қўяди ҳамда гўзал маъшуканинг барча сифатларини самимий ифодалайди:

Қадду зулфинг мубталоси сарвдин сунбулғача,  
 Меҳри рухсорингга шайдо лола бирлан гулғача.  
 Ҳолу хаттингни асири Ҳинддин Қобулғача,  
 Маҳви Мироти жамолинг Руму Истанбулғача.  
 Ё қилич қошингдин олмиш Исфаҳонни шуҳратинг. (82-б.)

Юқорида Сарёмий ижодида мавзулар кўлами кенглигини таъкидлаган эдик. Дарҳақиқат, шоир шеърятда жуда кўп қўлланиладиган дўстлик мавзусида ҳам қалам тебратган. Доимо дўстликни улуғлаган, дўст сари талпинган. Шоир бу ҳақда шундай ёзади:

Ҳажрингда мани зору хароб айлама, эй дўст,  
 Бағримни фироқингда кабоб айлама, эй дўст.  
 Мирот юзинг ойинаи дийдаларимдин,  
 Маҳжур тутуб кўзни пуроб айлама, эй дўст. (24-б.)

Ғазал Сарёмий мумтоз адабиёт намоёндаларининг ижодидан бебаҳра эмаслигини далиллайди. Жумладан, Ҳофиз Хоразмий, Атойи шеърятда инсоний туйғуни қадрловчи «эй дўст» радифли ғазал ўз тажассумини топган. аён бўладики, улуғ шоирлармиз Сарёмий ижодига ҳам баракали таъсир қилганлар.



Юсуф Сарёмий лирикаси мавзу ранг-баранглиги жихатидан серқирра бўлиб, жанр эътибори билан ҳам якранг эмас. Шоир ижодида чиндан ҳам ўзига хос танқидий йўналиш вужудга келди. Сатира шоир ижодининг муҳим бир узвий қисми даражасига кўтарилди. Шоир дунёқарашининг етуклиги, ғояларнинг баркамоллиги, ижодининг халқчиллиги, ҳаётийлиги сатирада ҳам намоён бўлди.

Сарёмий ўз даврининг яхшигина ҳажвгўйи бўлганлиги ҳақида шоҳид Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига Муродхўжа Солиххўжа ўғли ёзган тақриз ва иловаларда шундай асосли фикрни учратами: «Юсуф Сарёмий ҳажвий шеър айтурға таби мойил эди, кўб айтар эрди ва сўнгги умрларида бу ҳажвий шеърларини тамом куйдириб юборди».

Шоир ҳажвий асарларининг кўп қисми бизгача етиб келмаган, йўқ қилиб юборилган. Мўминжон Муҳаммаджоно бу ҳақда хотираларида шундай ёзади: «Шоирнинг (Сарёмийнинг – М.Т) қирқ ёшларға борған бир ямоқчи ўғли отасининг алифбо тартиби билан йиққан кўлёзма шеър-мажмуасини олиб чиқиб бизга кўрсатди. Шоирнинг кулғи (ҳажвий) шеърлари кўб бўлур эди. Бунда ул кулғилардан оз топтиқ».

Шундай бўлса-да, Сарёмийнинг бизгача етиб келган ва маълум бўлган ҳажвиётидан аён бўладики, шоир сатиралари шоирнинг ўз идеали тушунчаси ва интилиши билан боғлиқ реал аҳвол ҳаёт воқеа-ҳодисалари ўртасидаги зиддият ҳамда номувофиқликнинг меваси бадиий ифодаси сифатида майдонга келади.

Сарёмий учун жамият ва ҳаётдаги бутун салбийлик, иллат ва қолоқлик унинг сатираси учун материал бўлиб хизмат қилади ва танқидий йўналиш учун шоирга биринчи навбатда туртки асос бўлади. Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да сатира ва юмор учун асос бўлувчи кулгили ҳолатнинг юзага чиқишини жуда чиройли таҳлил қилиб беради: «Фосиқ бари миллатда нодондур ва покравлар орасида нодонроқ. Фисқ бари тарийқда ёмондур ва полрсолиқ либосида ёмонроқ. Не элга ёрсен ўзингни ул нав туз, Нечукки борсен ўзунгни андоқ кўргуз». Айни фикрлар Навоий сатирик асарларини англашга ёрдам беражagini профессор А.Абдуғафуров «Навоий ижодида сатира» китобида ўринли кўрсатиб берган Англашилишича, Навоий таъбири билан айтганда ёмонлик, бузуклик ҳолатини

тан олса ҳамда йўқ хислатларини даъво қилмаса, яъни «покравлар орасига» кирмаса у кулгили эмас. Фақат у ёмон фосиқ холос. Аммо ўз моҳиятини яшириб гўзаллик, яхшилик ниқобига ўраса кулгилидир.

Сарёмий сатирик шоир сифатида ана шундай кулгили ҳаётнинг ўзида объектив мавжуд оддий кўзга илинмаган ёки назарга олинмаган нарса ҳолатларни, воқеа-ходисаларни ҳам кўради, пайкайди. Ўз асари тасвири учун улардан мосларини танлаб олади. Бу жараёнда шоирнинг ҳаётни чуқур тафаккур этиши ҳамда ҳақиқий, чинакам кулгини зийраклик билан ҳис эта олиш қобилияти муҳим роль ўйнайди. Чунончи, М.Мирхолдоровнинг хотирлашича, бир амалдор ўзи ҳақида яхши фикр айтар деган умидда шоирдан унга атаб шеър айтишни илтимос қилади. Ҳозиржавоб Сарёмий унга бошдан оёқ қараб чиқиб, шу мисраларни ўқийди:

Отингни юриши чаққон экан,  
Молчилар ем билан боққон экан.  
Гердайиб ўтиришингдан билдим  
Қуймичингни эгар қоққон экан.

Сарёмий ҳажвиётларини кузатар эканмиз, адабиётимизнинг тарихий шароит билан изоҳланувчи умумий ҳолатидан шоир сатирасининг қатор ўзига хос хусусиятлари юзага чиқади. Шоир сатиралари қандай шаклларда юзага чиқмасин, у адабий турларнинг бирон бир жанрида тугал махсус асар сифатида ёки носатирик асарлар жисмида парча, эпизод ёки лавҳалар тарзида кўринмасин, кескин сатирик муносабат, айблов ва ҳукмнинг, асосан шу «мен» томонидан исботсиз ва тафсилотсиз қатъий логик хулосалар тарзида ўқувчиларга етказа олади. Бу эса Сарёмийнинг умумсатираси учун хос бўлган асосий биринчи хусусиятдир.

Сарёмий ҳажвиётининг иккинчи хусусияти, шоир ҳажвий асарларининг катта қисми конкрет шахсларнинг кирдикорларини очиб беришга қаратилганлигидадир. Шоир бу туркум асарларига ҳажв объекти қилиб шахсан ўзи билган, таниган ёки ўзгалар орқали билган шахсларни танлаган.

Масалан, ўз даврида Сайрамда мингбоши даражасида бўлган Ҳасанжон Махдум отда кетатуриб, қани шоир бўлсанг менга бир нима де-чи?- деганда, шоир дарҳол:

От янги, тўқим янги, юган янги,

Қозиликни талашган Ҳасанжон ҳанги

дея жавоб қайтарган экан. Текинхўрлик билан кун кечирган Нурхон эшонга қараб шундай мисраларни битган:

Бутмай мозор макони,

Қулли фосиқлар кони,

Борми йўқми имони

Нурхон эшон Сарёми.

Шоирнинг сатирик мисраларидан киноя ва инкор руҳи яққол сезилади, яъни воқеа-ҳодисаларга, объектга нисбатан муаллифнинг батамом терс позицияда туриши, уларни аёвсиз, кескин фош этиши, улар моҳиятидаги қолоқ, ожиз, кулигили томонларини олдинги ўринга суриши, киноя, кесатиқ, қочиримлар орқали шарманда этиши ва оқибат натижада умумий руҳ ва йўналишга тўла мувофиқ ҳолда объект устидан узил-кесил айбловчи, қатъий қораловчи ҳукм чиқариши каби ҳолларда кўринади.

Сарёмийнинг бутун ижоди марказида Инсон туради. Фозил, ҳалол, одобли, ахлоқли, иймони бут, хушсухан, ҳар томонлама етук, баркамол, чин Инсон – Сарёмийнинг идеали эди. Шунингдек, инсон, чин одамийлик ва халқпарварлик Сарёмийда яхлит, ягона бир тушунчани ташкил этади. Буни мавзумизга алоқаси шундаки, шоир сатирасининг ижодидаги умумтанқидий йўналишнинг шаклланиш нуқтаси, юзага чиқиш манбаи ҳам халқпарварлик тушунчасидир. Ана шу танқидий йўналишнинг, сатирик муносабатнинг ҳам ўлчови Сарёмий ижодида одамийлик, халқпарварликдир. Шу ўлчов билан ахлоқ нормаларига, дину диёнатиға назар ташлайди. Инсонлар устидан ҳукм чиқаради. Худди шу йўлда туриб баркамол инсон, чин одамийлик, ҳақиқий халқпарварлик манфаатларига зид бўлган барча нарсаларни – даврнинг энг муҳим ижтимоий

масалаларидан тортиб, индивидуумидаги жузъий салбий белгиларгача аёвсиз фош этади, инкор қилади:

Юртимизнинг бойи Абдулрасулбой,  
Шунча пули билан биринчи гадой.  
Кийган пойафзали ўзига ҳамсола,  
Бир пойафзал билан оқарди мўйсара.  
Тортган нонлари туникавий темир,  
Муллалар оғзингга олиб қурсиллатиб кемир.

Шоир юмор йўлида ёзган ушбу мисраларида хасисликданом чиқарган Абдулрасулбойнинг устидан кулади. Хасислиги шу даражадаки, кийган оёқ кийими сочи оқаргунча этади, еган нони темирдай қаттиқки, темир бирор нарсага текканда қандай овоз чиқариб тақилласа, Абдулрасулбойнинг қотган нонлари ҳам муллалар оғзида шундай қирсиллайди.

Сарёмийнинг бадий маҳорати сатира остига олинган объектнинг бош хусусиятларини ва ички дунёсини очишда яққол кўринади, бу эса танқиднинг ишончли ва асосли бўлишига эътибор берганлигини кўрсатади.

Шоир хасис очкўз шахсларни фош этиш мавзусини ишлашда, албатта, устоз Навоийга эргашади. Бу борада А.Абдуғафуровнинг англитишича, «Навоий ниҳоятда усталик билан хасис характерини чизади, унинг ички дунёсини, хасисликнинг туб моҳиятини пояма поя юзага чиқаради». Ушбу ҳолатга яқин талқинни Сарёмийда ҳам учратамиз. Шоир хасислар образини яратишда уларнинг руҳий ҳолатини, мақсадини моҳирлик билан чизиш шу орқали уларнинг пасткаш ва қолоқлигини очиқ-ойдин очиб ташлайди. Сарёмий сатираларида кишилар табиати ва фаолиятидаги бадахлоқлик, ёвузлик, бузуқлик, худбинлик каби нуқсонларга нисбатан ўқувчиларнинг нафратли муносабати шакллантирилади, уларнинг бу иллатдан қутулиш зарурлигига даъват қилинади. У ўзининг аёвсиз танқиди, кучли сатирасидан реал ва нақд натижалар кутди. Ёмонлик, ахлоқсизлик иллатнинг шулар воситасида яхшиланишини бешубҳа деб билди. Шоир шахслар фаолияти ва характеридаги жиддий нуқсонлар тўғрисида лўнда, сиқик мисраларда аниқ салбий

муносабатини равшан ифодалайди. Шоир тасвир объектига нисбатан ўзининг сатирик муносабатини деярли ҳеч бир изоҳсиз ва тафсилотсиз тайёр хулосалар, тугал шаклланган, узил-кесил ҳукмлар, ўзгармас баҳолар тарзида баён этади, натижада бу муносабат исбот талаб қилмайдиган мутлоқ ҳақиқат характери олади.

Сарёмий ижодида сатирик руҳдаги мухаммаслар ҳам учрайди. Юсуф Сарёмий Навоийнинг машҳур «Шайх» радифли ғазалига мухаммас боғлайдики, бунда шоир айрим шахсларнинг кирдикорларини, рижкор ва мунофиқлигини фош этишда Навоийга яқин туради, улар фаолиятини қоралайди. Мухаммаснинг бошидан охиригача шайхлар, воизлар ҳақидаги сатирик Навоий ғазалининг руҳи аниқ сезилиб туради.

Профессор А.Абдуғафуров тўғри таъкидлаганидек, «Навоий учун ҳар доим реакцион шаёх – бу аввало мунофиқ иккиюзлама, аблах, бузук, жирканч, бадахлоқ бир шахс; унинг бутун фаолияти алдов, макр-ҳийла асосига қурилган; у – инсоний хислатлардан батамом маҳрум очкўз, шуҳратпараст». Навоий шайхларни шундай тушунади ва улар фаолиятидаги нуқсонларни аёвсиз танқид қилади. Сарёмий мухаммасида ҳам шайх табиатига нисбатан берилаётган фош этувчи, қораловчи тавсиф жуда гўзал мисраларда акс этган:

Ҳонақаҳда ҳалқаи зикр ичра ғавғо қилди шайх,  
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх.  
Ул бири – дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,  
Ҳар қачонким азми тасбеҳу мусалло қилди шайх.

Навоийнинг шайхлар ҳақидаги сатирик ғазаллари адабиётимизда шу руҳ, шу мазмун ва кўпинча шу радиф - қофияларда катта бир циклнинг юзага келишига жиддий туртки бўлди.

Шоир Мирийнинг:

Ҳонақоҳ ичра кириб ҳар неча ғавғо қилди шайх  
Соддадил бечораларни усру расво қилди шайх.

Аваз Ўтарнинг:

Ичиб тинмайин дайр аро бода шайх,

Май учун қилур руҳни сажжода шайх.

Байти билан бошланадиган сатиралари Навоий ғазалининг бевосита таъсирида дунёга келган.

Дарҳақиқат, профессор А.Абдуғафуров қайд этганидек, сатирик асарлари биринчи навбатда шайхлар ҳақидаги XIX аср иккинчи ярмида кенг тарқалди ва шуҳрат қозонди. Сарёмий томонидан «сода шайх» ғазалига мухаммас боғланиши бунинг ёрқин далилидир. Шоир танқид остига олган шайхларнинг салбий хислатларини топиб уларни фош этар экан, бу йўлда навоийёна мисралар яратишга ҳаракат қилади:

Қилур зоҳири кори бори савоб,  
 Ниҳони урар нуқл бирлан шароб.  
 Вали сурату, лек ботин хароб,  
 Май устидаги хасча қилманг ҳисоб.  
 Агар сув уза солса сажжода шайх. (35-б.)

Мазкур байтлар Навоийнинг риёкор шайхларга берилган салбий баҳоларига мос тушади, шоирнинг танқид қилинаётган объектга нисбатан қандай муносабатда эканлиги сезилади. Айни замонда Сарёмий Навоий бошлаган танқидни кучайтиради. Шоир шайхнинг ташқи қиёфасига унинг ички дунёсини қарама-қарши қўяди. Ташқаридан ўзини қанчалик чиройли қилиб кўрсатмасин, унинг ички дунёси ботқоққа булғанганлиги «лек ботин хароб» дея алоҳида таъкидлайди. Шундай экан, у қандай кароматлар кўрсатмасин, хатто оқаётган сув устида сажжода ёзиб намоз ижро қила олса ҳам «май устидаги хасча»га ҳисоб қилинмаслигини уқтиради.

Сарёмий шайхларнинг қалбакилигини, турли ҳийлалар билан ўз ифлос башараларини яширишга уринишларини оддий кишиларни шайтон, дев, иблислар тўғрисидаги сафсаталари билан кўрқитиб йўлдан уришларини қисқа сатрларда ниҳоятда равон ва бадий ифода этади:

Ибодат этар: муддао- зару син,  
 Қилур зарқи томот бевахму бим.  
 Урар элни йўлдин чу деви ражим,

Ғазабда – сабу шахват ичра баҳим.

Агарчи эрур одамизода шайх.

Бизнингча, кўриб турганимиздек, Сарёмийнинг Навоийга ҳар томонлама муурожаат қилиши, радиф, мазмун, хатто мисра ва байтларни қабул қилиши тасодифий эмас. Профессор А.Абдуғафуров «Сарёмий Навоий таъсирида шайхларнинг қора ишларини кучли танқид қилиш, уларнинг риёкорликларини халқ олдида фош этиб ташлаш, ишига катта аҳамият берганлигини» алоҳида қайд этади ҳамда «Сарёмий Навоийнинг «Сода шайх» ғазалига ўтган тўрт юз йил мобайнида мухаммас боғлаган ягона шоирдир», дея унга юқори баҳо беради.

Таҳлил этилган сатира муносабати билан шоир ҳажвиётига хос бўлган тўртинчи хусусият, яъни сатираларининг юксак ахлоқийлик билан йўғирилганлиги маълум бўлади.

Сарёмий ўзининг ҳажвий асарларида юқори табақа вакилларининг риёкорликоларини катта маҳорат билан фош қилар экан, шоирнинг бу жиҳатдан «Шўринг курсин!» сатира танланган мавзунинг долзарблиги, ҳаққонийлиги билан нафақат ўз ижодиётида балки ўша давр шеъриятида ҳам ажралиб туради. Сарёмий бу асарида кичкина бир фожеавий лавҳа воситасида «замон зўрники» эканлигини жамиятда ҳақиқат, адолат йўқлигини содда, аммо реалистик сатрларда баён қилиб исботлаб беради. ушбу сатирада конкрет шахс Саид Аҳмаднинг «ҳожи» бўлмоқлик йўлида қилган риёкорликлари очиб ташланади ва шоир жасорат билан:

Фигон бу ҳол нечук ошно, шўринг курсун!

Ки, ҳосил ўлмади бу муддао, шўринг курсин!

Дея бошлаб ўқувчини тўғридан тўғри воқеа ичига олиб киради.

Шоир чаласавод Саид Аҳмаднинг ўзини мулла кўрсатиб, халқни талаб, судхўрлик билан пул тўплаб Каъбага бормоқчи бўлганини аччиқ истехзо билан шундай тасвирлайди:

Борарға нияти ҳаж деб кезиб томон қозоқ,

Ниёз учун олибон баъзидин сигир-бузоқ.

Ки берди баъзи яғир байталу, қўтир бўзлок,

Чу қоқ арқон ила баъзи берди эчку улок.

Чу қўйи-қўзи талаб доимо шўринг курсун! (6-б.)

Сарёмий аччик, аммо ҳаққоний мисраларда фош этган ҳаж сафари деб «мол ила пул» йиққан, «ҳамиша назр олурға шай» хожининг «муроди ҳосил ўлади», «ул куни тавофи ҳарамға» етишади, «муяссар ўлди анга айламаклик чиқиб Арофат» деб ёзади шоир у ҳақда, бироқ у чин маънодаги ҳақиқий ҳожи эмас, унинг шариат ҳукми юзасидан ўқиган ваъзалари бари ёлғон, кўр-кўрона. Шоир сатирик қахрамонимизга астойдил ачинади:

Чун равзаи ҳасратда неча кун турдинг,

Ул остони шарифға қаро юзинг сурдинг,

Дурри саодатга йиғлаб неча бошинг сурдинг

Нигори офатингга дур истаб ўлтурдинг.

Дуонг эрди қабулсиз рижо – шўринг курсин!

Сарёмий Маккага «ҳаж» қилиб келган хожининг бутун ярамас томонларини фош қиладики, бундай қабихлик прогрессив шоирлар томонидан ҳамма вақт кескин танқид остига олиб келинган. Масалан, Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг учинчи мажлисида Мавлоно Хуррабий номли бир зот ҳақида гапириб, унинг бир неча марта Макка ва Мадинага борганини аммо «бу сафарлардан келгандин сўнгра боргандин бурунроқдин беҳабарроқ ва бадафъолроқ» бўлиб келганини қайд қилади. Худди шу маънода Сарёмийнинг золим, бадфеъл, бадахлоқ, алдамчи, фирибгар Саййид Аҳмад образини яратишда Навоийнинг таъсирини қайд этамиз:

Закий Саййид Аҳмадки, Ҳожа ҳожи лақаб,

Ажаб қарилиғида топти ёри шакар лаб.

Мудом қандай одам, фириб ўлуб матлаб,

Асири зулфи махлиқо, шўринг курсун!

Сатирик объект Саййид Аҳмадни тўғридан-тўғри ҳақоратлаш, таҳқирлаш, мазах қилиш соҳасида ҳам Навоий услубини, Навоий сифатлашлари ва таққослашларининг бевосита таъсири бор. фош этилаётган объектга навоийвор



муносабатда бўлиш, Навоий каби хулосаларга келиш ҳам таъсирнинг бир кўриниши, Навоий билан ҳамфикрлиликнинг бир ифодасидир.

Шоир ўз асарларида динга кўр-кўрона муносабатда бўлганларни ҳамда Ислом динининг фарзларидан бири бўлган ҳаж қилмоқлик баҳонасида ўзининг манфаати йўлида нафси учун ҳар қандай разилликлардан қайтмаган «сохта ҳожилар»ни дадил қоралайди:

Қачон билур шарафи Каъба ғули одамрў,  
 Дурул файзи муҳалли, ижобати давот.  
 Тавофу саъйи сафони на эрканин билмас,  
 Ки забҳи Муздалифа рамйи нияти Жамарот. (37-б.)

Ушбу пурмаъно байтларнинг мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, ўзи одам юзли бўлиб, унда илм бўлмаса, у ҳажнинг файзини қандай ҳис қилсин?! Қачон дуо бўлиш пайтларини билмай туриб, тавофни, сайи сафони билмасдан Муздалифада «забҳ» қурбонлик қилишни қаёқдан билсин? «Жамарот ниятин»- Арофат тоғида тош отиш ниятини билмасдан туриб, қилинган ҳажнинг нечоғлик файзу завқидан қандай баҳра олсин?! Шоир шариатга мувофиқ амал қилмай қилинган ҳажни «бу қандай тоат» деб ачинади ва бундай ақлсиз, беор, беандиша, бадахлоқ шахсларни ҳақли равишда эшакка таққослайди ва тенглаштиради:

Чу бўлса масъаладин беҳабар на суд анга,  
 Баҳукми шаръ амал қилмаса нечук тоат.  
 Эшак ҳарамга агар борса, юз йўла эшак,  
 Нечук билур адаби тавфи сайъ ила арафот.

Кўринадики, Сарёмий сатирик мисраларида сатирик ўхшатиш ва сифатлашларни ўринли қўллайди, бу эса баённинг гўзал, ўқимишли бўлишини, тасвирнинг завқли чиқишини таъминлайди, янада бошқача айтганда «зарифона баён услубини» яратади, яъни улар фақат йўналишинигина белгиламай, шаклга ҳам бевосита таъсир этади, объект заминидаги кулгининг юзага чиқишишига сабаб бўлади, асарни халққа яқинлаштиради.

Шоир аччиқ, аммо ҳаққоний мисраларда шароит юзасидан ваъз айтиб, ўзига бино қўйиб уялмасдан ўзини эл ичида баланд тутган ҳирс ҳаволи, амаллари ноқис «ҳожилар» устидан шундай кулади:

Бу ранг бир неча нодон қилиб тавоби ҳарам,  
 Бино қилур ўзига айламай худодин уёт.  
 Келиб эл ичра ўзин барчадин баланд тутар,  
 Ҳавоу ҳирс бу нокас амал билан ҳайҳот.

Бу парчада юмористик тасвир, кулги ҳам равшан юзага чиққан. Муаллифнинг очиқ масҳара қилиши, объектнинг батамом «ноқис амалларини» калака қилиши, унга менсимасдан муносабатда бўлиши аниқ сезилмоқда. Кўриб ўтганимиздек, Сарёмий лирик қаҳрамонидаги ўз эътиқоди устидан шахсий манфаатини устун қўювчиларга, турмушдаги адолатсизликларга норозилик билдириш кайфияти, уни маълум тарихий вазиятда, шу камчиликларни танқид қилувчи сатирик қаҳрамонга айланганди. Шунингдек, шоирнинг лирик қаҳрамони ва сатирик қаҳрамони бир-бири билан узвий равишда боғланган ва бири иккинчисини тўлдирадигани, бу Сарёмий поэтик маҳоратининг яна бир қиррасини юзага чиқаради.

Сарёмий ҳажвиёти ўзининг кенг қамровлилиги билан маълум мазмунга ва илмий асосга кўра икки қисмга – сатира ва юморга бўлиб ўрганиш имкониятини беради.

«Сатира турмуш иллатларини ўткир танқид орқали йўқотишни мақсад қилиб қўйса, юмор ҳаётдаги жузъий айрим камчиликлар устидан кулади ва уларни тузатишни кўзда тутди. Шу маънода юмор оддий кулги эмас, мазмундор кулгидир. Буларнинг ҳар иккови заминда ҳам кулги, танқид ётади. Фақат бири қаҳрли, ғазабли, иккинчиси эса ҳазил, мутоибали кулгидир» деб ёзади бу давр адабиётининг эътиборли тадқиқотчиси марҳум профессор Ғ.Каримов. Ҳам сатира, ҳам юмор устаси бўлган Сарёмий эчки мавзусида махсус юмористик асарини яратдики, мухаммас шаклида ёзилган бу шеър «Дар марсияи эчку Юсуф Сарёмий» деб номланиб, 20 банд – юз сатрни ташкил қилади.

Шоир бу мавзуда ўзига хос оригиналликка эришади. Мавзунинг турли томонларини усталик билан очиб. Хароб, озгин, «арзон-гаров» сотиб олинган эчкининг «нози ситам» билан «ўтлоқу қўйлар аро ҳукми равон юриши», бироқ «нозик»лиги туфайли қиш кунларининг бирида совуққа дош беролмай бола ташлагани ва ўлимини масхараомуз кўрсатиб беради:

Ман дедим урди совуқ , мунга беринглар атала,  
 Ончунон қотган эдинг кеча егандек кўчала.  
 Неча ёлборди ҳама: дорудур ич ёки яла!  
 Ташладинг анда мушукдин каттароқ қора бола,  
 Дам-бадам кўп кучаниб ранги ёмон эчкигинам.

Шоир ўзининг ушбу юморида конкрет реал эчкм ҳақида сўзлаб, озгина совуқдан ҳам нозик танаси титраб, соқоли музлаган, «қадди камон» бўлган эчкининг аянчли аҳволидан кулади. Ҳатто бечора эчкининг терисига ҳам бозорда ҳеч ким олмайди, ундан «қарғаю итлар»гина роҳат қилиши мумкин:

Еб кетар насяга олишти этинг қарғау ит,  
 Демади ҳеч бириси нархини оз, бизга камит.  
 Олдилар ўртаға, бир дамда қилишти титу пит,  
 Устихонингда этинг қолмади миқдори чигит,  
 Қарғау итга этинг роҳати жон, эчкигинам.

Ижодкорнинг бу мисралари заминдаги кулги остида жиддий ва салмоқдор мазмун ётади. Қаровсиз, боқувсиз қолиб хароб бўлган эчки тимсолида ўша даврдаги мустамлакачилик зулми остида қашшоқлашган ҳаёт ҳамда халқнинг оғир турмушини кўраамиз.

Сарёмийнинг «Эчкигинам» юмори беихтиёр демократик адабиёт намояндалари Муқимий, Камий, Ёрий, Махмурларнинг от ҳақидаги шеърларини эслатади. От юморларида Муқимий «бедани чайнаб ютишга дармони қолмаган», Камий «бедаво иллатга учраган дардинок», шоир Ёрий эса «бошдин оёғи» яра бўлган отни, Махмур «ҳам ҳариш, ҳам хароб, ҳам бадном, икки минг айб ангадур мудом» отлар устидан кулиш орқали ўз даври ҳаётининг аянчли томонларини кўрсатиб беради. Яъни, хароб, озгин, қаровсиз қолган отнинг

турли-туман қилиқларини, кирдикорларини масхараомуз кўрсатиб бериш замондош шоирлар ўртасида кулги яратиш мусобақасига айланади.

Чунончи, Махмур юморининг баъзи характерли мисралари:

Сув ҳам ичса тамоғига тиқилур,  
 Пашша гар қўнса ёлига, йиқилур.  
 Кўзларидур юқорию бош қуйи,  
 Олами ваҳмидур макони – уйи.  
 Тумшуғи ерга якка қозуқдур,  
 Яғири қарғаларга озукдур.

Махмурдаги бу ажойиб юмор билан Муқимий мухаммаси ўртасида ўхшаш нуқталар бор. Яъни:

Бад қовок, суврат совук, рангида кўрким қони йўқ,  
 Бедани чайнаб ютарға тиш била дармони йўқ.  
 Ҳар қадамда қоқилур жисмида лоғар жони йўқ,  
 Минган одам бўлмаса мажруҳ то имкони йўқ,  
 Гўйиё қайрарға тиғи бениём ўлсун бу от.

Муқимийнинг тошкентлик дўсти Каримбек Камий ҳам Муқимийнинг «Ўлсун бу от» радифли мухаммасига жавоб тарзида «Мухаммас дар мазаммати аспи мавлоно Рух» деб номланган мухаммасини яратади. Мухаммас шундай бошланади:

Сийнаси тиғи ситам-ла чок-чок ўлсун отинг,  
 Бедаво иллатга учраб дарднок ўлсун отинг.  
 Устухони ёнчилибон майда хок ўлсун отинг,  
 Туъма қилсун қурту қуш гўштини пок ўлсун отинг.  
 Менга еткурди изо хуллас халок ўлсун отинг.

От сериясидаги юқоридаги юморларга жавоб тарзида шоир Ёрий ҳам «От ҳақида ҳажв» сарлавҳали юмористик асар ёзди. Шоир отнинг ҳолатини шундай тасвирлайди:

Отим саманди масхара, бошдин оёғидур яра,  
 Ему алаф йўқлиғидин жони етибдур ханжара.

Жамшиду Захҳок даврини кўрган саманди кўхна сол,  
Кўз дафъиға эркак қамишдин ёкти Ёрий қарқара.

Кўринадикки, ҳар бир шоир ўзига хос услубда, теманинг турли томонларини очиб беради. сарёмийнинг эчки ҳақидаги, шоирларнинг от ҳақидаги бу юморлари рамзий усулда тасвирланган объект сифатида танланган эмас, аксинча, Сарёмий ва бошқа шоирлар ўз юморларида конкрет эчки, от тўғрисида сўзлайдилар. Уларнинг жониворлик хусусияти йўқолган, яроқсиз, аянчли ҳолатга тушиб қолганлигидан куладилар. Зеро, бу кулги негизда жиддий ва чуқур салмоқли мазмун бор. Қаровсизликдан «қадди камон» бўлган эчки ёки боқувсиз қолиб хароб бўлган от қашшоқлашган ҳаёт, таланган халқнинг аянчли турмуши тимсолидир. Шоирлар ушбу юморлари орқали ўша давр ҳаёти учун характерли бўлган майда-чуйдакамчиликлар устидан куладилар, масхара қиладилар. Бу юморлар шоирларимизнинг атрофни ўраб олган муҳитдаги салбий ҳодисаларга нисбатан муросасиз эканлигини кўрсатади. Бу юморлар улар юрагидан чиққан соғлом кулги бўлишлиги унинг ижобий идеалидан дарак беради.

Хуллас, Юсуф Сарёмий сатира ва юморнинг гўзал намуналарини яратди. У сатирик тасвир орқали салбийликни инкор этувчи, идеални, ижобийликни тасдиқловчи, унинг манфаатини кўзловчи жанговор ва ниҳоятда изчил дидактика яратади. Сарёмий «бизнинг адабиётда сатиранинг илк устози Навоий»нинг (Ойбек), Турди, Махмурларнинг илғор анъаналарини давом эттирди. Шу билан бир қаторда Муқимий, Завқий, Камий каби шоирларга ғоя ҳам мавзу жиҳатдан анча яқинлашди.

Шоир маҳоратига хос адабий-бадиий ҳодиса ҳисобланган ғоя ва поэтик образларни ҳамда ҳажвий асарлар табиатини ўрганиб, қуйидаги хулосага келдик:

1. Шоирнинг маҳоратини тушунишда унинг «борлик, жумладан, инсон ҳақидаги фикрларининг фалсафий асослари» бирламчи моҳият касб этади.

2. Сарёмий шеърятининг ғоявий, фалсафий, ахлоқий замини – тасаввуф. Ғазалларида мажозий ишқ тасвири Ҳақиқий ишқни англаш йўлидаги бир восита,

кўприк бўлиб, шоир шеърлятида акс этган тасаввуф даражасини англашга ёрдам беради.

3. Шоир девонидаги ғазалларнинг аксарияти адибнинг нақшбандия тариқатига ихлос ва эътиқоди кучли бўлганлигини тасдиқловчи асосий далил бўлиб хизмат қилади.

4. Юсуф Сарёмий ғазалиётида айрим поэтик образлар – «май», «майхона», «соқий», «фано» мажозий маънода қўлланилганидек туюлса-да, моҳиятан ирфоний мазмун касб этади, кўп ҳолларда ўз маъно ва моҳияти ҳамда имкониятининг янгилиги билан ўқувчи диққатини тортади.

5. Сарёмийнинг лирик меросида дунёвий (мажозий) ишқ тараннуми ҳам ўзига хос чизгилар билан кўрсатилади ва шоир бу борада ҳам мумтоз лириканинг ўлмас анъаналарига содиқ қолади.

6. Юсуф Сарёмий сатирик асарларида Навоий ҳажвий асарларида устивор бўлган тамойилларга амал қилган ҳолда, уларни ижодий суратда давом эттирди. Унинг ҳажвиёти ижобий идеалнинг тасдиғи, салбийликни инкор этувчи энг гўзал назм намуналаридир.

7. Сарёмий сатирасида ғазал асосий жанр сифатида кўзга ташланиш билан бирга, у ушбу жанрнинг поэтик имкониятларини сатирик йўналишда кенгайтди ва бу жиҳатдан ўз замондошларига намуна бўларлик сатирик ғазаллар яратди.

8. Шоир мухаммасларида ҳам унинг сатирик ғазалларига хос бўлган поэтик хусусиятлар, жумладан, у Навоий асос солган сатирик поэтика мактабини давом эттириш билан ўз тахмисларида даврнинг энг асосий салбий ҳодисаларини танқид остига олиб, бу жанрга хос поэтик имкониятларни услубий ранг-баранглик билан бойитди.

9. Сарёмий юмористик асарларида ўз замонида урф бўлган поэтик циклларга шеърый жавоб бериш билан бирга айрим мавзулар талқинида новатор шоир сифатида эътибор топди.

10. Шоирнинг сатирик ва юмористик асарларида даврининг бош мавзулари акс этганини унинг замондошлари, хусусан, Муродхўжа Солиххўжа ўғли

«Тарихи жадидаи Тошканд» асарига ёзган тақриз ва иловасида ҳам тасдиқланган.

## 2. Бадиёти, вазни ва қофияси

Юсуф Сарёмий бадиий тасвир воситалари ва шеърий вазнлардан фойдаланишда ҳам ўз бадиий маҳоратини ёрқин намойиш эта олган шоирдир. Шоир лирикадаги турли хил бадиий мураккаблик ва шаклбозликка зид равишда ғазалларининг бадиий содда, самимий ва табиийлиги учун курашади. Бу борада А.Рустамовнинг «бадиий асарда ҳақиқат ҳам, унинг ифода воситалари ҳам бадиий тус олади» деган фикри ўринлидир.

Шунингдек, Шарқ поэтикасининг «фикрни равон ва нафис ифодалаш йўллари ва воситалари, бадиий санъатнинг (приёмлар, воситалар) турлари ҳамда хусусиятлари каби муҳим масалаларини ўз ичига олувчи» соҳаси бўлмиш илми бадеъ Сарёмий лирикасида ўзининг чиройли ифодасини топгандир. Биз бу ерда асосан шоир ижодидаги илми бадеънинг, шеърий санъатнинг маъноси билан боғлиқ бўлган гуруҳи маънавий санъатларга тўхталамиз.

Сарёмий илми бадеънинг шеърий фикрларга қанот бағишлайдиган, мазмунни таъсирли қиладиган, фикрни бўрттириб, оҳангдорликни кучайтирадиган тазод, ийҳом, тажохул-ул-ориф, тажнис, тавзеъ, таъдил, тасбих, тақрир, истихроҷ, илтизом ва бошқа шу каби кўплаб анъанавий усуллардан ўз ижодида маҳорат билан фойдаланган. Фикримизнинг далили учун Сарёмий шеърияида қўлланилган бадиий санъатнинг энг муҳим турларига тўхтаб ўтамиз ва шоир ижодидан уларга характерли мисоллар келтираамиз.

Бадиий воситалар ичида ийҳом санъати ўзига хос мураккаблиги билан ажралиб туради. Атоуллоҳ Ҳусайний бу санъатга шундай таъриф беради: «Ул андин ибораттурким, каломда бир лафз келтирурларким, андин икки маъно англашилур, бир маъносининг англами яқин, иккинчисининг англами йирик бўлур ва мурод англами узоқ маъно бўлур, анинг яширин маънодошиға, хоҳ ўшул каломда бўлсун, хоҳ андин ташқарида бўлсун, таянилур». Мазкур санъат шоирдан катта маҳорат, ўқувчидан эса зийраклик талаб қилади.

Шунингдек, Сарёмий ҳам ўз асарларида бу санъатдан кўп ва моҳирона фойдаланган.

Абдулхалил қории илми адаб паноҳ,  
Дийдамға хайри мақдаминг, эй монд, ҳойи роҳ.  
Шарқи сипеҳр фазлида то банда мисли меҳр,  
Ғарби камол авжида монанди бадру моҳ. (123-б.)

Бу байтда «шафқат», «лутф» маъносидаги «меҳр» билан «қуёш» маъносидаги «меҳр» бир жойда берилган. Натижада шоир бир неча байтда берилиши керак бўлган фикрни бир байтда ифодалаб беради. Қуйидаги байтда ҳам «бемеҳр» икки (шафқатсиз ва қуёшсиз) шаклдош сўзни ўз ичига олган:

Бемеҳрлар хаёли кўздин юборди уйку,  
Чун зарри они истаб ҳаргиз қарор топмай. (81-б.)

Сарёмий фойдаланган муҳим санъатлардан яна бири тазоддир. Тазод санъатида шоир зид маъноли сўзлардан фойдаланади. Лекин мисолларга қараганда, тазод фақат сўз маъноси билангина чегараланмасдан, васф қилинаётган ҳодиса ва нарсаларни ҳам ўз ичига олади.

Сарёмий бу санъат турини мукаммал эгаллаган бўлиб, бу ҳолатни қуйидаги ғазалда ҳам кўриш мумкин:

Висоли жаннатиға дохил айлаб шум рақибларни,  
Фироқи дўзахи бирлан мани қаттиқ азоб этмиш. (68-б.)

Бу байтдаги «висол-фироқ», «жаннат-дўзах» тазоди яхши чиққан. Мана бу рубоийда эса, «шоҳ-гадо» тазоди жуда гўзал ва таъсирли ифодаланган:

Ҳар кимки мунда бўлса гадо анда шоҳдур,  
Ким мунда шоҳ, анда, билинг, хоки роҳдур. (77-б.)

Юқоридаги мисоллардан ҳам сезиладики, шоир ўзига хос тазод ярата олган. Бу ҳолат Сарёмий девонидаги ғазалларнинг ғоявий-бадий қийматини оширишга имкон берган ҳамда тазод шоир ижодидаги етакчи санъатлардан бирига айланган.

Бадий адабиётда «билгувчини ўзини билмасликка солиш санъати тажохулул ориф» деб аталади. Сарёмий бу санъатнинг ҳам чиройли



намуналарини яратган. Масалан, қуйидаги ғазалнинг бадиияти тажоҳули орифга асосланган:

Кўрингки фурсати қиш ўтти, навбаҳор қани?!  
 Ҳавои сайри чаман гашти гулузор қани?!  
 Мақоми дилкаш назихат фазои маъмани йўк,  
 Шароби сокию уд тараб бу шиор қани?! (126-127-б.)

Бундан ташқари, шоир асарларида тасбиғ (ташобихул атроф)нинг намуналарини учратамиз. Мазкур санъат такрорга асосланган бўлиб, мисра ёки байт охиридаги сўз ёки сўзлар бирикмаси кейинги байтнинг бошида такрорланиб, мисра ё байтларнинг ўзаро алоқасини, изчиллигини занжир ҳалқаларидек бир-бирига боғлайди. Қуйидаги байтларга диққат қилинг:

Эй кўнгил, ҳижрони ёр дилрабодин нола қил,  
 Шоми фурқатда мани қилган адодин нола қил.  
 Нола қил, эй не сарипои лаб ҳар бандадин,  
 Қайда кўрсанг ҳоли мандек бенаводин нола қил.  
 Ёки:  
 Кўрдум юзини дурида олийжаноб хат,  
 Гарданида ўйла ҳола чекиб мохитоб хат.  
 Хатини фикри маҳва қилибдур саводи дил,  
 Ғам шоми чекти, шаъшаъадин офтоб хат.

Ушбу мисоллардан ҳам кўринадики, тасбиғ санъати шоирнинг сўз устидаги узоқ, давомли изланишлари, ихтирочилиги, бирдан-бир муносиб, ёрқин ва мавзун сўз қидириб топиши натижаси, меҳнат ва маҳорат самараси сифатида яратилган. Шунинг учун ҳам шоир яратган бу тасвирий усулда ҳар бир сўз шоирона ҳис этилади.

Бадиий адабиётда бир хил янгроқ товушга эга бўлган сўзлардан фойдаланишни бадеъшунослар «тавзеъ» деб атаганлар. Сарёмий бу санъатдан ҳам ўринли фойдаланган:

Адаш ёри ҳамдам Юсуфий, борай адаш ўлди,  
 Адашиб сани аларданким сани айтур адашимдур.

Ушбу байтда «а»лик сўзлар уюштирилган бўлиб, мазкур санъат тўғри қўлланилган, чуки янгроқдошлик туфайли маънога зарар етказилмаган, аксинча ғазалнинг таъсирчанлигини оширган.

Муайян сўзлар маълум бир ички мантиқий тартиб билан изчилликда берилади. Масалан: бир, икки, уч...; оқ, қизил, қора... ва ҳоказо. Ушбу санъатни Атоуллоҳ Хусайний шундай таърифлайди: «Ани сиёкату-л-аъдод ҳам дерлар. Араб фусаҳофи ва баъзи ажам шуароси қошинда содда отларни бир тартибу бир тариқада келтирмакдур». Адабиётшунос С.Рафиддинов эса қуйидагича ифодалаган: «Бу санъатда байтдаги от ёки бошқа гап бўлақларини (масалан сонни) бирин-кетин тартиб билан ифодалаб берилади». Шоирнинг қуйидаги байтларида таъдил мохирона қўлланган:

Бўлса бу кеч ҳамдами доно бир, икки, уч,  
 Аҳбоби хўб талъати танҳо бир, икки, уч. (32-б.  
 Ёки  
 Қилмоқ тамошай жамол ёр олдида озода шамъ,  
 Куюб, ёнуб, гирён бўлуб, жонон қўлида сода шайх.

Сўз такрорига асосланган санъатлардан яна бири тасдирдир. Юсуф Сарёмий ижодида ҳам тасдир санъатига қатор намуналарни учратамиз:

1. Байт бир сўз билан бошланиб, шу сўз билан тугайди. Масалан, қуйидаги байтларнинг биринчиси «ишқ» сўзи билан бошланиб, шу сўз билан тугаган:

Ишқ борин жумла ашё чеккали ожиз келиб,  
 Бу ҳазиз хок бўлди, оқибат даркор ишқ.

2. Байтнинг биринчи мисраси бошида сўз иккинчи мисрада ҳам такрорланади:

Бирни бозор муҳаббатда сотар, қуллик учун,  
 Бирни ажлолу кароматда қилур аҳрор ишқ.  
 Баъзи саркарам садои гулгун нокус дер,  
 Баъзи сармаст май завқи ҳарам заввор ишқ.

3. Биринчи мисра ўртасидаги сўз иккинчи мисра охирида қайтарилади:

Етти шаҳар ишқ кезган кўхкў девонавор

Орифи биллоҳи Фаридуддин эрур, Аттор ишқ.

4. Байтнинг биринчи мисра ўртасида сўз иккинчи мисра бошида такрор келади:

Мундоғ ота-онасида фарзанд фурқатин,

Фарзанд ота-она учун айларму оҳ-воҳ.

5. Ушбу байтда тасдирнинг бешинчи тури ҳам бор, яъни биринчи мисра ўртасидаги ота-она сўзи иккинчи мисра ўртасида қайтарилади.

Кўринадикки, тасдир санъатини кенг қўллаш орқали шоирнинг сўзга муносабати, унинг рангин маъно қатламларини ҳис қилиши ва сўзнинг зарурини қофия ва вазн жиҳатидан ҳам ўз ўрнига қўйиб ишлата билиш маҳорати англашилади.

Шоир воқеий, тасвирий ва мантиқий уйғунликдан ташқари яна тилнинг ўзининг ички уйғунлигидан ҳам унумли фойдаланади.

Юсуф Сарёмий фойдаланган муҳим санъатлардан яна бири мувашшахдир. Ушбу санъатнинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир байтнинг бош ҳарфлари орқали шоир ўзи билган бирор шахснинг номини назарда тутаяди. Бу ўринда бир мисол билан чекланамиз:

Гулчеҳраи гул пираҳан зебо қаду сиймин бадан,

Ширин лаби, шаккар даҳан, ёқут ё лаъли Яман?!

Рухсора айлаб оташин, базм ичра шамъи бодадин,

Қотил кўзи айлаб камин, ўлтурмади ҳасратдаман,

Очмай руҳи тобонини, оқузди ашким қонини,

Мушкин хати райҳонини искатмай ул рашки чаман,

Маст шароб ноз ўлуб, ҳуру паридин соз ўлуб,

Кўп қаҳру лутфи оз ўлуб, илкида зулфидин расан.

Ўлтургали келса етиб, илкида ҳанжар беркитиб,

Турсам ўзум қурбон этиб, ул юз чароғи анжуман.

Лаъли зумураддин асар, кўрсатти гуфтори гуҳар,

Йўқтур хато, чин сўз магар, холу хати мушки Хўтан.

Доғи жамоли лоладур, қаддига қумри воладур,

Бир шўх раъно боладур, мастонаи бебоки фан.  
 Ёқамни чок айлай десам, ўзни ҳалок айлай десам,  
 Савсан чекуб тиғи дудам, истар фидоси жону тан.  
 Ноламни кўргач андалиб, сўрди фиғон айлаб келиб,  
 Ман йиғласам гуллар кулар, турфа гула айлаб шикан.  
 Хандона лаб ул нозанин, ҳар дам дилида меҳру кин,  
 Доим билур ялғонни чин, айлар ғазаб ул чиндин.  
 Оҳ ул гулум қилмай жафо, кўрсатса бир меҳру вафо,  
 Ҳар субҳидам дасти дуо, айлай ҳақиға борман.  
 Номингни Юсуф чекти, ҳар мисра бошига тожи сар,  
 Эй нозанин тарсеъ этиб, зийнат учун дурри Адан. (113-б.)

Ушбу ғазалда шоир Киромиддинхон номи зийнатланган.

Санъатлар орасида сўз қайтариғига асоланган санъатлардан бири тақрирдир. Мазкур санъатда кучайтирув, таъкид ва ҳаяжон бир сўз ёки иборани такрорлаш йўли билан ифода қилинади.

Тубандаги байтларда Сарёмий тақрирнинг чиройли намуналарини яратган:

Қилурға сайри чаман чиқти ул муанбар соч,  
 Белига чирмашибон кокили қулоч-қулоч.  
 Юзин гулини асирин навоси ўзгачадур,  
 Ани қошида чаман булбули эрур қоч-қоч. (33-б.)

Шоирона эҳтирос ва дид билан топилган ушбу тақрир поэтик образ элементи сифатида асосан шеър ғоясини очиб беришга сўнгра шоир олами, ижодий индивидуаллиги ҳақида маълум тасаввур туғдиришга қодир бўлади ҳамда унинг истеъдоди ва шеърый укувини, эмоционал ва интеллектуал иқтидорини намоён қилади.

Сарёмий ижодида сўз такрорига асосланган санъатларнинг деярли ҳамма тури учрайди. Шунингдек, илтизом санъатининг вазифаси – шоир бир ёки бир неча сўзни байт ёки мисраларида қайтариб, ўқувчига шу сўз орқали ифодаланаётган маънонинг муҳимлигини англатади ва баён қилинаётган

фикрнинг киши хотиридан мустаҳкам ўрин олишини таъминлайди. Қуйидаги ғазалда Сарёмий «сўз» сўзининг илтизомидан устодона фойдаланган:

Сўз дема, барқи жаҳон сўздур бул андин бохабар,  
 Боиси суди зиён ҳам куфру иймон келди сўз.  
 Юсуфий сўз кадрили ким билди топди иктидор,  
 Шарбати йўхйил иъзом лаъли жонон келди сўз. (63-б.)

Шоир бу ғазалида сўзнинг кадри нечоғлигини, унинг кудрати, ғоявий-маънавий ва бадий ифодавий функцияларини чуқур ҳис қилиб, сўзнинг ички имкониятларини тўла тасаввур этган ҳолда санъаткорона жойлай олади.

Сарёмий санъатларнинг тил қоидалари ва унинг грамматик хусусиятларига асаланган иштиқоқ турининг янги-янги намуналарини яратди:

Боғу гулзору чаман, гулшани гулистону бўстон,  
 Оразинг кўрмоқ учун гулдин қизил рухсор қон. (109-б.)

Мазкур байтда «гул» ўзагидан, тузилган сўзлар билан иштиқоқ ясалган. Шоир ўзакдош сўзларни уюштириш натижасида гап бўлаклари орасида синтактик алоқалардан ташқари ўзак нуқтаи назаридан ҳам боғлиқлик ҳосил қилади. Бу эса шоирнинг айтмоқчи бўлган фикрини кучайтиришга, таъкидлашга ёрдам беради.

Бадий тасвир воситалари ичида истихрож санъати ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу санъатнинг луғавий маъноси – «қазиб чиқармоқ», яъни текстда тилга олинган ҳарфлардан сўз қазиб чиқарилади.

Қуйидаги байтларга эътибор беринг:

Кел, эй дил айлама ҳаргиз тазоиъ авқот,  
 Умидинг ўлса сани ҳақ қошида фавзи нажот.  
 Асоси мабнаи Ислом келди, беш адад,  
 «Алиф»ки аввалидур, билки таййиба калимот.  
 Иккинчи «син»и етургай сани саломатга,  
 Бўлурға ноил ўлуб, бўлди санга фарз салот.  
 Учунчи «лом» ўтгиз кун, бир ой рўзани фарз,  
 Чу қилди ҳазрати Ҳақ бандасига бори ҳаёт.

«Алиф» бинои чорум кимики бўлса ғани,  
 Ба амри шаръ эрур айламас адои закот.  
 Бешинчи «мим» ила Ислому дин топти камол,  
 Ки фарзи ҳажжи Ҳарам бўлса роҳ бе офот.

Шоир ҳар бир байтга биттадан ҳарфни сочиб, Ислому сўзини ҳосил қилади, яъни \_\_\_\_\_ ҳарфларидан \_\_\_\_\_ сўзи вужудга келди.

Шоир буни ўта моҳирлик билан ифодалайдики, бу билан ғазалнинг вазни ёки маъносига путур етмайди, аксинча ғазалнинг таъсирини ошириб пурмаъно беради.

Бадий нутқда мақол, масал ва ҳикматли сўзлардан фойдаланиш «ирсоли масал» санъати дейилади. Байтда ирсоли масални ўринли қўллаш, асарни мазмунан чуқур, лекин содда ёзиш шоирнинг юксак истеъдодидан дарак беради:

Нотавонлиғ кишини роҳатидур  
 Роҳати гўшаи қаноатидур.  
 Бир масал бор, эл аро машҳур:  
 «Чумолининг қаноти офатидур». (138-б.)

Юсуф Сарёмий асарларида муболағадан ҳам моҳирона фойдаланади. Сарёмийда муболағанинг ақлга сиғадиган, солим завқ нуқтаи назаридан маъқул бўладиган мақбул, ифрок турлари кўпроқ учрайди. Шоирнинг муболағалари воқеийлик, мантиқ нуқтаи назаридан асосли, тасаввуримизда ёқимлидир. Масалан, қуйидаги байтни олайлик:

Девона хотиримға жуз ёди келмас,  
 Бир йўл сўрарға ҳолим на ўлди нигор келмас.  
 Қон бўлди кўзда ашким истаб шабу висоли,  
 Гулгунузор моҳирў руҳ лолазор келмас. (68-б.)

Бу байтдаги бўрттириш (кўз ёшининг қон бўлиши) воқеий бўлмаса-да, мантиқан тўғридир. Ундан ташқари кейинги ташбих, яъни шоир ой юзли маҳбуба юзидаги қизилликни лолазорга ўхшатиши натижасида муболаға табиий тус олган.

Тубандаги байтларда Сарёмийнинг ошиқни маъшуқа йўлидаги «кўз ёши» ва «хижрон»ига нисбатан ишлатган муболағаси ҳам ғоят гўзал чиққан:

Борди биздин бир дам ул, гулдастай боғи Эрам,  
Йўлида сув бўлди мисли ашки чашми интизор.  
Яралар кўксумда бутмас бўлди хижрон тигидин,  
Юсуфий бўлмиш ракиби бадшиорим ёра-ёр. (58-б.)

Булардан ташқари тасвирда бирор дoston, афсонавий воқеа, машҳур асарлар ва уларнинг қаҳрамонларига ишора қилиш йўли билан ифодаловчи талмех санъати ҳам Сарёмий лирикасида ўринли ишлатилган. Масалан, тубанда келтирилган парчаларда Манмур Халлож инсоннинг илоҳийлигини шарафлаб «Аналҳақ» «Мен Худоман» дегани учун мусулмонлар ҳукмронлари томонидан шаккокликда айблаб қатл қилинганлиги ҳақидаги воқеага, кейинги ғазалда эса, Лайли ва Мажнуннинг ишқий можаросига ишора бор:

Ҳар тийра табъ олдида чун гул очилмаким,  
Яъни чу шахди ҳам ила гуфтор қилмағил.  
Мансурдек йўлунда «Аналҳақ» дегузмайин,  
Ошиқларинг ерини сардор қилмағил. (87-88-б.)  
Яна бир мисол:  
Ишқ водийсида ҳар ким ўзни Мажнун айлагай,  
Қилса арзи ҳусн агар ул орази Лайли мисол.

Шоирнинг маҳоратини, хусусан, унинг тасаввур ва хаёл оламининг бой ёки қашшоқлигини кўрсатувчи воситалардан бири ўхшатишдир. Сарёмий ўхшатиш бобида ҳам ўзига хос етуклигини кўрсатади:

Жомдек даврон кўлида элни саргардониман,  
Ким бу ҳасратлин сабудек, ёш тўкарман зор-зор.

Сарёмийнинг ўхшатишларидаги ўхшамиш фақат шаклга эмас, вазифага асосланган. Масалан, юқоридаги байтда ҳам шоир қаҳрамоннинг кўз ёшининг оқишини сабудан – кўзачадан сув қуйилаётган ҳолатга ўхшатади. Бунда муболағанинг маъбул турига ҳам ишора бор ва кўпчиликни хаёлига келмаган ўхшатиш ҳосил бўлган. Сарёмий ўхшатишларининг яна бир хусусияти шундан

иборатки, улар мураккаб ҳодиса ва мавжудотни соддалаштириб, мавҳумларини моддийлаштириб тасвирлашни таъминлайди:

Эй хаёли оразинг, ҳар дам танимға жон эрур,  
 Бевисолинг ҳамнишиним, нолаи афғон эрур.  
 Ҳажр бир ўтлуғ бало эрканки, куймаклик ишим,  
 Ҳар дамим сансиз чиқар бир оташи сўзон эрур.  
 Эй, гули боғи малоҳат, қомати нахли мурод.  
 Меҳри ишқинг пардаи, жоним аро пинҳон эрур.  
 Ушбу ғурбат Кўҳ даштида манам Мажнуни зор,  
 Жону дил бу водийи меҳнатда саргардон эрур.  
 Хури жаннат зодисан, ёхуд паризоди Эрам,  
 Бош оёғинг рашки боғ равзаи ризвон эрур. (48-б.)

Қайд этганимиздек, шоир ўхшатишларида нимагадир ўхшатиш, нисбат бериш, муқояса қилиш орқали оламнинг турли предметлари, ҳодисалари, жараёнлари, уларнинг моҳияти, характерли белгилари, ҳолатлари ҳақида китобхонга муайян эстетик туйғу, ҳайрат, рағбат уйғотади.

Юқорида Сарёмий ўз ғазалларида қўллаган бадиий санъат, ифода ва тасвир усулларига мухтасар тўхталинди. Шунга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, демак, Сарёмий ўз ижодида ўзигача мавжуд бўлган Шарқ шеъриятининг ранг-баранг тасвирий воситалари ва усулларидан ижодий фойдаланган, бу поэтик воситаларни ўз лирикасига оригинал равишда татбиқ этиб, ғазалларининг табиий ва бадиий етуклигига интиланган.

Шеърий асар учун асосий хуусиятлардан бири унинг вазнли бўлишидир. Сарёмий ўз лирикасида инсоннинг турли ички кечинмаларини етук шаклда бера олди. Юксак ғоя ва чуқур мазмунни гўзал бадиий шаклда олиш ҳам шоирдан катта билим ва маҳорат талаб қиладики, бу ҳақда адабиётшунос А.Рустамовнинг фикрлари мутлақо ўринлидир: «Классик поэзияда вазн, ундан тўғри фойдаланиш, вазн туфайли лексик ёки грамматик хато ва нуқсонларга йўл қўймаслик шоирдан катта маҳорат ва сўз бойлигига эга бўлишни талаб этади.



Шунинг учун шоирнинг кучини синашда асар вазнини текширишнинг ҳам ўзига яраша аҳамияти бор».

Шунингдек, Сарёмий ҳам ўз ижодий фаолияти билан Шарқ поэтикасининг асосий тармоқлари илми аруз, илми бадеъ ва илми қофия каби шеърият қоидаларини мукаммал эгаллади.

Сарёмий аруз вазнининг баҳрларидан фойдаланишда ҳам ўзига хос санъаткорлик намунасини кўрсатди. Шоирнинг ғазаллари ва бошқа турли шеърларидаги вазннинг уларда берилмоқчи бўлган рух, кайфиятга тамоман мос келиши – Сарёмий поэтик маҳорати учун характерли ҳол. Шоир ижодида вазн асарнинг мазмунини тўла, ёрқин, реал ифода қилишга хизмат этади. Айрим мисоллар келтирамиз?

Умри чекар жоним ғаминг сансиз дили вайрон тутиб,

Жоним ичида асрадим дардингни ман дармон тутиб. (15-б.)

Ушбу ғазал арузнинг «ражази мусаммани солим» баҳрида ёзилган бўлиб, рукнлари қуйидагича ажратилган:

Умри чекар| жоним ғаминг| сансиз дили| вайрон тутиб

- - v -    - - v -    - - v -    - - v -

мустафъилун    мустафъилун    мустафъилун    мустафъилун

Бундан равшанки, шеър мисраларида узун, қисқа товушларнинг маълум ўринда такрори – рукнлараро қисқа пауза бўлиши шеър ўқилишида маълум ритмни майдонга келтирган. Бу ҳодиса ғазалнинг умумий руҳига маълум даражада таъсир этган. Бу фақат вазн натижасида рўй берган ҳодиса эмас. Ғазалдаги туйғу-ҳисларни беришда мисра, байтлар, умуман ғазал мазмуни билан боғлиқ воситалар ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Сарёмий ўз лирикасида арузнинг жуда кўп ва хилма-хил баҳрларини қўллайди. Рамал баҳрида ёзилган ғазаллар шоир ижодида кўп учрайди. бизга маълумки, рамал баҳри ўзбек мумтоз шеъриятида жуда кенг тарқалган бўлиб, «турки» деб аталувчи халқ қўшиқларининг кўпчилиги ана шу баҳрда ёзилгандир.

Улуғ шоиримиз Алишер Навоий ҳам рамал баҳрининг ниҳоятда мусиқий, ёқимли жилोलаниб турувчи вазн эканлигини «Мезон ул-авзон» асарида алоҳида таъкидлаб ўтган эди:

«Яна суруредурким, ани туркий дебдурлар, бу лафз анга алам бўлубтур ва ул ғоятдин ташқари дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мутажойиз айш аҳлига судманд ва мажолис аро суруддур ва ул доғи рамали мусаммани мақсур вазнида вокедур».

Юсуф Сарёмий ҳам ғазалларининг кўпчилигида Навоий, Гадоий, Саккокий, Лутфий ва бошқа шоирлар каби аруз вазнининг рамал баҳридан унумли фойдаланган:

Тубандаги ғазаллар «рамал» баҳрининг турли рукнларида ёзилган бўлиб, ғазал рукнлари қуйидагича ажратилади:

Рамали мусаммани маҳзуф:

1. Кўп қувонма кўрмишам деб неча ойу йил ҳаёт,

Суд йўқдур юз мунигдек, бўлса беҳосил ҳаёт. (63-б.)

- V - - - V - - - V - - - V -

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

рамали мусаммани мақсур:

2. Соқийе тут, дам бадам соғар манга майдин тўло,

Раҳм қил, бошимға дур ҳушёрлиғ қаттиғ бало. (3-б.)

- V - - - V - - - V - - - V -

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

рамали мусаммани маҳзуф:

3. Зулфи савдосин тиларсенким, ўзинг девона қил,

Сунма илкинг сочина дасту дуодин шона қил. (85-б.)

- V - - - V - - - V - - - V -

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Ҳазажи мусаддаси маҳзуф;

4. Қарилармиз йигитларнинг адоси,

Йигитлардек йигитлар мубталоси. (135-б.)

V - - - V - - - V - -

Мафоййлун мафоййлун фаулун

Шоир Сарёмий вазн, қофия шеърятда жуда зарур ва муҳим омил эканлигини ҳамда шакл маънодан ажралиб қолиши керакмаслигини яхши тушунади ва ўз ғазалларида вазн, қофия ва бошқа поэтик воситалардан жуда усталик билан фойдаланадики, улар мазмунга чуқур таъсир этади, мазмунни ёритишга катта хизмат қилади.

Сарёмий ғазалларидаги вазн ходисалари асар мазмунига, байт маъносига, тасвир ва фикр изчиллигига сира ҳалақит бермайди, аксинча, мазмунни кучайтиришга, асарда ифода қилинаётган фикрнинг таъсирчанлигини оширишга ёрдамлашувчи восита вазифасини бажаради. Шоир шеърларининг вазнлари шундай мустаҳам қурилганки, ундаги сўзларни на қўзғатиб ва на бошқа сўз билан алмаштириб бўлмайди. Бунга қуйидагича мисол келтириш мумкин.

Ҳазажи мусаммани солим:

Тош урғон бошима бир кўнгли қаттиқ бағри тошимдур,

Манга бир зарра янглиғ меҳр кўрсатмас қуёшимдур. (55-б.)

V - - - V - - - V - - - V - - -

Мафоййлун мафоййлун мафоййлун мафоййлун

Келтирилган мисолида вазн равон, мусиқий. Бу парчадаги вазн баён ва тасвир изчиллигига, сўз танлаш ва уларнинг ўз ўрнида ишлатилишига, грамматика ва услубга, қофия ва тасвирий воситаларга ҳеч қандай путур етказгани йўқ.

Азалдан мумтоз адабиётимизда ҳукм сурган аруз вазнида шакл талаблари ниҳоятда кучли. Кўп вақтдан буён давом этиб келган анъанага биноан арузда бирор баҳни бузиш ундаги талабларга риоя қилмаслик катта нуқсон ҳисобланган. Сарёмий ғазалларида ана шу аруз вазни талабларига тўлиқ риоя қилади:

Эй ҳадисинг жон эрур, топти лабингдин жон ҳадис,

Ҳар каломинг жонға жондур, айла эй жонон, ҳадис.

- V - - - V - - - V - - - -V - - -

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Бу ғазал мисраларидаги товушлар узун-қисқа ҳижоларни ўз ичига олган рукнлардаги товушлар тартибида бўлиши билан арузнинг рамали мусаммани маҳзуф баҳрини ҳосил қилади.

Албатта, ҳар бир фикр, сўз ҳаяжон ифодасида маълум мантикий талаб бўлади. Буларни ҳеч қачон олдиндан танлаб олинган схемага, қолипга жойлаштириб бўлмайди. Шоир маҳорати ана шу анъанавий вазни шаклини мазмун талабларига бўйсундиришда кўринади.

Юсуф Сарёмий жуда истеъдодли, моҳир санъаткор бўлганлиги туфайли унинг лирикасида вазн ёки бошқа шакл талаблари устунлик қилмайди. Аксинча, вазн ва бошқа воситаларнинг барчаси мазмунига мос маънога бўйсунган. Шунинг учун ҳам унинг лирикаси реал, сермазмун ҳаётбахш таъсирга эга. Чунончи, тубандаги мисраларга эътибор беринг:

Ўлтурма боқмай ҳолима эй сарвиқад, сиймин бадан,

Талх этма комим сўзламай, шаккар лабу ширин даҳан. (102-б.)

Арузнинг ражази мусаммани солим (мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун) баҳрида ёзилган бу парчадаги ҳар бир сатр ўзига хос мустақил равишда мантикий фикр яратади ва кейинги сатрларда бу фикр ўсиб боради.

Бу ерда вазн ёки бошқа шакл устунлик қилаётгани сезилмайди, аммо вазн тамом сақланган, хатто у фикр ҳодиса ичига сингдирилган.

Ўзбек поэзиясида вазн билан бирга вазн ҳодисаси саналган ва ўзига хос образлилиликнинг зарур элементларидан бўлган қофия муҳим ўрин тутди. Шеърда фикрни ифода қилиш, уни ёрқинлаштиришда қофиянинг ўрни катта. Шунинг учун ҳам шеърятда қофия кенг қўлланилади. Сарёмий лирикасида хилма-хил, жуда ўринли ишлатилган қофияларни кўрамиз:

Боғлама дунёга кўнгил мулки моли фонидур,

Ким кўнгул боғлар анга, нодонлар нодонидур.

Ҳар баҳор айёми очилғон гул ила лолалар,

Ерга кирган гулжабинлар чехраи хандонидур.

Соҳили мақсудга етмай жумлаи пиру жувон,  
 Дасти ҳасрат бошида ғарқи фано тўфонидур.  
 Абри найсон демагил гулшанда гул аҳволига,  
 Қатраи борон эмасдур дийдаи гирёнидур.

Келтирилган бу парчадан «нодон», «хандон», «тўфон», «гирён» сўзлари ўзаро қофияланган. Қофия ҳар бир баҳрда ўзига тегишли ўринни эгаллайди. Аммо вазн ҳам қофия бўлмаса бут бўлмайди. Шу келтирилган ғазалдаги биринчи байтнинг ҳар бир мисраси баён, изох, хулоса сифатида маълум фикр тугаллигига эга. «Боғлама дунёга кўнгил мулки моли фонидур», мисрасида бир нима етмаганлиги фикр тўла хотима қилинмаганлиги кўриниб туради. Шу мисра унинг давоми сифатида «Ким кўнгил боғлар анга нодонлар нодонидур» мисраси қўшилиши билан шахсда бу ўткинчи дунёга, унинг молу мулкига кўнгил боғламаслик бу фақат нодонларга хос туйғу эканлиги ҳақида фикри ойдинлашади. Демак, шеърдаги ҳар бир мисра байт бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тўлдириб боради. Ана шу боғлаш вазифаси ҳамда фикр жараёнини якунлаб хотима қилиб бориш вазифасини ҳам ўтайди.

Агар диққат билан қарасак, Сарёмий қофиядаги маълум товушлар такрори ва талаффузи орқали ўз ғазалида мазмунни ёрқин, равон ифодалашга ҳаракат қилганини кўрамиз.

Юқоридаги ғазалда насиҳат руҳи ҳукмрон, поэтик воситалар ҳам, қофия ҳам шу руҳни бериш учун хизмат қилади. Аммо биз бу ерда бошқа бир ҳодисага эътиборни жалб қилмоқчимиз. У ҳам бўлса шу ғазал руҳини ифодалашда «о», «н» товушларининг такрори масаласидир. Ғазалда қофия бўлиб келган «нодон», «хандон», «тўфон», «гирён», «кон», «жон», «ҳайрон», «ҳамон», «султон», «дармон» сўзлари ғазал тузилиши, туйғу ифодаси мустақил вазифа ва маънони ифодаласа-да, бу сўзларда «о», «н» товушлари бўрттирилган, улар ҳамма товушлардан устунлик қилади. Бу нарса ғазал бошида йўналтирувчи фикр сифатида таъкидланади, ғазал охиригача ҳамма ҳодисалар – сўзлар, товушлар, талаффузлар воситасида ўша асосий фикрни ифодалаган сўздаги хусусиятлар сақланади, такрорланади.

Сарёмий ўз лирикасида ғазал, мазмуни, рухига мос келадиган турли сўзлардан иборат ана шундай чиройли қофиялар яратади. Шеърятда қофия билан боғлиқ ҳолда радиф катта ўрин тутаяди. Чунки радиф образ, характер яратишда кўшимча кучли бадий восита бўлиб хизмат қилади. Сарёмий мумтоз шеърятдаги бу анъанани муваффақиятли давом эттирган. Сарёмий лирикасида ҳам радиф билан тугалланадиган ғазаллар кўп. Улар ранг-баранг бўлиб, ҳамма жойда ғазалнинг асосий мазмунидан келиб чиқади ва ғазал эмоционал таъсирни кучайтиришга, шу йўсинда, шеър мазмунини ёрқинроқ очишга хизмат қилади. Мисолларга мурожаат қиламиз:

Ҳажрингда мани зору хароб айлама, эй дўст,

Бағримни фироқингда кабоб айлама, эй дўст. (24-б.)

Бу ғазалда «айлама, эй дўст» радиф бўлиб келяпти.

Ғазалдаги фикр, туйғуни ифодалаш деярли радифга юклатилган. Аммо, шунга қарамай, ғазалда фикр, туйғу, ҳодиса ифодаси ўз тақомилига етган. Бу хилда радиф тузиш мазмун томондан ҳам оқланган.

Радиф тузишда радиф кучи ва таъсири ғазалдаги вазнининг умумий мазмунга қай даражада боғланганлиги билан белгиланади. Шу сабабдан, радифда шоир маҳорати орқали ҳар қандай сўзлар чуқур маъно касб этиши, шеърда катта ўрин тутиши мумкин.

Мани маҳв айлади бир жураи нозик фиғон ҳофиз,

Ажаб бир офати жон, масти булбули ҳушлиҳон ҳофиз. (23-б.)

Бу парчада радиф – ҳофиз. Алоҳида қараганда унчалик аҳамиятли туюлмасанда, аммо у шеърда ниҳоят муҳим ўрин тутаяди. Агар шу радиф бўлмаса байтлар ва маъно ҳам тўла чиқмайди, умуман, ғазалдаги туйғулар тўла ифодаланмайди.

Сарёмий лирикасида радифли ғазаллар жуда кўп ва хилма-хил. Унда ҳамма сўзлардан ўринли фойдаланган ҳар бир ғазал кўзланган мақсадини ўқувчига етказаяди. Масаланинг муҳимлиги шундаки, радиф гўё ғазалнинг мазмунини белгилаб бераётгандай бўлади. Бироқ шоирнинг конкрет фикрлар ифода қилган радифлари борки, ғазаллардаги мазмун гўё фақат шу фикр атрофида боради. Мисоллардан кўринадики, Сарёмий шакл асосида иш кўрадиган шоирлардан

эмас, у ҳамма шаклларни усталик билан, санъаткорона дид билан ўз мақсадига бўйсундиради.

Шеърятда фақат вазнининг ўзи мазмун ярата олмаганидек, қофия ҳам бир ўзи мазмунга чуқур таъсир қила олмайди. Сарёмий ғазалларида ҳам деярли ҳамма сўз бўлаклари, баъзан, хатто айрим товушлар қофия бўлиб келади. Айрим ҳолларда эса, ўзбек тилидаги ҳамма ундош товушлар ва «о», «у», «Ў» унлилари қофияда равий бўлиб келади. Масалан, шоирнинг қуйидаги байтларидаги ўзак охирида келган ундош товушлар равийдир:

Суюн эй дил, яна етушти баҳор,

Лутфи ҳақдин хазоини асрор (52-б.)

Қилмадинг, эй гул баҳор айёми сайри боғ ҳеч,

Ғунча жабинин чок-чоку, лола бағрин доғ ҳеч. (33-б.)

Биринчи байтда «баҳор» билан «асрор»даги «р», иккинчи байтдаги «боғ», «доғ»даги «ғ» равийдир.

Қофия илмида равий олдидаги унлидан аввал келган ундош товуш олдидаги «о» товуши таъсис дейилади. Чунончи, қуйидаги байтнинг «ҳосил», «комил» қофиясидаги «о» таъсис бўлади.

Кўзингни ғамзасидин юз таважжух дилга ҳосилдур,

Қаро мужгон нозинг ҳар бири бир пири комилдур. (60-б.)

Таъсис қофияни оҳангдошлигини таъминлайди ва ғазалнинг таъсирчанлигини оширади.

Ушбу б, н, з, р, с, ф, х, ш, ғ, ҳ каби ундош товушлардан бири равийнинг олдида унга ёндош келса, яъни ўртада унли товуш бўлмаса қайд ҳосил бўлади:

Ман мунда чашм-чашмаи, сан анда нўш ханд,

Зулфунг таноб ҳалқау ҳар ҳалқа бар каманд. (42-б.)

Ижодий жараённинг мураккаб нуқталаридан бири бўлган қофия қийноғини шоир муваффақиятли адо этади, яъни бунда Сарёмий бир йўласига фикр ва ифода, сўз ва маъно, ритм ва оҳанг каби муаммоларни ҳал қила олган.

Равийдан кейин келадиган ундош ва унли товушлар васл деб аталади.

Чунончи қуйидаги байт қофиясидаги «с» ундоши васлдир:

Қарилармиз – йигитларнинг адоси,

Йигитлардек йигитлар мубталоси. (135-б.)

Юсуф Сарёмий ғазалларида эънот санъати ўзининг чиройли ифодасини топган. бу санъатда шоир қофияда равийдан олдин такрорланиши зарур бўлмаган товушларни ҳам такроран келтиради:

Баҳори ҳусни айёмида, эй гул, сайри гулзор эт,

Беҳиште қил чаманни, юз очиб фирдавси бозор эт. (24-б.)

Бу байтдаги «з» товушининг такрорланиши натижасида ғазалнинг жарангдорлиги ортади, қофия эса янада гўзал чиқади.

Сарёмийда қўш қофияли байтлар ҳам учрайди. булар қофия илмида «зулқофиятайн» деб аталади. Қуйидаги байт қўшқофиянинг ажойиб намуналаридир:

Қаро кўзунгни асири мудом сурмаи ноз,

Замона кўрмади бир сан каби бути танноз. (62-б.)

Тажнис лафздош сўз ва ибораларга асосланган санъат бўлиб қофияда ҳам ишлатилади. Қофия тажниси Сарёмийнинг ғазалларида қуйидагича учрайди:

Новаки андози қазоя нигоҳи тирверар,

Соиди фитная абрўлари шамширверар. (47-б.)

Юқоридаги мисолларимиздан Сарёмийнинг ғазаллари шаклан нақадар гўзаллиги очик-ойдин кўриниб турибди. Лекин қофиянинг шаклий гўзаллигининг ўзигина шоир маҳорати кўрсатмайди. Шоир ғазалларининг қофияси ўзининг ажойиб интонацияси биланоқ махсус мусиқий лавҳа образ даражасига кўтарилади. Айниқса, бунда шоир қўллаган радифларнинг роли катта. Радифлар ғазал қофиясига маънавий ифодавий жило беришда айниқса, қофия силсиласини тузишда фаол қатнашадик, ҳар бир байтда қофияга ёрқин индивидуаллик бағишлайди. Сарёмийнинг назмининг маънавий ва шаклий томонига заррача зарар келтирмайди, аксинча наф келтиради. Шоирнинг қофиядаги сўзлари шаклан етук бўлиши билан бирга маънан ҳам комил.

Сарёмий ижодида шакл вазн ҳамда қофияларнинг хусусиятлари ҳақида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:



- Сарёмий мумтоз адабиётдаги поэтик санъатлардан фойдаланишда ҳар бир ғазалнинг ички мантиғидаги келиб чиқиб иш кўради. поэтик санъатлар шакли ранг-баранглиги учун эмас, балки маънонинг чуқур ва комил бўлиши учун хизмат қилади;
- Шоир аруз вазни имкониятларидан тугал фойдаланиш баробарида кўп ҳолларда вазн фақатгина мусиқий оҳангдорликка эмас, балки мазмун кўламининг кенгайишига ва ўқувчига етиб бориш тезлигининг ошишига хизмат қилади;
- Шоир ғазалларининг мазмуни қофияга эмас, қофия унга бўйсунди;
- Асарлардаги қофия шоирга ўз ҳукмини ўткази олмайди, балки шоир қофияни ўзи истаган йўлга солади ва ундан ҳоҳлаганча фойдаланади;
- Шоир ғазалларида қофиядош сўзларнинг ҳаммаси тил қоидаларига, бадий услуб талабига ҳамда асар мазмунига мувофиқдир;
- Сарёмий қофиялари шоир ижодини бадий жиҳатдан етук, маънавий жиҳатдан пишиқ қилишда катта аҳамият касб этади.

Сарёмий лирикаси ниҳоят таъсирчан, унинг ғазалларини ўқир экан, киши ҳеч қандай зўрлик, машаққат туйғусини сезмайди. Улар гўё булоқдан равон оқиб чиқади. Бунга Сарёмий маҳорат орқасидан, яъни ғазалда кўрсатилган мақсадга барча шеърини воситалар, шакл талабларини бўйсундириш натижасида эришган деган умумий хулосага келдик.

## Х У Л О С А

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейин ўзимизни, ўзлигимизни қайтадан кашф қилишга эришдик. Дунё фозилларининг хайрати ва ҳурматидаги донишманд боболаримиз яна кўнглимиз ва онгимизга ташриф буюриб, халқ маънавиятининг узвий бир қисмига айланиб бормоқда.

Юсуф Сарёмий шарқа дабиётининг илғор анъаналарини мукаммал ўзлаштирган ҳамда ўзининг ана шу бой мероси ва анъаналаридан озиқланган баракали ижоди билан ўзбек адабиёти тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшган шоир эди.

Сарёмий ўзининг инсон руҳини улуғловчи шеърляти билан ўз истеъдодини камол топтирган такрорланмас гўзалликлар ижодкори. Шоир Юсуф Сарёмий ўзига хос бир олам, бир дунёки, шоир дунёсига кирган сари инсон ўзини, ўзлигини таниш дарди билан фикран машғул бўлади, яъни инсоннинг ўзлигини англашга, гўзалликдан завқланишга, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлишга чақиради. Шу билан бирга шоир дин ва тасаввуф масалаларига муносабат билдиради.

Шоир ғазалларида айрим поэтик образлар мажозий маънода қўлланилгандек туюлса-да, моҳиятан ирфоний мазмун касб этиши матннинг руҳи ва оҳангидан сезилиб туради. «Май», «майхона», «соқий», «фонийлик» каби қўлланган образларнинг лирик қаҳрамон ҳолатини, руҳий дунёсини белгилашда маълум аҳамиятга эга эканлиги шоир тасаввуфий лирикасининг тимсоллар дунёсининг маъно қатламлари орқали ўрганилади.

Вазн, қофия ҳам шеърлятда жуда зарур ва муҳим омиллардандир. Улар мазмунга чуқур таъсир этади. Мазмунни ёритишга катта хизмат қилади. Шакл маънодан ажралиб қолмаслиги кераклигини яхши тушунган шоир Сарёмий ўз ғазалларида шаклдан поэтик воситалардан жуда усталик билан фойдаланади. Бунинг натижасида унинг ғазалларида вазн, қофия ва поэтик воситалар хилма-хил ранг-баранг. Улар бевосита мазмун билан боғлангандир.

Юсуф Сарёмий асарни таъсирчан ҳамда самимий чиқишида бадиий тасвирий воситалардан жуда ўринли фойдаланади ва шу орқали чиройли бадиий лавҳалар яратишга эришади.

Мумтоз адабиётимиз тарихида Юсуф Сарёмийнинг муносиб ўрни бор. Унинг ғазаллари маънавиятимизни бойитишга, адабиётимизнинг ривожига хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадқиқотда баён қилинган фикр ва мулоҳазаларни шундай хулосалаш мумкин:

1. Бой маънавиятга эга бўлган қадим юртимизда мустақилликни мустаҳкамлаш борасида қизғин кураш кетаётган бир пайтда XX асрнинг бошида яшаган ва замон талабларига жавоб беришга ҳаракат қилган кўплаб истеъодлар қаторида эътиборли шоиримиз Юсуф Сарёмийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда катта эҳтиёж бор.

2. Барчамизга маълум шарт-шароитларга кўп асрлик тарих ва маданиятимиз, хусусан, XIX асрнинг II ярми жумладан, шўро адабиётшунослиги учун «мураккаб», «ностандарт» бўлган Юсуф Сарёмий ҳаёти ва фаолиятини ва бой меросини ўрганишга эътибор берилмай келинди.

3. Юсуф Сарёмий Сайрамда туғилган, Тошкент адабий муҳитида тарбият топган. Туркистоннинг барча эътиборли ижодкорлари билан яқин алоқада бўлиб, XX аср бўсағасидаги умумтуркистон адабий маданий ҳаракатчилигининг самараларидан озиқ олиб улғайган. Шу жиҳатдан буюк ватандоши Аҳмад Яссавий анъаналарига содиқ қолишга уринган ижодкордир. Сарёмий тасаввуфий адабиётда нақшбанд тариқатининг шеърӣ сифатларини ўзида сақлаган шоирдир.

4. Сарёмийнинг ҳаёт йўлини, илмий биографиясини яратиш ишлари эндигина бошланмоқда. бу борадаги манбаларни тўплаш, саралаш билан улардан фойдаланиш, шоир ижодий меросини тўғри англаш ва ҳаққоний баҳолашнинг омилларидандир.

5. Юсуф Сарёмий ўзидан салмоқли адабий мерос қолдирган замондошларидан томонидан эътироф этилган Туркистон адабий-маданий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган шоирлардандир.

6. Шоирнинг девони анъанавӣ лирикамикни турк адабиётшунослигида «девон адабиёти» деб номланган ҳодисани бир томондан давом эттирса,

иккинчи томондан, давр оҳанглари билан бойитади. Янги мазмун, янги рух олиб киради.

7. Мавлавий Сарёмий лирикаси моҳият эътибори ва образлар олами, шеърдаги бадиият салмоғи, мазмун, ғоя ва таъсир кучи жиҳатидан шарқ халқлари тафаккури тарихида муҳим ўрин тутган тасаввуф таълимотидан бутунлай ажралмаганлигини эътироф этамиз.

8. Шоир Юсуф Сарёмий шеърнинг мазмунигагина эмас, унинг бадииятига, поэтикасига ҳам алоҳида эътибор билан қаради. Вазн ва қофиянинг янги-янги имкониятларини излади. Шарқона бадий санъат (образ) яратишнинг гўзал намуналарини кашф этди.

9. Сарёмий лирикани ҳажв билан омухта қила олган шоир. Бу жиҳатдан у Муқимийни эсга туширади. Унинг ҳам ҳажвлари конкрет адресга эга. Бирок шоир ахлоқий масалаларга кенг ўрин беради. Инсон ва замоннинг кўпроқ ахлоқ билан боғлиқ жиҳатларини нишонга олади. Унинг ҳажвиялари бугунги кунгача эл орасида шуҳрат тутиб келиши шоирнинг ҳажвий истеъдодидан далолатдир.

10. Юсуф Сарёмий номининг бир қатор замондошлари асарларига киритилиши, унинг шеърларига боғланган ўнлаб мухаммаслар, назиралар, шоирнинг ўз даври адабиётида катта мавқега эга бўлганлигини кўрсатади. Бу эса табики, шоирнинг адабиётимиз тарихида ҳам ўзининг бетакрор ўрнига эга эканлигига далолатдир.

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>Муқаддима</b> .....	<b>3</b>
<b>Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши</b> .....	<b>4</b>
<b>Шоир ҳаёти ва ижодининг манбалари</b> .....	<b>6</b>
<b>Таржимаи ҳоли</b> .....	<b>16</b>
<b>«Девони мавлавий Юсуф Сарёмий»</b> .....	<b>34</b>
<b>Баёзлар ва мажмуалар</b> .....	<b>48</b>
<b>Юсуф Сарёмий шеърляти</b> .....	<b>56</b>
<b>1.Ғоя ва образ</b> .....	<b>56</b>
<b>2. Бадиъати, вазни ва қофияси</b> .....	<b>100</b>
<b>Хулоса</b> .....	<b>120</b>

Муқаддас Тожибоева

**ЮСУФ САРЁМИЙ  
ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ**

Илмий-марифий нашр

**Босмахонага 2005 йил 2 майда топширилди.  
Босишга 2005 йил 10 июнда рухсат этилди.  
Бичими 42X30 / . Адади 5000 нусха. Газет қоғози.  
15Ғсон буюртма.**

**Баҳоси келишилган нархда.**

**“MUTFRJIM” шўъба корхонаси матбаа бўлими,  
Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси,  
Қошиқчи 1Ғтор кўча, 1Ғуй.**